

А  
5180

Кўлёзма ҳуқуқида

ҒАФҒОРОВ Нодир Насриевич

УДК 894.375.(092) Навоий

**АЛИШЕР НАВОИЙ «ХАМСА» СИДА  
СЎҒИЙЛАР ТИМСОЛИ**

10. 01. 03 - Миллий адабиёт тарихи  
(ўзбек адабиёти тарихи)


Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган  
**д и с с е р т а ц и я**

Илмий раҳбар - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, Абу Райҳон Беруний  
номидаги Республика Давлат  
мукофоти совриндори, филология  
фанлари доктори, профессор

ФНТГ ФНТИ

А. Ҳ. Ҳ а й и т м е т о в

Тошкент - 1999



# МУНДАРИЖА

**Кириш** -----3-7-бетлар

## **Биринчи боб**

### **Тарихий сиймолар**

- 1.1. Достонларнинг анъанавий кириш бобларидаги  
сўфийлар-----9-21-бетлар
- 1.2. Сўфийлар ҳикоятлар қаҳрамони сифатида-----21-70-бетлар

## **Иккинчи боб**

### **Рамзӣ тӯмсоллар**

- 2.1. Пайғамбарларнинг сўфийлик  
фазилатлари-----71-83-бетлар
- 2.2. Тарихий-тасаввуфий шахсларнинг пир сифатидаги  
талқини-----84-90-бетлар
- 2.3. Моҳиятан тасаввуфийлашган сиймолар-----90-100-бетлар

## **Учинчи боб**

### **Нақшбандия (Ҳожагон) шайхлари талқини**

- 3.1. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳожа Аҳрор  
васфлари -----100-110-бетлар
- 3.2. Ҳожа Муҳаммад Порсо ва Ҳожа Абу Наср  
тӯмсоллари-----110-121-бетлар

**Ҳулосалар** -----122-128-бетлар

**Адабиётлар рӯйхати**-----129-135-бетлар

## КИРИШ.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, маънавиятимизда ҳам улкан ўзгаришларга йўл очилди. Миллий осори-атикаларимизнинг асос манбаи - ўтмиш меросга муносабат янгича мазмун касб эта бошлади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди».<sup>1</sup> Бу жиҳат улуг сўз санъаткори Алишер Навоий асарларининг моҳиятини теранроқ идрок этишда яққол кўзга ташланади. Истиқлол боис навоийшунос олимлар Ҳазратнинг ислом дини ва тасаввуф таълимотига муносабатини очиқ<sup>2</sup> ойдин тадқиқ қила бошладилар. Бу хил ишлар қарийб етмиш йил давомида кишилар онига сингдирилган Навоий ғояларини асл холича ўрганиш имкониятини беряпти.

### 1. М а в з у н и н г д о л з а р б л и г и

Алишер Навоий ўз она тилида «Хамса» яратиш билан туркий-забон китобхонлар маънавий оламининг юксак чўккиларга кўтарилишига имконият туғдирди. У дostonчиликда Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий анъаналарини давом эттирибгина қолмай, «бир кўп қадимий маданиятларнинг бадиий ва фалсафий фикрларини синтез қилди».<sup>2</sup>

Беш мустақил дostonни ўз ичига олган, яхлит бир бутунликка, бирликка, умумий ғоявий-бадиий мақсадга бўйсундирилган «Хамса» да Навоий ўз фикру ўйидаги комил инсон

<sup>1</sup> Ислам Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997. 137-бет.

<sup>2</sup> Ойбек. Навоий гулшани. Тошкент.: 1967. 122-бет.

концепциясини яратди. Гарчанд, навоийшунослигимизда дostonлардаги қахрамонларнинг ҳаёт тарзи, характер жозибаси, уларнинг оламшумул аҳамияти ҳақида кўплаб илмий монография ва рисолалар яратилган бўлса-да, маънан бой, теран идрокли, эътиқоди бут, комил инсон ғояси талкинида сўфийлар сиймосининг ўрни масаласи ҳали деярли ўрганилгани йўқ. Шу пайтгача «Хамса»даги сўфийлар тимсоли кўпинча нотўғри шарҳланиб, шўро тузуми нуқтаи назаридан таҳлил қилинган эди. Эндиликда бу сиймоларни илмий ҳолислик билан тадқиқ этиш зарурати мавжуд. Ҳикоятлардаги сўфийлар сиймосини таҳлил этиш комил инсонга хос фазилатларни мукаммал билишга, Навоийнинг асосий ғоя ва мақсадини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

## 2. Та д қ и қ о т н и н г ма қ с а д ва в а з и ф а л а р и

Сўфийларнинг ҳаёт тарзи, хулқ-атвори Навоий учун юксак намуна, илҳом манбаи бўлиб, улуғ шоир улардан кўп нарса ўрганган. Айни вақтда, у ўз ғояларини китобхонга етказишда сўфийлар тимсолидан восита сифатида фойдаланган. Бу сўфийларнинг кўпчилиги Навоийдан олдин яшаган (Жомийни ҳисобга олмаганда). Тасаввуф намояндалари ҳақидаги маълумотларни тазкира ва маноқиблардан чуқур ўрганган Навоий сўфийлар ҳаёти билан ўз яшаш тарзи орасидаги вобасталикни дostonларда кўрсата олган. Ана шу вобасталик, ўхшашлик нималарда намоён бўлади, сўфийларнинг қай хусусиятларини Навоий маъқуллайди-ю, қай бирини танқид қилади? Айнан қайси масалалардаги ҳикоятларда сўфийлар тилга олинади? Ҳикоят воқеаси тарихий ҳақиқатга тўғри келадими, яъни тазкира, маноқибларда шунга ўхшаш воқеалар учрайдими? Мабодо учраса, Навоий ўша воқеани ҳеч бир ўзгартиришсиз кўчириб олганми ёхуд ўз мақсадига хизмат қилдирганми? Шу ва шу каби саволларга жавоб бериш «Хамса»нинг ғоявий-бадиий моҳиятини чуқурроқ

англаш ва сўфийлар тимсолидан Навоий восита сифатида фойдаланганини тўларок кўрсатиш имконини беради.

### **3. Ишнинг илмий янгилиги**

Ишда илк бор сўфийларнинг «Хамса»даги ўзига хос ўрни, аҳамияти батафсил таҳлил қилинади;

– барча бажарилган тадқиқотлар ўрганилиб, бешликдаги сўфийлар сиймоси тасаввуф нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлинган - тарихий ва рамзий тимсоллар;

– анъанавий кириш боблар ва мақолатлардаги ҳикоятларда тасвирланган реал сўфий сиймоларнинг дostonлардаги мавқеи, пирлик жиҳатлари илк марта таҳлил этилади;

– рамзий тимсоллар таҳлилида ҳозиргача бирон-бир манбада сўфий деб тилга олинмаган пайгамбарларнинг муршидлик хислатлари, тарихий-тасаввуфий шахсларнинг пир сифатида талқини ўз аксини топган;

– моҳиятан сўфийлашган сиймоларнинг қирралари янгича нуқтаи назар билан таҳлил этилиб, илмий холислик билан баҳоланган;

– Хожагон – Нақшбандия тариқати шайхлари алоҳида тадқиқ қилинади. Энг муҳими, бу сулукнинг Навоий ижоди билан узвий боғлиқлиги кўрсатилади.

### **4. Тадқиқотнинг объекти**

Тадқиқотнинг асосий объекти Алишер Навоий «Хамса»си. Бундан ташқари, тарихий сўфийларнинг ҳаёти ҳақида сўз юритганда ва қиёслаб ўрганиш эҳтиёжи туғилганда Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» тазкираси, «Маҳбуб ул-қулуб», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Муншаот» асарлари ҳамда Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс-мин ҳазарот ул-қудс»идан ёрдамчи манба сифатида фойдаландик.

Шунингдек, ишни яратишда методология жиҳатдан А.Фитрат, Е. Э.Бертельс, Олим Шарафиддинов, И.Султонов, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, М.Орипов, Ориф Усмон. Ё.Исҳоқов, С.Фаниева, И.Ҳаққул, С.Олим ишларига суяндиқ.

### 5. Та д қ и қ о т н и н г у с у л и

Тасаввуфий сиймоларнинг ўзига хос қирраларини намоён этишда, сўфийлар таснифотида, ҳикоятлардаги ғоя билан бу тимсолларнинг боғлиқлик тарафларини тадқиқ қилишда, хусусан, рамзий сўфийлар сиймосидаги муаллиф мақсадини аниқроқ кўрсатишда бизга тарихий-адабий таҳлил усули қўл келди.

Сўфийларнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш ва тўлдиришда тазкира, манокиблар билан чоғиштириб, ҳулосалаш йўлидан бордиқ.

### 6. М а в з у н и н г ў р г а н и л и ш и

Бевосита «Ҳамса» ва ундаги ҳикоятларнинг тадқиқига келсак, турли йилларда бу тўғрида адабиётшунослар томонидан талай тадқиқотлар амалга оширилган, монография ва мақолалар эълон қилинган<sup>3</sup>.

Гарчанд тадқиқотлар орасидан М.Муҳиддинов<sup>4</sup>, С.Хидирназаров<sup>5</sup> ва Н. Ғанихўжаеванинг ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз<sup>6</sup> бўлса-да, «Ҳамса» дostonларидаги тасаввуфий сиймолар махсус тадқиқот объектига олинмаган.

<sup>3</sup> О.Шарафуддинов. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиёти.Т.:Ўздавнашр, 1948.; С.Айний. Таълиқанг асарлар. Т.: ФАН, 1978.; Е.Бертельс. Навои. Атар., сб.: Мир-Али-Шир,Л.-1928.; Навои в Джами.- М.:Наука, 1965.; И.Султон. Навоийнинг қалб дафтари.Т.: Ад. ва сан.нашр, 1969.; А.Қаюмов. Алишер Навоий.-Т.:Камалак, 1991; Назм ва тафаккур кўши.-Т.:Фан,1992; В.Зоҳидов. Ўзбек адабиёти тарихидан.- Т.:Ўздавбийнашр,1961;А.Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари.-Т.:Ўқитувчи, 1993; Деганымли улуска марғуб эт. Сов.Ўзбекистони,1990, 9-феврал; Алишер Навоий ижодиининг манбалари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, №2, 5-12 бетлар; С.Эркинов. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» ва унинг қиёсий таҳлили.- Т.:Фан, 1971; Шарқ адабиётида Фарҳод классаси.-Т.: Фан, 1985; А.Абдуғафуров. Навоий ижодида сатира.-Т.: Фан, 1972; Буюк бешлик сабоқлари.- Т.: Фан, 1995; С.Ғаниева. Алишер Навоий.-Т.: Фан, 1968; М.Мираҳмедова. Хожа.-Т.:Фан,1975; Т.Аҳмедов. «Ҳамса» қаҳрамонларининг характер жозибаси.-Т.: Фан,1986.

<sup>4</sup> М.Муҳиддинов. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида илсон концепцияси. Д.Д.- Т.: 1995 .

<sup>5</sup> С.Хидирназаров. Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» дostonи. Дoston тилологияси ва архитектоника масалалари. ҚД.- Т.: 1990.

<sup>6</sup> Н.Ғанихўжаева. «Ҳамса» ҳикоялари.-Т.:Фан, 1986.

М.Мухиддинов ўзининг докторлик диссертациясида Хусрав Дехлавий ва Навоий дostonларидаги сўфийлар билан боғлиқ ҳикоятларни қиёсий аспектда ўрганиб, уларни тарихий шахслар (сўфийлар, уламолар) иштирок этган ҳикоятлар ва тасаввуф ғояси акс этган рамзий масалларга бўлади.

#### **7. И ш н и н г т у з и л и ш и**

Диссертация «Кириш», уч боб ва «Хулоса»дан иборат.

#### **8. И ш н и н г ж о р и й л а н и ш и**

Мавзу юзасидан 5 та мақола эълон қилинган. 1998 йил февралда Навоийхонлик анжуманида маъруза ўқилган.

## БИРИНЧИ БОБ

### Т а р и х и й с и й м о л а р

Алишер Навоий «Хамса»сидан жой олган дostonларда у ёки бу фикр, ғоянинг бадий тасдиғи сифатида келтирилган ҳикоятлардаги қахрамонларнинг қарийб ҳаммасини тарихий реал сўфийлар ташкил қилади. Бу сўфийлар у ёки бу тариқатга мансублиғи, келиб чиқиши, сулукдаги мавқеи жиҳатидан биридан фарқланади. Навоий бешликда қайд этган сўфийларнинг ҳаёт тарзи ҳақидаги тўлиқ маълумотлар «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» тазкирасида учрайди. Навоий уларнинг баъзилари ҳақида алоҳида асар ҳам ёзган («Хамса ул-мутаҳаййирин»).

«Хамса»даги ўн икки тарихий сўфий сиймосининг ҳаммаси «Ҳайрат ул-аброр»да келади. Шу вақтга қадар амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиб, тарихий сўфийлар тимсолини қуйидагича тасниф этиш мумкин:

#### 1. Дostonнинг асосига боғлиқлик жиҳатидан:

а) асарнинг кириш қисмидаги бобларда зикр этилганлар – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий;

б) дostonнинг иллюстратив қисми, яъни ҳикоятларда тасвирланган сўфийлар - Боязид Бастомий, Иброҳим Адҳам, Робия Адвия, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Ирокий, Шайх Сухравардий, Абдуллоҳ Муборак, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср Порсо.

#### 2. Сўфийларнинг келиб чиқиши, тасаввуфдаги мавқеи жиҳатидан:

а) тасаввуфда ўз сулукига эга сўфийлар – Боязид Бастомий (Тайфурия), Шайх Сухравардий (Сухравардия), Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (Нақшбандия).

3. Хожагон–Нақшбандия сулуки шайхлари – Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдурахмон Жомий.

### 1.1. Достонларнинг анъанавий кириш бобларидаги сўфийлар

«Хамса» достонларининг кириш бобларида уч улуг сўз санъаткори, хамсанавислар - Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий тилга олинади. Аммо «Хайрат ул–аброр»да Навоий ўзи мансуб бўлган Нақшбандия тариқатининг раҳнамоси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва у зотнинг ўринбосари Хожа Аҳрор Валийни ҳам васф этади (бу икки сўфийнинг достондаги ўрни ва Навоий ижодиётига боғлиқлиги масаласи тўғрисида тадқиқотимизнинг 3 бобида фикр юритамиз).

Шу ўринда жўяли савол туғилади. Биз сўфийлар таснифотида Низомий ва Дехлавийни ҳисобга олмадик–ку?

Маълумки, араб, форс ва турк маънолари ҳақида маълумот берувчи «Насойим ул–муҳаббат...»<sup>7</sup> тазкирасида Навоий 770 нафар суфийни зикр этади (шундан 35 таси аёл). Уларнинг ичида Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий ҳам бор. Навоий тазкирада ёзишича, Шайх Низомий барча илмлардан воқиф бўлса-да, ҳаммасига қўл силтаб, Тангри - таоло ягоналигини тан олган зот. У бутун умрини бошдан–охир қаноат ва такво, узлат ва таркидунё билан ўтказган, хирсу хаво, мол-давлат, мансабу жоҳ учун ҳаргиз подшоларга ялинмаган. Аксинча, барча султонлар ул табаррук зот даргоҳига интилганлар. Ўқиймиз: «...аларга зоҳирий улуми ва расмий истилоҳотдин баҳри тамоми бор эрмиш. Аммо барчадин илик тортиб, ҳазрати ҳақ субҳонаҳу ва таолоға юз келтурубтурлар... Умри гаронмойни аввалдин - охиргача қаноат ва такво ва узлат ва инзиво била ўтқарибтурлар ва ҳаргиз сойир шуародек хирсу хаво ғалабасидин дунё арбобига илтижо

<sup>7</sup> Қаранг, бундан кейин «Насойим ул–муҳаббат мин намойим ул–футувват» тазкираси қисқартирилиб, «Насойим ул муҳаббат...» тарзида ёзилади.

килмайдурулар. Балки рӯзгор салотин алар мулозаматиға табаррук тиларлар эркондур»<sup>8</sup>. Унинг «Панж ганж»ига кирган дostonлари юзаки караганда афсонадай, аслида ҳақиқатлар маъносини очувчи маърифат баёни: «Ва ул назмлар, агарчи зоҳир юзидин афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи ва маориф баёниға баҳонадур»<sup>9</sup>. Тарикатга кирган сўфийлар маълум бир босқични эгаллашгач, қирқ кун чилла ўтиришган. Навоий ёзишича, Ҳазрат Шайх Низомий ҳам тўрт марта 40 кундан (160 кун) дарахт устида риёзат чеккан. Ана шу риёзат туфайли Оллоҳ унга беш ганжни насиб этган, маъни ва равонликда мўъжизавий баландликка етганки, кишининг қўл уришга, яъни унга ўзича етишишга имкон йўқ. Ўқиймиз: «Машҳур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбаин чиқарибтурлар ва тўрт арбаин бир дарахт устида чиқарибтурлар. Ҳар ойна бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларға насиб бўлубтурки, кўп абёти алфоз жазолатидин ва маъни ва таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳадиға етибтур, кишининг илкига кирмак имкон эмас»<sup>10</sup>. Демак, Низомий анча риёзатлар чекиб, ёлғиз Оллоҳни тан олган шайх экан, Хусрав Деҳлавий-чи?

Лақаби Яминиддин, Балҳдаги «Лочин» уруғидан бўлган Хусрав Деҳлавий Шайх Низомиддиннинг муриди бўлган. Қирқ йил даҳр рӯзасини тутиб, Маккаю Мадина тавофиға борган ва беш марта ҳазрат Рисолат пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламни тушида кўрган. Пирининг ишорати билан Хизр алайҳиссалом хизматиға мушарраф бўлган. Ўқиймиз: «Султон Муборак Шоҳ Халижий фавтидин сўнгра Шайх Низомиддин авлиё хизмат ва мулозаматиға кўшулди ва риёзат ва мужоҳадат илгари тутди. Шайх Низомиддин авлиё ҳамроҳлиғидаки, анинг шайхидур, таййи арз тариқи ( ер юзини айланиб чикиб -- Н.Ф.) била ҳаж

<sup>8</sup> Алишер Навоий. ТАТ. ХУ-том.- Т.:1968. 176-177-бетлар

<sup>9</sup> Уша асар, 177-бет.

<sup>10</sup> Уша асар, 178-бет

гузорлабтур ва беш қатла ҳазрати Рисолатни воқеада кўрубтур ва Шайхнинг ишорати била Хизр хизматиға етибтур...»<sup>11</sup>.

Шайх Низомиддин тилидан келтирилган таърифда Навоий Хусравнинг тариқатида нечоғлик баланд салоҳиятли эканлигини алоҳида уқтиради. Тазкирада ўқиймиз: «Шайх дер экандурки, қиёматда ҳар киши бир нима била фахр этгай. Мен бу туркнинг, яъни Хусравнинг кўксининг куюки била фахр қилғумдур».<sup>12</sup>

Алишер Навоий «Хамса» дostonларининг кириш қисмида Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавийга улуғ сўз санъаткори, илк хамсанавислар мезонидан туриб баҳо берган, «Насойим ул-муҳаббат...»да қайд этган сўфийлик жиҳатларига урғу бермаган. Абдурахмон Жомийни эса ҳам хамсанавис, ҳам пири муршид сифатида тасвирлайди. Шунинг учун ҳам биз Абдурахмон Жомийнинг пирлик жиҳатларига тўхталишни лозим топдик.

Табиатдаги барча мавжудоту махлуқот, еру осмонни яратишдан Оллоҳнинг мақсади – инсон эди. Инсондан мақсад эса ирфон эди. Бу ерда ирфон фақат ҳақиқий «ёр» – Худони билиш эмас. У аввало, ўз-ўзини англаш, теваракдаги илоҳ тажаллиётининг асл моҳиятини билиш ва шу орқали дунёвий нарсалардан воз кечиб, боқийликка йўл тутишдир. Навоийча, дунёни икки йўл билан билиш мумкин. Биринчи – ўз ҳаракати, иккинчиси – шу мақсадга эришган «муршиди комил»нинг этагини маҳкам тутиш. Навоий бу йўлда муршиди комил билан иш кўришни маъқул кўради.<sup>13</sup> Шоир учун ўзликни таниш йўлидаги пир Абдурахмон Жомий бўлди.

Алишер Навоий ҳар доим пайдо бўлган мушкулотларни енгилда дўсти ва устози Жомийга суянган, ундан маслаҳатлар олган, уни оғирини енгил қилувчи, эзгу ишларга ундовчи улуғ

<sup>11</sup> Алишер Навоий. ТАТ. ХУ-том.- Т.:1968. 178-бет.

<sup>12</sup> Уша асар, 178-бет.

<sup>13</sup> А.Хайитметов. Навоий даҳси.- Т.:1970. 69-бет.

жомий ва мураббий деб билган. Бу жиҳатлар «Хамса»га кирган ҳар бир дostonнинг муқаддима қисмидаги Жомийга бағишланган махсус бобларда яққол кўзга ташланади. Навоийшунос П.Шамсиев таъкидлаганидек: «Навоий бу бобларда Жомийнинг барча фазлу камолини кўтаринки руҳ билан мадҳ этади, ундан мадад сўраб, кўрсатган раҳбарлигини алоҳида қайд этади.»<sup>14</sup>

Навоий ўз устозига бағишлаб «Хамсат ул-мутаҳаййирин»ни битган бўлса, «Мажолис ун-нафоис», «Махбуб ул-қулуб» асарларида ҳам муршидига юксак баҳо беради. Бундан ташқари, у Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс-мин ҳазарот ул-қудс» тазкирасини айрим тўлдиришлар билан таржима қилган, «Арбаин»идан туркий китобхонни вокиф қилган.

Уларнинг илк бор қаерда учрашгани масаласи бевосита тадқиқотимиз объектига кирмайди. Шундай бўлса ҳам олимларимиз айрим қайдларига тўхталишни лозим топдик. Атоқли шарқшунос Е.Э.Бертельс «Навоий» асарида улар 1469 йил Ҳиротда учрашишган ва уларнинг пиру муридлик маросими расман 1476 йилда эътироф этилган, деган хулосага келса,<sup>15</sup> устоз Садриддин Айний икки даҳо ижодкорнинг илк тарихий мулоқоти Алишернинг 18–19 яшарлигида, яъни 1459–1960 йилларда воқия бўлган, дейди.<sup>16</sup> Ўзбек адабиёти тарихида ёзилишича, шогирд-устознинг илк кўришуви 1464–1465 йилларга тўғри келади ва Навоий 1476–1477 йиллар орасида Жомийни ўзига пир сифатида танлаган. Хуллас, тахминан 1464–1465 йилларда Машҳаддан қайтган Навоий бирон-бир жойда расмий вазифа билан банд бўлмаган, сўнгра Самарқандда ўқиш-ўрганишни давом эттирган. Ниҳоят, 1476 (881 ҳижрий) йили

<sup>14</sup> Жомий ва Навоий.-Т.: Фан, 1966. 7-бет.

<sup>15</sup> Е.Э.Бертельс. Навоий.- М.-Л.: 1948. 139-148 бетлар.

<sup>16</sup> С.Айний. Танланган илмий асарлар.- Т.:Фан. 1978. 127-бет.

Навоий Хожагон–Нақшбандия сулукига кириб, Жомийга мурид тушади ва унинг кўмаги билан тасаввуфга оид билимларини чуқурлаштиради.<sup>17</sup> Савол туғилади: Навоий «Хамса»да устози, пири Жомийнинг қай бир муршидлик хислатларини тилга олган?

Аввало, «Хамса» Абдурахмон Жомий ҳақидаги бошқа асарлардан анча олдин ёзилган. Шу маънода қолган асарлардаги таъриф тавсифлар «Хамса» дostonларида зикр этилган сифатларнинг давоми, кенгайтирилган, тўлдирилган шакли. дейиш мумкин.

Илк дoston «Хайрат ул-аброр»да «сафо жомининг софи ошоми» Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий тариқатнинг қутби, ҳақиқат сирларини кашф этувчиси.

*Улки букун қутби тариқатдур ул.*

*Кошифи асрори ҳақиқатдур ул ,*

Ҳ. А. МАТ.Т. 7. –Б. 52

Унинг кўнгли маънолар юзининг ойнаси, кўкси дуру гавҳарлар хазинаси. У катта олам – «олами кубро», Оллоҳ қудратининг нишонаси. Унинг танидаги ҳирқаси ҳам риёдан холи.

*Қайси жаҳон, олами кубро дегил,*

*Қудрати Оллоҳу таоло дегил.*

*Хирқа била топмагани ихтисос,*

*Танни риё тўнидин этмак халос.*

Ҳ. А. МАТ.Т. 7. –Б. 52.

Жомий «каҳфи бақо» – мангулик ғорига муяссар бўлган пир. Бу ғорга етишиш учун солиқ ваҳдат жомидан симириб, фано дашгида «маъдум» бўлиши – йўқ бўлиши шарт. Навоий устозини шу ғорга муяссар қилишни Тангри таолодан сўрайди.

*Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,*

<sup>17</sup> «Ўзбек адабиёт тарихи» II-том. -Т.:1977. 381-бет.

*Мен ҳам ўлай робиҳум калбуҳум.*

Х. А. МАТ. Т. 7. –Б.56.

Жомийнинг фано даштидаги «маъдум»лигини кўрсатувчи асар «Фарҳод ва Ширин»дир. Ёзилишича, у дунё ичидаги дунё. Низомий ва Хусрав икки фил бўлса, Жомийнинг ўзида юз филча куч бор.

*Ики пил ўлса Хисрав ё Низомий,  
Эрур юз пил чоғлиг пил Жомий  
Муҳаббат жоми дурд ошоми улдур,  
Ҳамоно Зинда пили Жоми улдур.  
Кўруб сармасти Жоми ваҳдат они,  
Демешлар Зинда пили ҳазрат они.*

Х. А. МАТ. Т. 7. –Б. 57.

Байтдаги «Ҳамоно Зинда пили Жоми улдур»ни икки маънода тушуниш мумкин. Аввало, Навоий устозини XI-XII асрларда яшаган, Жомдан чиққан машҳур мутасаввиф Аҳмади Жомга ўхшатади. Иккинчидан, Жомий ваҳдат майидан сармаст бўлган «зинда» – тирик пил, яъни муршид. Тасаввуфда «пири хотиф» деган истилоҳ бор. Хотиф - ғойибдан оқ фотиҳа берувчи. Тариқатга кирган солиқ учун хотифи аввал - Оллоҳ. Сўнг эса тариқатдаги пири.

*Чу бўлди барча аҳволимга воқиф,  
Манга худ бўлди ул иккинчи хотиф.  
Неким аввалги хотиф ҳукм сурди,  
Иккинчи хотиф они-ўқ буюрди.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.17.

Демак, Навоий учун Яратгандан кейин иккинчи хотиф – йўл кўрсатувчи раҳнамо Жомий.

Навоий ҳар бир дostonда муршиди комилнинг янги-янги пирлик қирраларини очиб боради. Агар «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин»да у ҳақиқат сирларининг қошифи, «олами

кубро», «фано маъдуми», риндлар сархайли сифатида гавдаланса, «Лайли ва Мажнун»да авлиё, илохий маънолар жомининг пок, тоза майпарастии этиб тасвирланади. Ўқиймиз: «Валоят сипехрининг ахтари жаҳонгоби ва хидоят маъданининг гавҳари сероби ва назм авжининг меҳри фалак эҳтишоми ва маоний жомининг ринди софий ошоми, яъни Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадҳида нукта сурмак ва анинг дурди жомини сумурмак».

Бобнинг аввалидаёқ Навоий уни авлиё дейди. Ҳар қандай пир-муршид ҳам авлиё бўлолмайди. Чунки авлиёликнинг ўз мезонлари бор. Ирфоний маърифатдан бохабар, Ҳақ таоло уни ўзига қурб-яқин қилиб, қалбини илохий нури билан мунаввар этган кишигина авлиё ҳисобланади. Шайх Азизиддин Насафий «Зубдат ул-хақойик» («Ҳақиқатлар қаймоғи») асарида ёзади: «Агар ирфоний маърифат устига боз Ҳақ таоло уни ўзига қурб (яқин) қилиб танлаган ва муҳаббатига мушарраф этиб, қалбини нури билан ёритган бўлса, уни валий деб, унинг руҳини валий руҳи деб айтадилар».<sup>18</sup>

Хўш, Жомий қандай авлиё? Қандай сўфиёна асарлар битганки, Навоий уни бу қадар улуғлайди?

Таъкидлаш жоизки, гарчанд Жомий етук муршид ҳисобланса ҳам, унинг пир сифатидаги фаолияти бошқа сўфийлардан фарқ қилган. У соф амалиётчи сўфийлар каби иш тутмаган, яъни ҳамма нарсадан воз кечиб, узлатга чекинмаган, одамларни сўфийликка кенг тарғиб этмаган. Али Сафий ёзишича: «Кимдир улар (Жомий)дан сўради: «Нима сабабдан ҳазратлари тасаввуфни кам тарғиб этдилар? Жавоб бердилар:—Шуни билингки, бир-биримизни етарлича алдадик»<sup>19</sup>

<sup>18</sup> Шайх Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хақойик// Тафаккур.,1995. 3-4 сонлар, 45-бет.

<sup>19</sup> Афсаҳзод А. Рўзгор ва осори Абдурахмони Чомӣ.- Д.: 1980.-С. 58.

«Саъдаи сайёр»да Жомийнинг кўпроқ тасаввуф назариятчиси сифатидаги салоҳияти ўз аксини топган. Достонда тасвирланишича, у фазилат кони, илм дарёси, баҳру кон сирларининг «шинососи»:

*Фазл конию илм дарёси,  
Баҳру кон сиррининг шинососи.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.41.

Тафсир – Куръони Карим оятларини шарҳлаш. Навоий устозини тафсир илмида ягона саналган Ибн Ҳожиб ва Жоруллоҳга ўхшатади. Ибн Ҳожиб – Абу Амр Жамолиддин Усмон бинни Умар (1175–1249) - араб тили грамматикаси билимдони. Ҳазрат унинг «Кофия» асарига шарҳ битган ва бу шарҳ-дарслик «Шарҳи Мулло» номи билан мадрасаларда қўлланма сифатида ишлатилган. Жоруллоҳ эса хоразмлик машхур арабшунос, тафсирлари бутун оламга ёйилган Маҳмуд бинни Умар Замахшарийдир.

*Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,  
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.42.

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини саралаб, назмда қирқ ҳадис битиш анъана тусини олган. Жомий ҳам шу анъанага содиқ қолиб «Арбаин» тузади. Кейинчалик Навоий шу асарни туркийга ўтиради.

*Ҳам ҳадис ичра сарбаланд шажар,  
Ким етишмай анга юз Ибн Ҳожар.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.42.

Фақирликда у имоми Аъзамгина эмас, ўз вужудидан кечиб, Ҳақ вужуди аро бақо топган зот ҳамдир.

*Фақр ичинда имоми олам ул,  
Қайси олам, имоми Аъзам ул.  
Ўз вужудин шухуд аро ёнибон,  
Ҳақ вужуди аро бақо топибон.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.42.

Шу нуқтадан бошлаб Навоий Жомий яратган тасаввуфий асарларга тўхталади. Махдуми Нуран 1470–1471 йилларда сўфий шоир Ибн–ал–Фариднинг «Қасидаи Хамрия» асарига шарҳ сифатида «Лавомий фи шарҳ ул–хамрия»ни битади.

*Килкидин чун Лавомий этти зухур,  
Солди офоқ ичинда ламъаи нур.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.43.

Яъни унинг қалами «Лавомий»ни бунёд этиб, (илоҳий) нур шуъласини уфқларга етказди.

*Табъидин чун Лавойих ўлди падида,  
Жилва қилди лавойихи тавҳид.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.43.

«Лавойих» – сўфийлар ҳақидаги асар, яъни Жомий табъи билан бу дурдона яратилиб, ягоналик ва равшанликда жилва топди.

*Зоҳир этгач Ашиъатул-ламаот,  
Ламъа қилди аён ашиъаи зот.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.43.

Жомий улуг сўфий Юсуф Ҳамадонийнинг «Ламаот»ига «Ашиъатул–ламаот»ни ёзган. Ламъа–зиё, шуъла. Навоий айтмоқчики, «Ламаот»нинг шуълалари пайдо бўлгач, зот шуълалари орасида яна бир зиё зоҳир бўлди.

*Нафаҳот ичраким футуҳ андин,  
Нафҳаи унс топти руҳ андин.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б.43.

«Нафаҳот...» – Жомийнинг ўз муриди Навоий илтимоси билан тузган, 616 нафар авлиё, сўфийлар ҳаётидан маълумот берувчи «Нафаҳот ул–унс мин–ҳазарот ул–қудс» («Пок зотлар ҳузуридан эсан дўстлик ислари») асари. Навоий бу тазкирани 1495–1496 йиллар Жомий вафотидан кейин айрим тўлдиришлар билан «Насойим ул–муҳаббат мин–шамойим ул–футувват» («Улуғлик

хушбўйликларини таратувчи севги шабадалари») номи остида таржима қилди. Хуллас, «Сабъан сайёр»да Жомий ҳам муршид, ҳам тасаввуф назарияси ҳақида бир қатор асарлар ёзган олим сифатида тасвирланади.

Навоий «Хамса»даги тўрт дostonдан кейин ҳали ҳеч ким забт этмаган донишмандлик ва зукколик, ҳикмату сеҳр мамлакатини қўлга киритди – «Садди Искандарий» ёзилди. Агар «Ҳайрат ул-аброр» бутун бешликнинг кириши бўлса, «Садди Искандарий» - дostonларнинг қаймоғи. Унда «Хамса»нинг бошқа асарларида баён этилган фикрлар жамланади. Салафларга берилган таъриф ва хулосалар сараланади.

Жомий ўз муриди наздида май қуювчи. Унинг майдан осмондаги малоиклар ҳам, пок ва улуг сўфийлар ҳам сархуш бўлишарди.

*Бўлуб чун анинг жомидин журъачаш,  
Бўлуб чарх сўфилари журъакаш,  
Ки машъуф ўлуб жоми мастонага,  
Гаров айлабон хирқа майхонага.  
Янги ойни жоми ҳилолий қилиб,  
Нечаким тўла келса холи қилиб.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.49.

Демак, Жомий – журъакаш. Сўфийлар май тўла қадахни ичавериб, устларидаги хирқаларини майхоначига гаровга беришади. Бу ҳам етмагандай, улар янги чиққан ҳилолга ўхшаш ойни қадах қилиб, баттарроқ сархуш бўлишарди, ҳатто сакраб–сакраб, қушдай қанот қоқиб, рақсга тушишарди. Албатта, май–рамз. Навоий айтмоқчики, Ҳазрат Жомийга мурид тушган ёки унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган киши худди майхонада шароб ичгандай маст бўларди, бутун борлигини, ўзлигини унутиб, Ҳазрат хизматида умрбод қолишга тайёр бўлар эди. Навоий «чарх сўфий»лари деганда ҳақиқий фаришталар ва сўфийларга ишора қилади. Чунки

фаришталар Оллоҳнинг энг пок, тоза, нафсдан холи мўъжизаси. Сўфийлар ҳам фоний дунё хирс-ҳавасларидан воз кечган, фақат Яратганни тан оладиган инсонлар. Демак, Навоийча, сўфийлар фаришта каби пок, тоза бўлса, майхона сархайли – Жомий улардан-да покрок, улардан-да тозарок пири муршиддир.

«Хамса»да устознинг барча сифатларини ушлаб турувчи ягона асос – Жомийнинг пири комиллиги.

*Бугун комил ул навъ мафҳум эмас,*

*Бурун бор экан доғи маълум эмас.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.51.

Байтдаги комилликни тасаввуфдаги етуклик деб тушуниш керак. Зеро, Навоийча, комил инсон – идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо–лим покиза зот.<sup>20</sup>

Хўш, Жомийнинг комиллик хусусиятлари қайсилар? Пирлик сифатларидан сўнг Ҳазрат дарров комил инсон бўлиб қолдимиз? Масалага кенгроқ тўхталамиз.

«Садди Искандарий»нинг хотимасида ҳам Жомий васф қилинади. Бу фаслга бутун «Хамса»нинг хулосаси сифатида қараш жоиз. Бешлик ёзиш иштиёқи билан юрган аллома шоир ўз вужудида алақандай андиша, иккиланиш сеза бошлайди ва пирининг олдига боради. У устоз даргоҳига боришни Макка тавофига бориш билан тенглаштира, уйининг остонасини беҳишти (жаннат) аълога, фаришталар саждагоҳига қиёслайди.

*Қаю остон, тавфгоҳи фалак,*

*Қаю тавфгоҳ, саждагоҳи малак.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.563.

<sup>20</sup> Н.Комилов. Тасаввуф. Т.: 1994. 56-бет.

Пирнинг уйи шу даражада муқаддас зиёратгоҳ бўлса, унинг ўзига қандай баҳо бериларкин?

*Не хилват намудори чархи барин,  
Не хилват нишин, балки Рухул-амин.  
Ани айлабон равшан анвори қудс,  
Мунинг нутқидин равшан асрори қудс.*

С. И. МАТ. Т.11. –Б.563.

Яъни у хилватнишинликда Рухул амин-Жаброил алайҳиссалом. Агар Жаброилни муқаддас нур равшан айлаган бўлса, Жомийнинг сўзларидан муқаддас сирлар аён бўларди. Хўш, Жомий нега Жаброилга ўхшатилди?

Маълумки, Жаброил алайҳиссалом Оллоҳ билан пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ўртасида элчи, воситачи бўлган. Бевосита тариқатга кўчадиган бўлсак, Оллоҳ билан мурид ўртасида воситачиликни пир бажаради. Демак, Жомий барча муридларига (шу қатори Навоийга ҳам) Тангридан дарак берувчи пок зот.

Насроний (христиан)ларнинг пайғамбари Исо алайҳиссалом Яратганнинг хошиш иродаси билан ўликка жон ато этган. Навоий пир дуосини олгач, уни Исога, дуойи сўзларини эса ўликка жон ато этган мўъжизага ўхшатади.

*Топиб жон берур сиррининг огаҳи,  
Топиб нутқум анфоси руҳуллаҳи.*

С. И. МАТ. Т.11. –Б.580.

Яъни пир дуолари билан андишалар йўқолиб, очилмаган сирру-синоатлар кушод бўлди, шу сабаб «Хамса» яратилди.

Навоий «Хамса»ни яқунлаб, муршидининг олдига яна келди. Шунда унинг руҳиятида ажиб бир воқеа бўлади. Бир гўзал боғда буюк сўз санъаткорлари – Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий ҳозир. Ганжалик устоз Низомий Ганжавий туркий тилдаги

«Хамса»га юксак баҳо бериб, шогирди ҳаққиға дуо қилишни Жомийдан сўрайди.

*Санға ҳам чу шогирд эрур, ҳам мурид,  
Дуосини сендин тутарбиз умид.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.580.

Демак, «Садди Искандарий»да Жомий шунчаки пир эмас, балки Оллоҳ билан Навоий орасида воситачилик қилган ва «Хамса» яралишиға асосий туртки бўлган комил инсондир. Кўрганимиздек, «Хамса» дostonларида Алишер Навоий ҳаммаслак пири, устози Жомийнинг бир неча пирлик сифатини қайд этади. Бу сифатлар хар бир дoston аввалида Жомийға бағишланган алоҳида бобларда ва «Садди Искандарий» хотимасида келади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий пири комил Абдурахмон Жомий кўмағида Нақшбандия тариқатиға кирди, тасаввуф илми ва одобини ўрганди, пир ўтитларидан рухланиб, туркий тилда мукамал «Хамса» ёзди ва улуг хамсанавислар сафиға кўшилди.

## 1.2. Сўфийлар - ҳикоятлар қаҳрамони сифатида

Тасаввуф адабиёти, сўфийларнинг ҳаёт тарзи Алишер Навоийни ёшлиғидан ўзига жалб қилган. Шу ўринда шоирнинг Фаридиддин Аттор «Мантқиқ-ут тайр»ини ёки уч-тўрт ёшида сўфий шоир «Анисул-ошиқин» («Ошиқлар дўсти»)маснавийси муаллифи Қосим Анворнинг «Риндему ошиқему...» дея бошланувчи ғазалини ёдлаганини эслаш жоиз. Ҳатто, унда «Мантқиқ-ут-тайр»ни ўқиб, бу фоний дунёдан узлат қилиш майли пайдо бўлган. Мана шу болаликдаги таъсирланиш Навоийнинг бутун ижодида чуқур из қолдирди. Дostonу ғазал, рубоий ва китъа, қўйингики, барча асарларида сўфийларға муҳаббат, улар

қилган ишлардан ўртак олиш ва улардаги феъл–атворнинг сара жихатларини эгаллаш яққол кўзга ташланади.

«Ҳайрат ул–аброр» – сўфиёна фалсафий–ахлоқий асар. Бунда Навоий мутафаккир, давлат арбоби, зукко сиёсатдон, устозлар анъанасини давом эттирган ижодкор сифатида гавдаланади. Ойбек ёзганидек: «Ҳайрат ул–аброр»нинг поэтик материяси фикрлашдир. Бу асарда буюк олим, тубдан мутафаккир, реалист сиёсатчи, ҳушёр давлат арбобининг ва поэтик ижодиётида моҳияти бўйича фикр санъаткори бўлган улуғ шоирнинг олам ва ҳаёт ҳақидаги қарашлари, ахлоқий дастурлари, принциплари, зулм ва адолат, халқ ва ҳокимият теграсида маҳкам қаноатлари, баркамол инсон ҳақидаги тушунчалари чуқур акс этади.<sup>21</sup> Хўш, Навоий қандай инсон ҳақида сўз юритади?

«Ҳайрат ул–аброр» - «Хамса»нинг қалити. Унда шоир қолган тўртта дostonдаги воқеаларнинг хулосасини тезис сифатида баён этган. Асарда борлиқнинг энг олий мавжудоти – инсон, жами борлиқ ана шу олий зот учун хизмат қилиши керак, деган ғоя ўртага ташланади ва бу бошқа дostonларда янада ривожлантирилади. Шу боис ҳам «Ҳайрат ул–аброр»ни бошқа дostonлар учун умумий муқаддима, деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, Навоий шоҳ Искандарнинг фотиҳлик юришлари–ю аҳли илмга ғамхўрлигини уқтириб, ўз идеалидаги сурати шоҳу сийрати дарвеш оламгир ҳақида дoston битади. «Ҳайрат ул–аброр»да эса Искандарнинг бу ёруғ дунёдан қўли бўш кетганлиги тўғрисида ҳикоят келтиради. Нега Оллоҳ инсонни дунёга келтиради–ю, у охиратга йўл олганда дунёдан ҳеч нарса ололмай кетади? «Ҳайрат ул аброр»да қўйилган бу муаммо «Садди Искандарий»да ечимини топади. Ёки, «Ҳайрат ул–аброр»да кўнгил ҳақида боб бор. Унда ёзилишича, кўнгил – ҳақиқатлар бўстонининг булбули,

<sup>21</sup> Ойбек Навоий гулшани.- Т.:1967. 73-бет.

поклик ҳарамининг жилвасози. У солик учун «арши муалло», сўфийга «олами кубро». Барча сажда қиладиган жой—Каъбатуллоҳ ҳам кўнгил олдида қадрсиз. Чунки халойиқ Каъбада фақат сажда қилади. Кўнгилда эса Яратганнинг ўзи зоҳир бўлади.

*Кўнгил эрур булбули бўстони роз,  
Қудс ҳаримида бўлиб жилвасоз  
Солик ани арши муалло деди,  
Сўфи ани олами кубро деди  
Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ, андоқки кўнгул каъбаси.  
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,  
Ул бири халойиққа эрур жилвагоҳ.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. Б. 73.

Аммо кўнгилга етишиш мушкул. Юрак ҳаммада ҳам бор. Лекин кўнгил йўқ. Кўнгил бўлиши учун солик, яъни Ҳақ («ёр») шайдоси Каъба йўлларини ҳам, риндлар майхонасига борадиган манзилларни ҳам босиб ўтиши, фақат Тангри таоло учун яшайдиган одамлар орасида ҳам, майхона сархушлари билан ҳам улфат бўлиши зарур. Гоҳ хонақоҳда шайхнинг изни билан тоат-ибодатга юз тутиб узлат қилганларга, гоҳ йўқлик (фано) майхонасида маст бўлиб, муғбача олдида бутпарастлик қилиши, гоҳ шам атрофидаги парвонадай айланиб, гўзал пари ишқида девона бўлиши, гоҳ висолга эришиб, гоҳ фирок ўтида куйиши керак. Агар кумуш бадан, нозу фирокли маъшуқа учраб қолса, дарду бало тоғида Фарҳоддай тирноқларини пўлат тешага айлантириши, ой юзли Лайлига монанд дилдор учраса, унинг ҳажрида девона Мажнун бўлиши лозим.

*Дарду бало тоғида Фарҳод ўлуб,  
Тирноғ анга пешаи пўлод ўлуб.  
Ё йўлуқуб моҳрухи дилкаше,  
Дашти малоҳат аро Лайливаше*

*Ишқида саргашта чу гардун ўлуб,  
Дард биёбонида Мажнун ўлуб.*

Х. А. МАТ. Т. 7.- Б. 74.

Зикр этилган босқичлар ўтилгач, ҳақиқий кўнгил топилади ва бундай одамни Ҳазрат «соҳиби дил» деб атайдилар. Навоий ишқ йўлидаги солиқнинг машаққатларини ифодалаб, Фарҳоднинг кўлига теша тутқазиб, Ширин васлига восил қилган, яъни «Фарҳод ва Ширин»ни ёзган бўлса, дарду бало даштида Қайси мажнун-девона этиб, Лайлига ошуфтаҳол қилади, яъни «Лайли ва Мажнун»ни ёзади. Демак, «Ҳайрат ул-аброр» бутун «Хамса»нинг кириши. У «аҳли дил» – оддий одамлардан айри яшайдими, деган масалани қўяди ва ҳар бир дostonда унинг сифатларини ривожлантириб, такомиллаштириб беради.

Оллоҳ яратган энг гўзал ва мукамал хилқат – инсон. Тангри таоло ер юзидаги барча мавжудотни ва унда ҳаёт кечиришга қулай, мувофиқ иқлимни Инсон учун пайдо қилди. Оллоҳ инсонга кўриш учун кўз, эшитиш учун қулоқ, ҳалол ризқ учун қўл ва оёқ, бамаъни, ширин калом айтиш учун тил, Яратганини англаш ва у берган илмларни эгаллашга ақл берди. Бани одамизоднинг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг «Ват-тийн» сурасида таъкидланганидек: «Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик. «Дарҳақиқат, Биз инсонни (воёга етганидан сўнг шариат тақлифлари билан) имтиҳон қилувчи бўлган ҳолимизда (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бўлган нутфадан яратдик. Бас, Уни (Бизнинг оятларимизни тинглаши ва оламдаги Бизнинг борлигимизга далолат қилиб турган аломатларни кўриш учун) эшитувчи, кўргувчи қилиб қўйдик».<sup>22</sup>

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек баридин гараз инсон эди.*

<sup>22</sup> Қуръони Карим. -Т.:1992. 639-бет

*Турфа каломингга даги комил ул,*

*Сирри ниҳонингга даги ҳомил ул.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 33.

«Ҳайрат ул–аброр»даги инсон бутун олам махлуқотининг хулосаси, гултожи, Оллоҳнинг ердаги ўринбосари, у берган маърифатнинг хазинаси, икки асос, тўрт унсурдан иборат моддийлик ва руҳдан иборат хилқат, шариат арконларига риоя қилган, илоҳий илмларни эгаллаб, камолотга эришган комиллик тимсоли.

Тасаввуф таълимотининг ҳам, адабиётининг ҳам объекти инсон ва унинг ахлоқи. Инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш тасаввуфнинг ўзак масаласи бўлиб келган.<sup>23</sup> Тасаввуф аҳли учун инсоннинг ҳақиқати – Қуръони Карим, Қуръоннинг ҳақиқати эса комил инсон. Шунинг учун улар (Навоий ҳам) инсон қисматига тегишли ҳар бир масалани муқаддас китобимиз кўрсатма ва талабларидан туриб ҳал қилганлар.<sup>24</sup> Бир гуруҳ тадқиқотчилар инсонга нисбатан комил атамасини илк бор Боязид Бастомий қўллаган дейишади. Тасаввуфшунос олим И.Ҳаққул фикрича, Боязид Оллоҳ ишқи йўлида илоҳий ҳақиқатга етишган орифни «ал–инсон ал–комил» деб атаган. Олим ёзади: «Бошқа бир тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур иборани биринчи бўлиб Шайхи Кабир Муҳийиддин Ибн ал-Арабий тадбиқ қилган. Арабий талқинида комил инсон фазилатли зотлардан ҳам фавқулодда фазилатлироқ (хусусал–хусус) бўлган Ҳақ ошиғи ва ҳақиқат ғаввосидир.»<sup>25</sup>

«Ҳайрат ул–аброр»да комил инсоннинг муҳим жиҳатларини кўрсатиш мақсадида келтирилган тарихий сўфий сиймолар ичида тириклигидаёқ Навоий меҳрини қозониб, комил инсон даражасига

<sup>23</sup> Н.Комилов. Тасаввуф.- Т.: 1994. 47-48 бетлар.

<sup>24</sup> И.Ҳаққул. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти. ДД.-Т.:1995. 126-бет

<sup>25</sup> И.Ҳаққул. Ушш тадқиқот 151-бет.

кўтарилган зот Абдурахмон Жомий эди. Шунинг ўзиёқ, Навоий ижодида сўфийлар маънавияти нақадар юксак поғона эгаллаганидан нишона.

«Хамса»нинг киришида шоир Оллоҳга етиш умидида юрган кишиларни иккига бўлади: аҳли рад, аҳли қабул. Ана шу ажратишда асосий мезон Навоий учун иймон эди.

Хўш, Навоий наздича иймон нима? Нега одамлар иймонли ва иймонсизга бўлинади?

Кимки ўзини эл орасида инсон деб билса, унинг инсонийлик белгиси—иймон. Аммо унинг руҳида (жинсида) ҳайвоний ва нотиқий «ҳаду расм» хиром қилади. Иймон «нотиқу ҳайвон»ни инсон қилади.

*Навъини нотиқ билла ҳайвон қилур,*

*Нотиқу ҳайвонини инсон қилур.*

Ҳ. А. МАТ.Т. 7 –Б. 100.

Инсонлар ҳар хил бўлади. Бироқ улар орасидан иймонли кишини ажратиш осон. Чунки «набийи Ҳошимий»—пайғамбаримиз айтганидек, иймонли зотнинг уч сифати бўлади: сабр, шукр, ҳаё:

*Бас ани инсон атагил бериё,*

*Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё.*

*Бўйла буюрди набийи Ҳошимий,*

*Ким бу уч имоннинг эрур лозими.*

Ҳ. А. МАТ.Т. 7. –Б. 101.

Шундан сўнг Навоий ҳар бир мўъмин учун зарур бўлган олти жиҳатни таърифлайди. Аввало, бордан йўқ, йўқдан бор қилувчи, қойиму қайюм бўлган қодир Оллоҳни тан олиш. Иккинчиси – Тангри фаришталарини таниш. Биламизки, уларда нафс бўлмайди. Шунинг учун малоиклар Ҳақ яратган илк пок зотлардан. Оллоҳ исломгача дунёга уч «кутуби илоҳий» юборди: Таврот, Забур, Инжил. Аммо ўзи суйган бандаларига танҳо ва ўзгармайдиган

Куръонни ҳадя этди. Учинчи жиҳат барча илоҳий китобларни тан олиш. Тўртинчиси – расуллар жамоасига иймон келтириш, бешинчиси – қиёмат кунига ишониш, олтинчиси эса ҳар қандай иш, юмуш Оллоҳдан берилишига тан бериш. Иймоннинг олти жиҳати таърифлангач, «султонул-орифин», Тайфурия силсиласининг асосчиси, тасаввуфдаги «сукра» (девоналик, мастлик, ўзни унутиш) таълимотининг яловбардори Боязид Бастомий (ваф.875 йил) ва унинг муриди ҳақида ҳикоят келтирилади. Ҳикоят пир ва муриднинг мунозараси тарзида тасвирланади. Ёзилишича, Боязид қайғулик, ғамгин ўтирганида муриди унга «савол тили»ни очади.

*«Кей фалак авжида хироминг сенинг,  
Ариш фазоси уза гоминг сенинг.  
Кўнглунгга не ишдин экин бу тааб,  
Бу таабингга не иш эркин сабаб?»*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 108.

Пир кўз ёш тўкиб: – Бу ғам шунчалик ёмонки, бутун борлиғимни хароб қилади! Атрофда одамлар бисёр. Ҳаммаси ўз иши, ўз дарди, ўз ташвиши билан яшайди. Аммо ўзини таниган, юрагимга яқин одам йўқ! –, дейди.

*Ҳар кишига хуш кўрунур ўз иши,  
Бир киши йўқким, деса бўлғай киши.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. – Б. 108.

Бу жавобдан ҳайратда қолган мурид яна густоҳлик юзидан савол айлайди:

*Элда киши йўқ демак ўлди сўзунг,  
Доҳил эмассенму бу элга ўзунг?»*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. – Б. 108.

Устоз жавоб беради: – Эй сирри синоатнинг моҳиятини англамаган густоҳ! Оламда кимки бор, ҳамма бу ғам тигидан

афгор, бу мотамга гирифтор. Не-не инсонлар бу ғуссада қон бўлмади. Кимсага бу сир ҳали аён бўлган эмас.

*Барча бу гам тигидин афгорбиз,  
Барча бу мотамга гирифторбиз.  
Ким ичи бу ғуссада қон бўлмади,  
Кимсага бу нукта аён бўлмади.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7.- Б. 109.

Шайхнинг ички изтиробларини тасвирлашда тазод ва таносиб санъатларидан фойдаланган шоир «қайғу», «ғам», «изтироб», «саргашта», «бағирқон», «мотам» сўзларини қўллаб, Боязидни Боязид тилидан танқид қилади. Шу боис «бу нукта», яъни иймоннинг бутлиги, солимлиги унга аён эмас. Ҳикоят охирида Навоий Тангри Таолодан охирги нафас бўлса ҳам иймонини мустаҳкам этишни, жонсиз танига даврон майидан эмас, иймон майидан қуйишни сўрайди.

*Ё раб, ўшул тухфани охир нафас,  
Айла Навоий ила ҳамроҳу бас  
Қуйма бу кун жонима даврон майи,  
Жонима ол, оғзимга қуй имон майи.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. Б. 109.

Хўш, Навоий нега аввалги мақолат ҳикоятида Боязидга мурожаат қилди?

Мансур Ҳалложнинг устозларидан бири бўлган Боязид Бастомий Абу Ҳафз, Яҳё Маоз, Шақиқ Балхий каби улуғ авлиёлар суҳбатига мушарраф бўлган зот. Навоий «Насойим ул-муҳаббат...» тазкирасида ёзишича, у Рой асҳобидан. Агар у намоз ўқий бошласа, Тангри кўркуви ва шарият таъзимидан кўксининг сўнгаларидан овоз чиқарди. Ўқиймиз: «аввалқи табақадиндур. Оти Тайфур бинни Исо Аҳмад Хусравия. Ва Абу Ҳафз ва Яҳё Маоз ва Шақиқ Балхий кўруб эрди. Ул рой асҳобидин эрди, аммо анга бир валоят эшиги очилдиким, анда мазҳаб падидор бўлмади.

Боязид намоз килса эрди, кўксининг сўнгакларидан қаъқаа чиқар эрди тенгри таоло кўркунчидин ва шарият таъзимидин»<sup>26</sup>.

Боязид фикрича, сўфий Аллоҳ ёди билан шу қадар банд бўладики, у ҳамма нарсани унутади, ўзлигига барҳам беради, нафсини мағлуб этади, «ёр» – худо муҳаббатидан масту мустағрак бўлади. «Сукр» ҳолати пайдо бўлади. Бу ҳолат «соликни фанога яқинлаштиради»<sup>27</sup>.

И.Ҳаққулнинг фикрича, ҳақиқатни билиш, англаш учун инсон ўзини билиши, англаши, ҳар жиҳатдан ўзини бошқара олиши, нафсини тийиши ва энг муҳими ўзини фано (йўқ) қила олиши керак. Сўфий Ҳаққа кўшилиши учун ўз «мен»идан озод бўлиши лозим.<sup>28</sup> Сўфий ўзлигидан кечиб фанога эришгач, унда инсоний ҳолат йўқолади, яъни руҳан Оллоҳ билан бирлашади.

Боязиднинг шогирди Абу Мусонинг айтишича, шайх бир кеча Ҳақ таолони туш кўради ва сўрайдики, бор худоё, сенга етмоқликнинг йўли не навъдур? Нидо келадики, ўзингдан ўтсанг етасан. Навоий ёзади: «Боязид дедик, Оллоҳ таолони туш кўрдум, сўрдумки, бор худоё, йўл санга не навъдур? Дедиким, Ўзунгдун ўттунг – еттинг!»<sup>29</sup>

Боязид кунларнинг бирида «Субҳони, субҳони, мо аъзам шаъни», яъни «шарафланган<sup>30</sup> аъман, шарафланганман, менинг мартабам–шаъним улуғлигига қаранг»,–дейди. Шариятда ҳам, Қуръонда ҳам банданинг бундай сўз айтишга ҳаққи йўқ. Чунки шарафлилик, улуғ мартаба–ю шараф фақат ва фақат Яратганга хос, унинг сифатидир. Бу ерда яна ўша «Сукра» ҳолати, сўфий ўзидан, ўзлигидан ўтиб, «мен»ини енгиб, Ҳаққа восил бўлади. Унинг башарий қиёфаси илоҳий моҳият касб этиб, вужуди Илоҳ маърифатига айланади.

<sup>26</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том.-Т.:1968. 78-79-бетлар.

<sup>27</sup> М.Ҳазратқулов. Тасаввуф.-Душанбе.: 1988. 92-саҳ.

<sup>28</sup> И.Ҳаққул. Тасаввуф ва шейрият.-Т.:1991, 68-бет.

<sup>29</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том.-Т.:1968. 79-бет.

Хуллас, Боязид Бастомий тасаввуф оқимида ўзининг «сукра» таълимоти билан мактаб очган ва атрофига муридларни йиғиб, Тайфурия тариқатига асос солган шайхдир. «Хайрат ул-аброр»да Навоий келтирган ҳикоятнинг сюжети уйдирма ёки тўқима эмас. Худди шунга яқин воқеа Хожа Ориф ар-Ревгарийнинг «Орифнома»сида бор. Унда ёзилади: «Ва минҳо: диннинг асли-хилмдур. Ва ҳилмнинг асли-сабрдур. Абу Язид Бастомий (Боязид Бастомий ҳижрий 216 (мел.831–832 таваллуд топган) жонини ҳаққа таслим қилаётган пайтда йиғлаб шундай деган: « Уч хатарнинг орасида қолганман. Бири улдурким, гуноҳлар орасидамен, билмасменким, Аллоҳ аларни мағфират қилғайми ё йўқ. Иккинчиси, тоатлар орасида қолганмен, билмасменким, Аллоҳ аларни қабул қилурми ё йўқ! Ва шундай бир шохнинг (Худо) шараф қурбатида қолдим, билмасменким, ўзига чорлагайму ва ё ҳайдаб, қувиб солгай».<sup>30</sup> Дарҳақиқат, гуноҳларнинг мағфират қилиниши ё қилинмаслиги ҳам, тоатларнинг мустажоб бўлиш ё бўлмаслиги ҳам, ҳатто, Оллоҳ ўз васлига восил қилиш ё қилмаслиги ҳам иймон билан ўлчанади. Шунинг учун Навоий бежиз «жоним ол, оғзимға қуй имон майи» демайди.

Демак, биринчидан, Навоий дoston аввалидан шарҳлаб келган иймон ва унинг шартларини шайх Боязид Бастомий ҳаётидан олинган ҳикоят билан мустаҳкамлайди. Иккинчидан, у улуг ишга қўл ургани, яъни «Хамса» бита бошлаганда Оллоҳдан ўзига иймони бутлик ва куч-қувват сўрайди. Унингча, не-не буюк авлиёлар ўзининг иймони бутлигига гумонсираган экан, Навоий улар олдида кичкина бир одам, яна-да тўғрироғи, савол берувчи густоҳ муриддир.

Алишер Навоий «Хайрат ул-аброр»да ҳар бир сўз, жумла, мисраю байтни занжирдай бир-бирига вобаста қилган. Бир фикр

<sup>30</sup> Хожа Ориф ар-Ревгарий. Орифнома.- Б.: 1994. 8-бет.

иккинчисини тўлдириб, кенгайтириб келаверади. У аввалги мақолатда иймон ва иймонли киши сифатлари хусусида сўз юритган бўлса, иккинчи мақолатда ислом ва унинг қоидаларига тўхталлади. Нега? Чунки банданинг иймони бут бўлса, Яратганинг барча фарзларини бажаради, шариат қоидаларига амал қилади. Бу эса ўша одамнинг исломийлигидан далолатдир.

Ислом—ҳақ дин. Бу дин йўлида юрган халқ доим саломат, хотиржам, юзида «икболи муаббад». Аммо барча шу диндаги кишиларни тўлақонли мўмин—мусулмон деб бўлмайди. Чунки исломнинг Навоий ёзганидек, «шартидин айру дағи аркони бор». Булар—покланиб, Оллоҳнинг ёлғизлиги, танҳолигини тан олиш, намоз ўқиш, ўз фойдасидан закот бериш, йилда бир марта рўза тутиш, ҳажга бориш. Шоир бу қоидаларнинг ҳар бирини алоҳида—алоҳида шарҳлайди. Ҳақ йўлига кирган сўфий учун шариатнинг бу қоидаларига амал қилиш шарт. Шу босқич ўтилгач, у тариқатга киради ва сўфийликнинг қолган машаққатларини бошидан кечиради.

Навоий аҳли намоз киму аҳли ниёз ким деган масалани кўяди, яъни Тангри таоло олдида мусулмончиликнинг барча шартларини бажариб, Қуръони каримда ваъда этилган раъзаи ризвон — жаннат илдинжида юрган намозхон афзалми ё кўнглида Оллоҳ ишқи жўш уриб, Яратганинг васлини истаган ниёзманд дурустми, дея Иброҳим Адҳам ва Робия Адвия ҳақида ҳикоят келтиради.

Иброҳим Адҳам шохликдан кечиб, дарвешлик йўлини тутган балхлик машҳур шайх. Навоий «Лисон ут—тайр» достонида ҳам, «Насойим ул—муҳаббат...» тазкирасида ҳам уни илк тасаввуф вақили сифатида тилга олади. Ҳикоятда тасвирланишича, фақру фанодан ўзига тож кийган Иброҳим бир куни Каъбани зиёрат этиш мақсадида йўлга тушади. Ҳар қадамда икки раъкат намоз ўқиб, ўн тўрт йил деганда кўзланган жойга келади.

*Бўлди мусаллони солиб саждасоз,  
 Ҳар қадам айлаб икки раъкат намоз.  
 Қолди бу йўл қатъида ўн тўрт йил,  
 Мадҳига ҳар хору гияҳ чекти тил.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 118.

Не кўз билан кўрсаки, Байтул-ҳарам жойида йўқ. Бу ҳолдан фиғони ошиб, бу не ҳол дея илоҳга мурожаат қилганида, хотифи илоҳдан ун келади: «Эй пири роҳ, тавоф учун бир аёл йўлга чиқиб эди. Шавку муҳаббат юкидан қадди гуз, ранги заъфарон, ўзи нотавон бўлиб эди. Шу боис Каъбатуллоҳ унинг олдига ўзи борди».

*Бодия қатъига дурур бир ажуз,  
 Шавку муҳаббат юкидин қадди гуз.  
 Заъфдин ул бўлмиш эди нотавон,  
 Каъба анинг тавфиға бўлди равон.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 120.

Ҳайратдан не қилишини билмай турганида Робия пайдо бўлади. Иброҳим сўз бошлади: «эй зиёратгоҳи Арши аъло бўлган, Каъба тавофинга борган Яратганнинг бандаси. Қараки, бу жаҳонга не ғавғолар солдинг?

*Кўрки жаҳон ичра солибсен не шўр,  
 Робия деди ангаким: «Қилма зўр.  
 Шўр сенингдур бари оламда бил,  
 Бодия қатъи учун ўн тўрт йил.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 120.

Иброҳим Адҳам яна сўзида давом этди: «Балки, сен малаклар хайлидандирсан. Айт-чи, нега мен шунча йил ранжу алам чекиб, Каъба тавофиға келсам-у, менга яна ранж етади, сенга эса ганж?

*Робия деди анга: «Огоҳ бўл,  
 Ким неча йил бодияда барча йўл  
 Бўлди ишинг арзи намоз айламак,*

*Шева манга арзи ниёз айламак,  
Санга самар берди намозу риё,  
Бизга бу бар берди ниёзу фано.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 120.

Ҳазрат Навоий икки сиймо мунозарасида «фано», «ахли ниёз» сўзлари билан такрор санъатини, «арзи намоз» билан «арзи ниёз»ни бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали тазоддан унумли фойдаланади. Робиянинг жавобидан англашиляптики, у бир неча йил йўл юриб, фақат тоат-ибодат ила Оллоҳ васлига восил бўлишдан кўра, чин кўнгилдан Яратганга илтижо қилиб, фақру фано қилишни афзал билган. У Иброҳим Адҳамнинг чеккан машаққатлари-ю, қилган ибодатларини «намозу риё», ўзининг ишини «ниёзу фано» дейди. Демак, Иброҳим Адҳам «ахли намоз»га, Робия Адвия эса «ахли ниёз»га мансуб экан. Нега? Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида икки сўфийнинг тасаввуфдаги ўрни, келиб чиқиши ва даражаси хусусида тўхталамиз.

Иброҳим бинни Адҳам бинни Мансур Балҳда ҳукмронлик қилган. Тазкирада шоир ёзади: «Аввалги табақадиндур. Кунияти Абу Исҳоқ ва оти ва насаби Иброҳим бинни Адҳам бинни Мансур ал-Балхий. Мулук (подшоҳлар)дин эркони худ машҳурдур».<sup>31</sup> Шоҳлик либосини дарвешлик хирқасига алмаштирган Иброҳимни сўфий шоирлар мардлар марди, деб алқаганлар.

Е.Э.Бертельснинг ёзишича, . ҳижрийнинг иккинчи асрида арабларнинг Бани Томим қабиласидан чиққан шайх Иброҳим Адҳам илк зоҳид сўфийлар мактабини тузган. Аммо у ўз таълимотининг Хуросонда ёйилишини кўролмай, 160\766–777 йилларда Лука тоғида вафот этган.<sup>32</sup>

<sup>31</sup> А.Навоий. Насойим ул-муҳаббат..., Мулоқот, 1996. №6, 36-37 бетлар.

<sup>32</sup> Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература.- М.: 1965. 63-стр.

Тасаввуфий адабиётларда, илмий тадқиқот ва монографияларда уқтирилган Иброҳим Адҳамнинг илк зоҳидлигига Навоий ҳам хикоятда кўпроқ эътибор берган. Хўш, зоҳидлик нима? Зоҳид ким? Зухд—чи?

Илмий асосларга суянган ҳолда тасаввуфни VIII асрларда пайдо бўлган таълимот деб ҳисобласак, у аввало, зоҳидлик ҳаракатида куртак ёзган. Қизиғи шуки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан сўнг мусулмон жамоалари орасида бўлиниш юз берган. Халифа Усмон даврида бойлик тўплаш, зару олтинларга ружу қўйиш, яқини, қавми—қариндоши, дўсту биродарига улуғ совғалар қилиш одат тусини олган. Бу иллат Уммавийлар халифалигида жуда ҳам кучайган. Бу ҳол, яъни дунё лаззатларию ўткинчи майлларни диний ақидалардан устун қўйиш эътиқодли, покдомон кишиларнинг норозилигига олиб келган. Бу кишиларнинг бир қисми диннинг ҳимояси йўлида очикдан—очик кураш олиб борган бўлса, иккинчи қисми сарой аҳли ва бойларнинг ахлоқи, ўзини тутишига қарши норозилик сифатида таркидунёчилик, узлатга чекиниш ғоясини тарғиб қилган, ҳар қандай ижтимоий фаолиятдан ўзларини тийган ва сурункали тоат—ибодат билан машғул бўлган<sup>33</sup>. «Зоҳид» сўзи аслида «зухд»дан олинган. Қўлни мулкдан холи тутиш, дилни эса Ҳақдан ўзга ҳар нарсадан пок саклаш зухддир, деб Жунайд Бағдодий уқтирса, Имом Ғаззолийча, дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун кайғурмаслиқдир.

Н.Комилов «зоҳид» ва «зухд» истилоҳини таҳлил этиб, зоҳидларнинг асл мақсадини куйидагича изоҳлайди: «Фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий—ахлоқий камолот сари интилиш, валилик, қаромат—мўъжизалар кўрсатиш зоҳидларда йўқ эди. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини

<sup>33</sup> Н.Комилов. Тасаввуф// Ғойиблар хайлидан битан чироқлар тўшамиз.-Т.:1994. 15-бет.

қозониш, Куръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди».<sup>34</sup>

Агар олим қайд этган сифатларни Иброҳим Адҳамга хос деб ҳисобласак, унда Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат...»даги: «Буйук каромат ва мақомат аҳлидин бўлди» таърифини қандай шархлаймиз? Иброҳим Адҳамни зоҳид деб янглишибмиз-да?! Йўқ. Гап шундаки, Иброҳим Адҳам тахтдан кечиб, дарвешликка ўтган вақтда ҳамма оддий зоҳидлардай ирфону камолатдан беҳабар бўлган. Ҳақ йўлидаги риёзатлардан ўтгач эса буюк каромат соҳибига айланган. Навоий бу таърифда шайхнинг кейинроқ бу мартабага эришганини уқтиради, холос.

Муҳаммад Ғаззолий (1058–1111) «Ихёу улум ид-дин» асарида зоҳидликнинг уч белгисига урғу беради. Аввало, бор нарсага хурсанд бўлмаслик, қўлдан кетган нарсага ғам чекмаслик, мол-дунё мавжудлигидан хафа ва ҳеч нарса йўқлигига хурсанд бўлиш. Иккинчиси, зоҳид учун мақтовчи ҳам, мазаммат (ёмонлаш, сўкиш) қилувчи ҳам баробар бўлиши. Агар биринчи белги мол-дунёдан юз ўгириш бўлса, икинчиси жоҳ-мартаба, мансабдан юз буриш аломатидир. Учинчи белги эса фақат Тангри таолога ошно бўлиш ва қалбида ҳамиша қилган ибодатидан олган ҳузур-ҳаловатнинг устун бўлиши.<sup>35</sup> Шундан келиб чиқадиган бўлсак, ҳикоятдаги Иброҳим Адҳамда уч сифат ҳам мужассам. У шохликдан кечиб, фақру фанодан ўзига тож кийган, қўлдан кетган тожу тахт, мол-мулкка парво қилмаган, атрофидагиларга эътибор бермай, ўн тўрт йил машаққат билан Каъба тавофиға келган. Кўнглида доимо қилган саждаларидан ҳузур-ҳаловат топган.

Тавба-тариқат мақоматларидан бири. У иккига бўлинади: шариат ва тариқат тавбаси. Шариат тавбаси фақат гуноҳкорларга, шариат ақидаларига амал қилмаган ғофилларга тегишли. Тариқат

<sup>34</sup> Н.Комплов. Тасаввуф. Ғойиблар ҳайлидан ёлган чироклар тўшамми.-Т.: 1994. 16 бет.

<sup>35</sup> М.Ғаззолий. Ихёу улум ид-дин. Ёшлик, 1990, № 6. 77-бет.

тавбаси муридлар ва сўфийларга хос. Унда солиқнинг ҳаёти, яшаш тарзи бутунлай ўзгариб, янги моҳият касб этади. Иброҳим Адҳамнинг тавбаси тариқат тавбасига мисол бўлади. Е.Э.Бертельс Иброҳим Адҳамнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур таҳлил қиларкан, Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абу Нуъайманинг «Хилъат ул-авлиё» тазкираларидаги маълумотларни ўзбек халқ оғзаки ижодидаги «Иброҳим Адҳам» қиссаси билан чоғиштиради. Унинг ёзишича, Иброҳим бир куни овда қулоннинг орқасидан қувлаб анча жойга боради. Шунда қулон тилга кириб, эй инсон, сен бегуноҳ жонзотларни ов қилиш учун ёхуд уларга озор етказиш учун яралганмисан, деган сўровни беради. Эртаси куни сахарда у томнинг тепасида мўъжизавий беданани кўрадики, у йўқолган туяни излаётти. Иброҳим «томда йўқолган туяни излаш мантиқсизлик эмасми», деганида бедана жавоб беради: «тахтда ўтириб, Худони излашдан кўра мантиқсизроқ бўлмаса керак». Бу гаплардан каттиқ таъсирланган Иброҳим Адҳам тахтдан воз кечиб, Маккага йўл олади.<sup>36</sup>

И. Ҳаққул фикрича, ғамхўр, раҳнамо, барча нуфузли пирларга мураббий бўлган Хизр Иброҳим Адҳамни тожу тахтни тарк этишга ташвиқ қилган.<sup>37</sup> Бу масалага Навоий ойдинлик киритади. У Атторда ҳам, Абу Нуъаймада ҳам учрамайдиган далилни келтиради: «Йигитликда тавба тавфиқи топти. Бир кун овга борадур эрди. Ҳотиф нидо қилдики: «Эй Иброҳим, сени бу иш учун яратмабдурлар». Бу сўздин анга огоҳлиғ юзланди ва мулук (подшоҳлик) таркин қилиб, бу тойифа тариқини ихтиёр қилди»<sup>38</sup>

Демак, Иброҳим Адҳамга тавба тавфиқи йигитликда етган. Ҳотифи илоҳ, яъни Тангри таолонинг нидоси билан у тахтдан воз кечган, Маккага бориб Суфён Саврий, Фузайл Аёз ва Абу Юсуф Вусулий суҳбатига етишган. Хўш, Иброҳим қай тарзда яшаган?

<sup>36</sup> Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература.-М.:И, 1965, 135 стр.

<sup>37</sup> И.Ҳаққул. Ўзбек тасаввуф шеърлигининг шаклланиши ва тараққиёти. ДД.-Т.:1995.199-бет.

<sup>38</sup> Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат. Мулоқот.6-сов, 1996. 36-бет.

Умуман, тасаввуфда жуда оз нарса билан қаноат қилиш, еган емишни ҳалол йўл билан топиш шарт қилиб қўйилган. Тазкираларни кўздан кечирсак, унда сўфийлар ҳалол меҳнат қилиб кун кечирганларининг гувоҳи бўламиз. Инчунин, Шайх Зуннун Мисрий – кимёгар, Сари Сақатий – савдогар, Абу Саид Харроз – этикдўз, Шайх Абдулҳафз Ҳаддод – темирчи, Шайх Абулаббос – қассоб, Хожа Баҳоуддин – кимхобга гул нақшловчи, у кишининг пирлари Саййид Амир Кулол – кулолчилик қилган. Чунончи, зоҳидлар ҳам икки йўл билан тирикчилик қилган: саҳродан ўтин йиғиб, бозорда сотган ёки мешларда сув ташиган. Улар «луқман ҳалол» учун курашиб, «тотлиғ–тотлиғ» ейиш, «турлик турлик» кийишдан ўзларини тийганлар ёхуд «вараъ» (парҳез) мақомига қаттиқ амал қилганлар.<sup>39</sup>

Иброҳим Адҳам ҳам даштбонлик қилган. Навоий ёзади: «Шомда ҳалол рўзи касби учун нозурбонлиғ, яъни даштбонлиғ килур эрди»<sup>40</sup>. Шақиқ ибн Иброҳим ал–Балхий Иброҳим Адҳамдан яшаш тарзини сўраганда, биз топсак, шуқр қиламиз, топмасак, сабр қиламиз дея жавоб берган.<sup>41</sup>

Демак, Балх подшоси Иброҳим Адҳам илк зоҳид сўфийлардан. Унинг зоҳидлик сифатларини ҳикоятда очиб беришга кўмаклашувчи сиймо Ҳақ ошиғи Робия Адвиядир.

Инсон дунёга келаркан, Яратувчининг раъйига, у қатъий қилиб қўйган амалларга риоя этиши шарт. Агар барча амалларни бекаму–кўст бажарса, у Оллоҳ розилиги учун яшаган бўлади. Тангри таолонинг розилиги учун холис, пок яшаш–ихлос дейилади. Нақшбандия тариқатининг асосий ғояларидан бири ҳам ихлос. Шу ғояни илк бор тасаввуфга олиб кирган зот Робиядир.<sup>42</sup> У 713 йилда Басра шаҳрида камбағал оилада туғилган.

<sup>39</sup> И.Ҳаққул. Ўзбек тасаввуф шеърининг шаклланиши ва тараққийи. ДД.-Т.:1995.32-бет.

<sup>40</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. Мулоқот. 1996. №6, 36-бет.

<sup>41</sup> А.Чомй. Осар дар 8 ҷилд, ҷилди 8.-Душанбе,1990. 12-сах.

<sup>42</sup> Г.Наврўзова. Робия ва илоҳий ихлос, Ўз. АС. 1995. 3 март.

Е.Э.Бертельснинг ёзишича, болалигида уни ўғирлаб, кул бозорига сотишган ва умрининг аввали куликда ўтган<sup>43</sup>. Рус шарқшуносининг бу маълумотларини тўлдириш ниятида Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс...» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» тазкираларини кўздан кечирдик. Лекин ҳеч қандай маълумот топмадик.

Неча йиллик дарбадарликдан сўнг Басрага келган Робия атрофидагиларга Оллоҳни мушоҳада (кўриш, кузатиш) қилиш ва у билан мулоқотда бўлишга тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсадан воз кечиш керак, дея бир кўлида сув, бошқасида олов олиб кўчага чиқибди. Одамларга қараб «мен бу ўт (олов) билан жаннатни куйдираман, сув билан эса дўзахни фарқ қиламан. Токи одамлар жаннатга бориш ёхуд дўзахга тушишни ўйлаб кўрсинлар», дебди. Хўш, Робиянинг бу сўзлари Худога ширк келтириш эмасми? Ахир банда жаннат ё дўзахни куйдириши ёки сувга фарқ қилиши мумкинми? Йўқ, албатта. Ҳақиқий ошиқ учун жаннат ё дўзах тамаънинг бир кўриниши. Солик шу йўлга жаннат илинжи ёхуд дўзахдан сақланиш ниятида кирган бўлса, демакки, у ҳали ўзидаги нафсни тўла-тўқис енганича йўқ. Нафс бор жойда эса тамаъ ҳам мавжуд. Шу боис Робия Оллоҳ жамолини жаннату дўзахдан устун кўяди. Бу гоё ҳикоятда ҳам ўз аксини топган. Муҳаммад Сиддик Рушдий «Тазкират ул-авлиё туркий» асарида Робиянинг Тангрига бўлган пок муҳаббатини ўз тилидан куйидагича ифодалайди: «Робиа айди: «Ҳазрати расули худо саллаллоҳи вассаламни тушумда кўрдум. Манга дедиларким: Эй, Робиа, мани дўст тутармусен? Дедим: «Ё расулуллоҳ, кимдурким, сизни дўст тутмағай? Лекин Ҳақ таолонинг муҳаббати мани онча пур тутубдурким, ғайри сиғмайдур»<sup>44</sup>.

<sup>43</sup> Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийский литература.- М.:1965.17-бет.

<sup>44</sup> М.С.Рушдий. Тазкират ул-авлиёи туркий. Ёшлик, 1990, № 8. 77-бет.

Халқ китоблари, тазкира ва маноқибларда зикр этилган Робия ҳақидаги ҳикоятларда ҳам бу сўфий аёл Ҳақ ошиғи сифатида тасвирланади. Шайх Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома»сида ёзилишича, Робия Зайнул-арабнинг Бектош исмли қули бор эди. У ўз қулини яхши кўриб қолади. Қариндош-уруғ, хеш-таборлари уни бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринишмасин, Робия ўз севгилисидан айрилмайди. Бундан ғазабланган қариндошлари унинг қўл томирларини кесиб, ҳаммомга қамаб, ўт ёкишади<sup>45</sup>. Робия ва Бектошнинг севгиси ҳақида «Мажмуал-фусаҳо» («Латиф ҳикоялар») асарининг муаллифи Ризо-Қулихон «Гулистони Эрам» деган маснавий ҳам ёзган.<sup>46</sup> Ўз даврининг етук сўфийлари Сўфиён Саврий, Ҳасан Басрий, Шакиқ Балхий Робия билан доимо ҳамсухбат бўлиб, кўп масалаларда ундан маслаҳатлар олишган.

Энди дostonдаги Иброҳим Адҳам ва Робия Адвия ҳақидаги ҳикоятга қайтсак. Иброҳим ўн тўрт йиллик машаққатдан сўнг тоат-ибодат билан Маккатуллоҳга келади. Робиянинг ниёзмандлиги боис Каъба унинг олдига боради. У-ошиқ, ёниб-ўртаниб Оллоҳни суяди, унинг ишқида на ўзини, на оламини, на намозу ибодатни билади. Навоий бу фикрни Робия тилидан «шева манга арзи ниёз айламак», дея изохлайди. Иброҳим Адҳам эса ибодатни худога хизматнинг йўли деб билган. Шунинг боис унинг иши «арзи намоз айламак»дир.

Хулоса шуки, Навоий мук тушиб бир жойда тоат-ибодат қиладиган Тангри бандаларидан кўра, кўнглида Оллоҳни севувчиларни афзал билади. Шу учун у ҳикоят охирида бир умр ниёз аҳлига, яъни Ҳақни севувчиларга арзи ниёз қилишни ўзига мақсад қилган.

*Боқма, Навоий, яна ноз аҳлига,*

<sup>45</sup> Фариддин Аттор. Ғойиблар ҳайлидан ёлган чироқлар.-Т.: 1994. 66-67-бетлар.

<sup>46</sup> Уша асар, 68-бет.

*Арзи ниёз айла ниёз аҳлига.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 120.

Иккинчи бир жиҳати шуки, ўша вақтда Алишер Навоийнинг Темурийлар давлатида тутган мавқеи Иброҳим Адҳам даражасида бўлса-да, у Робия Адвиядай Ҳақ ишқини кўнглида жо этган. У Иброҳимдай муккасидан кетиб, сажда қилмаган бўлса ҳам, хайрли ишларида, ёзган дурдоналарида ўзининг ниёзмандлар–ошиқлар каторидан жой олганлигини кўрсата олди.

Ҳақиқий шайх ким? Ҳар қандай хирқа кийган, хонақоҳда хилватнишинлик қилган, Оллоҳнинг меҳру муҳаббатидан қониш ўрнига унинг жаннати илинжида юрган намозхон шайх ҳисобланадими? Алишер Навоий бу масалани тўртинчи мақолатда ҳал этади.

Мақолатда риёкор хирқапўшлар ва пок кўнгулли шайхлар каламга олинган. Навоийча, риёкорлар танларига жанда кийиб, шому саҳар зикр айтиб, атрофига минглаб ўзига ўхшашларни тўшлаган дўзахий зотлар.

*Иплар анга риштаи талбис ўлуб,*

*Игна анга сиблати иблис ўлуб.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 133.

Осилиб турган турфа соқоли худди эчкиникидай. Лекин эчки катта бир тўдани бошқаради, тўғри йўлга солади. Бу кимсаларнинг кирдикорида эса эчкичалик ҳам тўғрилиқ йўқ. Уларнинг қилиғи, сўзи - гуноҳ. Уларга эргашганларнинг жойи - дўзах.

*Кўргузубон бу дағи хайлига йўл,*

*Йўлки, борибон тамуг ўтига ул.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 134.

Улар яшайдиган хонақоҳнинг ранги ҳийла, ҳиди эса риё.

*Хонақаҳ ичраки солиб бўриё,*

*Ранг анга зарқ ўлубон, бў-риё,*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 134.

Хилватда риёкор шайх ўзини одамларга яқин тутади. Наша чеккач, ўзини мартабада энг олий зот деб, унча-мунча кароматларни писанд ҳам қилмайди. Бу тоифадагиларнинг мақсади-ҳукмдор, сарватмандларга ўзини покдомон шайх сифатида кўрсатиш ва улардан тухфаю тортиқ олиш. Шайхни риёга бошловчи асос – н а ф с. Ҳаттоки, бу «дағалваш»ларга дўзах ўти ҳайф. Чунки дўзах ўтининг ўзи буларнинг кирдикоридан азобланади-да.

*Лек тамуг ҳам бу неча гашига ҳайф,  
Ўт дағи бу хайли дағалвашга ҳайф  
Гар кўруб ўтдин бани Одам азоб,  
Ўтқа булардин бўлубон ҳам азоб.*

Ҳ.А. МАТ. Т.7. –Б. 138.

Аммо иккинчи тоифа шайхлар борки, аввалгиларидан осмону ерча фарқ қилади. Ҳақиқий шайхларнинг ўз нафсини енгиб, жонини «жонон» (Оллоҳ) учун фидо қилишга тайёр эканини кўрсатишда Навоийга такрор ва ружуъ санъати кўл келади.

*Ким қилибон икки жаҳон таркини,  
Икки жаҳон демаки, жон таркини.  
Гусса жаҳон ичра чекиб жон учун,  
Жонни фидо қилгали жонон учун.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 138.

Бу зотлар масжиду майхона, дайру Каъбага ҳам эътибор бермай, борликдаги барча нарсаларнинг ўткинчилигини билиб, уларга кўнгил боғламайди. Уларнинг кўнглида Оллоҳ ва унинг ишқидан ўзга нарса йўқ.

*Масжиду майхона анга ёқмайин,  
Дайр била Каъба сори боқмайин  
Борлиқ асбобини фоний билиб,  
Йўқлуқ ўти ичра ўзин кул қилиб  
Кўзгуда чун гайрдин ўлмай асар,*

*Чехраи мақсуд ўлубон жилвагар.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 139.

Қизиги шундаки, Навоий бу хил пок шайхларни Хизр алайҳиссаломга ўхшатади. Адашган қавмни худди Хизр пайғамбардай йўлга бошловчи ҳам, ҳар қадамда уларга ҳамроҳлик қилувчи ҳам, «оби ҳайвон» сувини (обиҳаёт) бериб, тирилтирувчи ҳам шу покдомон шайхлар. Буларнинг мақсади «учмақ умидию тамуғ бийми» эмас. Фақат ва фақат «жонон» – Тангри таоло муҳаббати.

*Неки қилиб қасд анинг амри-ўқ,  
Учмақ умидию тамуғ бийми йўқ.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 141.

Мана шу ғоянинг исботи янглиғ Хожа Абдуллоҳ Ансорий ҳақида келтирилган ҳикоятда ҳам Навоий дўзах ўти кўркуви ва фирдавси ризвон илинжи хусусида фикр юритади.

Навоий Абдуллоҳ Ансорийни пири Ҳирот, йўқки, бари коинот (олам) раҳнамози, дейди.

*Улки ани қибла дер аҳли Ҳирот,  
Дема Ҳирот аҳли, бари коинот.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 141.

Унинг иши тоат, Оллоҳ таолонинг амрини бажариш. Унга дўзах ўти кўркинчи мақсад ёхуд жаннати фирдавс ҳавас эмас.

*Деди буқим, иш манга тоат турур,  
Тенгрининг амрига итоат турур.  
Дўзах ўти бийми ҳам эрмас гараз,  
Не буки жаннат анга бўлғай эваз.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 141.

Ансорийча, кимки дўзах азоби кўркувидан Яратганига «парастииш» қилса – сиғинса, у нафс нажотидан бу ишни қилади, унинг тоатига шайтон аралашган.

*Бийм илақим, ҳақни парастииш қилур.*

*Нафс нажотини тилаб иш қилур.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 141.

Кимки, уммид ва фарсудалиқ (ҳорғинлик) ўзига тиласа, унинг нияти равза–жаннатда осойишталикдир.

*Ким чекар уммид ила фарсудалиқ,*

*Қасди эрур равзада осудалиқ.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 141.

Ҳақ йўлида дўзаҳу жаннат қилган тоат ибодатингга «муздур», яъни иш ҳақи ёки мукофот эмас. Мақсад–Яратганга муҳаббат.

*Ҳақдин анию муни маҳжур бил,*

*Музд учун иккисини муздур бил.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 142.

Гарчанд, Ансорий ўз тоатини Оллоҳга лойиқ деб билмаса–да, у бир дамни ҳам Яратгансиз тасаввур қилолмайди. Қил деганини бажаради, радду қабулига иши йўқ.

*Гарчи анга лойиқ эмас тоатим,*

*Бўлмасун онсиз эса бир соатим.*

*Қил дедиким, қилмоқ эрур варзишим,*

*Радду қабули ила йўқ ҳеч ишим.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 142.

Абу Исмоил Абдуллоҳ ибни Абу Мансур Муҳаммад Ансорий Ҳиравийни Навоий бошқа шайхларга нисбатан юқорироқ поғонада кўрган. Бу жиҳат «Маҳбуб ул–қулуб» ва «Насойим ул–муҳаббат» асарларида яққол сезилади.

Умрининг поёнида ўз ҳаётий тажрибаларига суяниб, ахлоқий–таълимий қарашларининг якуни сифатида Навоий «Маҳбуб ул–қулуб» асарини ёзди. Унда турли ижтимоий табақа ва гуруҳлар тасниф ва таъриф қилиниб, уларга холисона баҳо берилади. Асарнинг ўн биринчи фаслида шайхул–ислом ким ва қандай киши бу лавозимга сазовор, деган масала кўйилади. Ёзилишича, мусулмонлар пешвоси, ислом раҳбари, олим, Оллоҳга яқин ориф,

сухбатдош, шариат донишманди, факирларга пайхамил, яхши-ёмонга шафқатли, улуғу кичикка сўзсиз фойдали, шариат қонунларини маҳкам тутувчи ва барча қонун бузувчиларга тўғри йўлни кўрсатувчи, насиҳаттўй инсонгина шайхул-ислом ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, Ҳазрат шайхул-ислом таърифиди фақатгина Ансорийни тилга олади. Ўқиймиз: «Шайхул-ислом мусулмонлар пешвосидин иборатдур ва ислом муқтадосиға ишорат. Мундоқ киши олиме керак ислом-паноҳ ва орифе керак мухтараби даргоҳ, хирадманди шариатшиор ва факрға хурсанд ва тариқат осор. Яхши-ямонға шафқати файзи ом ва улуғ-кичикка иршоди нафъ малоколом. Комиле бўлғай шаръ қонуниға росих ва барча мубтадеълар бидъатиға носих. Ангаким, бу навъ бўлғай ойин-ислом шайхул-исломи деса бўлур, вассалом. Байт:

*Мундин ўлди муқарраби Борий,  
Шайхул-ислом пири Ансорий.<sup>47</sup>*

«Насойим ул-муҳаббат...» тазкирасида Ансорийнинг келиб чиқиши, насл-насаби, феъл-атвори, қайси шайхлардан таълим олгани ҳақида батафсил маълумот бера туриб шоир ёзадики, тазкиранинг қаерида шайхул-ислом дейилса, ундан мақсад Ансорийдир. Унинг отаси Абу Мансур Муҳаммад, бобоси эса Айюб Ансорий бўлган. Бобоси Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг дўстларидан ҳисобланган. Тазкирада ўқиймиз: «лақаби шайхул-исломдур ва бу китобда ҳар ердаким шайхул-ислом воқеадурур, мутлақ мурод андиндур ва ул Абу-Мансур Муҳаммад Ансорий фарзандларидиндур ва Муҳаммад Ансорий Аюб Ансорий фарзандидурки, ҳазрати Расули Акрамнинг соҳиб раҳли эрмиш».<sup>48</sup> Демак, шайхул-ислом «ойин»и Ансорийга расман берилган ва орадан йиллар ўтгач бу унвонни Навоийнинг пири, устози, ҳамфикр, ҳаммаслаги Абдурахмон Жомий ҳам

<sup>47</sup> Аляшпер Навоий. ТАТ, 13-том.- Т.: 1966. 17-бет.

<sup>48</sup> Аляшпер Навоий. ТАТ, 15-том.- Т.: 1968. 118-бет.

олган. Навоий Ансорий тилидан ёзишча, у Кундузда хижрий уч юз тўксоннинг шаъбон ойида таваллуд топган (хижрий 390-мелодий1005 йиллар). Унинг келажакда улуғ шайх бўлишини Хизр алайҳиссалом башорат қилган. Ансорийлар хонадонининг Абу Осим деган қариндоши бўлган. Абдулло ёшлигида уларникига тез-тез бориб турган. Абу Осимнинг Бонуи Олия исмли «соҳиб валоят» хотини бор эди. Шу аёлнинг пири Хизр алайҳиссалом Абдуллони кўриб, Машрикдан мағрибгача бунинг овозаси кетади, тамоми оламда бундан улуғроқ киши бўлмағай, деб башорат қилган. Ўқиймиз: «Дебдурки, Бу Осим пир менинг қаробатимдур. Кичик эрконида анинг уйига борур эрдим. Бир кун анинг уйида эрконидаки, анинг хотини ажуде эрди, мухташам ва соҳиб валоят. Дедики, менинг пирим, яъни Хизр алайҳиссалом Абдуллони кўрди ва сўрди: «кимдур? Дедим: фалон киши. Деди: машрикдин мағрибгача андин тўлғай, яъни овозасидин. Юшангда чун шайхул-ислом туғулбтур... Хизр алайҳиссалом анга дебтурки, сизинг шаҳрда бозорий зодаидурки, ўн етти ёшидадур. Не отаси билурки ул кимдур ва не ўзи. Тамом оламда андин улуғроқ киши бўлмағусидур».<sup>49</sup>

Тўрт ёшида илк таълимни бир аёлнинг кўлида олган Абдуллох тўкқиз ёшида имло (ёзув)нинг нозик сирларини Абу Мансур ва Жорузидан ўрганган, ўн тўрт ёшидан бошлаб адаб гулшанидаги мажлисларда қатнашиб, арабча, форсча шеърлар айтиб ҳаммани лол қолдирган. Навоий таъкидича, у ўтиб кетган қадим ва замондош араб шоирларининг юз минг байт шеърини ёд билган. Ҳар куни кироатдан кейин олти варақ шеър ёзган ва ёдлаган, хуфтон номози ўтганча кўпроқ оч юриб, чироқ ёруғида ҳадис битган. Ҳаттоки, нон ейишга ҳам вақти бўлмай, волидаи мухтарами оғзига нон солиб турган. Тазкирада ўқиймиз: «Ва

<sup>49</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том. - Т.: 1968. 118-бет.

дебтурки, араб шуаросининг мутақаддим ва мутаахиридин юз минг байт бор ва дебтурки, тонг эрта қори қошига бориб, қироат ўрганур эрдим ва қайтгонда дарсқа машғул бўлур эрдим... Кўпрак кун намози хуфтан ўтгунча наҳор эрдим ва дебтурки, кеча чироғ ёруғида ҳадис битир эрдимки, нон емак фароғатим йўқ эрди. Онам нонни тикка қилиб, оғзимга солур эрди нима битирнинг аросида»<sup>50</sup>.

У 1032–1033 йилларда Абдулҳасан Харақонийдан тасаввуф илмини ўрганиб, уни ўзига пир тутди. Ансорий фикрича, Оллоҳ–азалий нур. Қолган барча мавжудоту махлуқот шу нурдан пайдо бўлган. Шу боис инсон ҳам ўз Яратувчисига ошиқ. Ошиқ билан маъшукни бирлаштирувчи занжир ишқ. Ошиқ маъшуқасига қанча яқинлашаверса, унда ўзини теранроқ кўраверади: «Илоҳо, Сени ахтариб ўзимни топардим, энди эса ўзимни излаб сени топяпман»<sup>51</sup>.

«Илоҳийнома» асарида сўфийларнинг камолотга эришувидаги ўн олти шарт (талаб) уқтирилган. Шулардан бирида кечаси намоз, кундузи риёзат билан ўтсин, дейилган. Ўзининг айна шу фикрига амал қилган Абдуллоҳ Ансорий тоат–ибодатни ўз вақтида бажариб, Ҳақ илмини чуқур ўзлаштирган, қолаверса, ҳамюрт пир сифатида Навоийнинг кўнглига тушган.

Риёи хирқапўшлар масаласини Навоий «Маҳбуб ул–кулуб»нинг ўттиз саккизинчи фаслида ҳам кўтаради. Бундаги фикрлар «Ҳайрат ул–аброр»да келтирилган ғояларнинг давомидир. Риё, манфаатпарастлик, мунофиқликни танқид қила туриб, «Ҳайрат ул–аброр»да Ансорий ҳақида ҳикоят келтирилишини М.Муҳиддинов қуйидагича шарҳлайди: «ҳикоя мазмунан Амир Хусравнинг бешинчи ҳикоятига ўхшаш, ҳар иккисиди ҳам беғараз, сидқидилдан художўйлик қилиш тарғиб этилган. Бу ғоя риёга,

<sup>50</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том. - Т.: 1968. 119-бет

<sup>51</sup> Олимов К. Чаҳонбинини Абдуллоҳи Ансорий. - Д.: Ирфоҳ, 1988. 106-сах.

тамаъга қарши ғоядир».<sup>52</sup> Устоз тўғри уқтирганидек, Навоий беғараз, сидқидил, художўй, Оллоҳ васлидан бошқани тан олмайдиган, жаннату дўзах умидидан батамом йироқ шайхул-ислом Абдуллоҳ Ансорий тимсолини яратаркан, унинг баҳонасида ўз дардларини айта олган.

*Учмағу зоҳид тамуғу булҳавас,*

*Бўлса ҳавас ёр Навоийга бас.*

*Ёр юзи ёди била шод ўлай,*

*Дўзах ила равадин озод ўлай.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 142.

Навоийча, ошиққа учмағу (жаннат) тамуғ (дўзах) ёхуд тоат–ибодат эмас, ёрнинг ўзи керак. Токи у «ёр» – Худонинг ёди билан хурсанд бўлиб, дўзаху жаннатдан озод бўлсин. Бу тоифа ошиқ эса Навоийнинг ўзи эди.

Ошиқнинг маъшука ҳажрида ёниши ишқда билинади. Ишқ инсонни моддий дунё ҳою–ҳавасларидан покловчи, холи этувчи, вужудини куйдириб, руҳини мусаффо этадиган, ҳамма вақт ўз мавлоси - Яратгани билан бирга бўлишга ундайдиган, камолот чўққисига олиб чиқадиган оташдир.<sup>53</sup> «Ишқсиз киши – дейди Хожа Абдуллоҳ Ансорий, – кўршапалак мисоли кўр бўлса, бунинг учун кундузда нима гуноҳ?»<sup>54</sup> Тасаввуфдаги асосий талаб–руқнлар Риёзат, Иродат, Узлат, Маърифат, Ишорат, Муҳаббат ишқ тушунчасида бирлашади. Зеро, солиқни ихтиёрий азобга, кийноққа солувчи ҳам, роҳат–фароғат бахш этувчи ҳам, фанога ундан кейин эса бақога элтувчи ҳам ишқдир. Ҳақнинг борлиги ишқдан ўзга бир нарса эмас. Ҳақ бўлмаса, ишқ ҳам йўқ. Оллоҳ тажаллиси, зухурининг тимсоли–ишқ. Солиқ ишқ зиёсида, ишқ кўмагида ҳақиқатга етади, Ҳаққа восил бўлиб, бақо тожини кияди.<sup>55</sup>

<sup>52</sup> М.Муҳиддинов.Алшар Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. ДД. 1995. 122-бет.

<sup>53</sup> Н.Комплов. Тасаввуф.-Т.:1994. 41-бет.

<sup>54</sup> А.Ансорий. Муноҷот. Дурдонаҳои наср. ҷилди 1.- Душанбе. 1987. 161- сах.

<sup>55</sup> И.Ҳаққул. Ўзбек тасаввуф шеърлигининг шаклланиши ва таракқиёти.ДД.- Т.:1995. 42-бет

«Хайрат ул-аброр»нинг тўққизинчи мақолати ишққа бағишланади. Навоий наздида ишқ нима? Нега бани оламу одам шу ишқ туфайлигина тирик?

Мақолат аввалида шоир «сахни фалак боғидек» тоза, озода, ораста бўстонни тасвирлайди. Булбул кўшиғин куйлаш ниятида бўстонга келади. Бу боғдаги ҳар бир гул худди тўлин ойдек. Баногоҳ унинг назари гулзордаги гулга тушиб, жонига «ишқдин тоб» тушиб, кўнглида ғам шуъласидан изтироб пайдо бўлди. Гул жилва қила бошлагач, булбул чунонам нола чекдики, натижада чаманда куйиш ва куйдириш юз бериб, ошиқ-маъшуклик бошланди.

*Келди чу бу хирқату махруқлуқ,*

*Бўлди аён ошиқу маъшуклуқ.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 189.

Бу ўринда гул ҳам, булбул ҳам рамз. Яъни Оллоҳ солиқни яратгач, уни бир ажиб бўстонга киритади. Солиқ у ерда бир нозанинни кўриб, ошиқ бўлади. У қанча маъшукасига яқинлашмасин, шунча кўп риёзатлар чекаверади. Охир-оқибат у комил инсонга айланиб, бу нозанин ҳақиқий «ёр»нинг тажаллийси эканини тушунади. Айтиш мумкинки, бу шайдолик ошиқни моддий олам лаззатларидан ажратиб, покдомон зотга айлантиради. Бу гоё Шайх Ирокий ҳақидаги ҳикоятда исботланган. Дайр-ибодатхонада ҳам, Каъбада ҳам ишқ туфайли можаро. У боис ошиқлар мусҳафни рад этиб, бутларни ёқадилар. Ишқ дайрга масжидни ҳақир, куфрга иймонни асир қилади. Навоийча, ишқ бўлиши учун кўнгул бўлиши шарт. Кўнгул эса ҳаммада ҳам йўқ. Буни Навоий «Кўнгул таърифидаким...» бобида шарҳлаган эди.

*Қайси кўнгулники, макон этти ишқ,*

*Ўтдин ани лаълга кон этти ишқ.*

Ҳ. А. МАТ. Т.7. –Б. 191.

Ишқ дур бўлса, кўнгул дурж, қуёш ишқ бўлса, кўнгул унга бурж.

*Ишқ эрур дурру кўнгул дурж анга,  
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 191.

Кўнгулнинг асоси–поклик. Пок кўнгулик кишини Навоий «ошиқ»лар зумрасига қўшади.

*Ошиқ ани билки, эрур дарднок,  
Ҳам тили, ҳам кўзию, ҳам кўнгли пок.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 193.

Демак, ҳақиқий ошиқнинг тили, кўзи ва кўнгли пок бўлиши ва энг асосийси, ёрдан тамаъ қилмаслиги шарт. Ўшандагина тани фано ўтига хошок бўлиб, қайси тарафга бокса, дўсти ҳақиқий жамолини кўраверади.

*Қайси тарафким, анга бериб назар,  
Дўст жамоли бўлубон жилвагар.  
Балки бўлуб ўзлуги ҳам бартараф,  
Кўзки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 194.

Ишқ–оташ. Ишқ гирифторида на ақл, на ҳуш бўлади, ошиқ таквою ибодат нималигини ҳам эсдан чиқаради. Нопок киши шу ўтга тушса, тоза, поклар эса яна–да покрок, тозарок бўлади. Бу ўтда куйиш икки дунёда ҳам кишига саодат бағишлайди. Ана шундай дунё–ю уқбода Оллоҳнинг саодатидан баҳраманд бўлган зот шайх Фахриддин Ироқий (610\1213 – 688\1289).

Йўклик даштгининг маъдуми Шайх Ироқий ҳикоятда тасвирланишича, фано куйида боқий, замонининг фахри. Унинг кўнгли ишқ сирларининг хазинаси, сўзи гавҳар ёғдиргувчи булут.

*Кўнгли анинг махзани асрори ишқ,  
Нутқи анинг абри гуҳарбори ишқ.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 198.

Ўз ишқини пардаи таквога ўраган Шайх Мисрдан Шомга қараб йўл олади. Буни эшитган Шом тахтгири (подшоҳи) дарҳол

хаммани Шайхга пешвоз чиқишга даъват этади. Одамлар орасида подшонинг лутфу малоҳатда жон ва жаҳон офати, юз миср шоҳи кул бўларлик даражада хушрӯй ўгли бор эди. Шомда у «моҳи анвар»дай, Мисрда эса худди Юсуф пайгамбардай.

*Лутфу малоҳатда жаҳон офати,  
Дема жаҳон офати жон офати.  
Шом саводида маҳи анвар ул,  
Миср элига Юсуфи пайгамбар ул.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 199.

Хуллас, Шайхнинг нигоҳи соҳибжамолга тушади. Ишқи ҳақиқий юрагида жўш уриб, йигитнинг аёғига юзини қўяди. Бу ҳолдан ҳамма ҳайратда. Навоий шарҳлайдики, шайхнинг ишқи ҳар қандай «шойиба» - шармандалиқдан пок.

*Ишқи ҳар шойибадин пок эрур,  
Ҳар неки қилса киши не бок эрур.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 199.

Навоийнинг уқтиришича, Ироқий ўзининг пок ишқи эвазига ул элга худди куёшдай бўлди ва Юсуф сифат шаҳзода ҳам Шайхга мурид тушди. Унингча, агар ошиқ ўз ишқида Шайх Ироқийдай пок бўлса, содиқ бўлса, бу сифат унинг хосияти, хислатидир.

*Ишқда пок ўлса киши бу сифат,  
Хосият ўлур бу сифат оқибат.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 200.

Хўш, Ироқий ким? Нега Навоий айнан ишқ мақолатида у ҳақда хикоят келтиради? Йигитнинг кизга, аёлнинг эркакка муҳаббатини ёхуд сўфийларнинг Ҳаққа ошиқлигини биламиз. Аммо улуг бир шайхнинг бир йигитга шайдолигини аниқроғи, эркакнинг эркакка ишқи қанақаси бўлди? Навоийнинг мақсади нима? Шайх Ироқий ишқига ўхшаш воқеалар адабиётда бўлганми?

Алишер Навоий устози Жомийга бағишлаб ёзган «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарида Шайх Фахриддин Иброҳим Ироқийни

алоҳида тилга олса, «Насойимул-муҳаббат...» тазкирасида бу шайхнинг феъл-атвори, тарикатдаги ўрни ва Сухравардия сулукига кириши ҳақида батафсил маълумот беради. Тазкирада битилишича, Шайх Иброҳим Ироқий асли Ҳамадонлик. «Ламаот» («Шуъла») китобининг муаллифи, машҳур шеърӣ девони бор, қувваи ҳофизаси зўр кироатхон: «Ламаот» китобининг соҳибидур ва шеър девони бор ва машҳурдур ва кичик ёшида Қуръон ҳифзи килиб эрди ва асру хўб ўқур эрди. Ҳамадондиндур.<sup>56</sup>

Агар «Ҳайрат ул-аброр»да Шайх Ироқий бир шаҳзодага ошиқ бўлган бўлса, «Насойим ул-муҳаббат...»да у қаландарлар жамоатидан бир соҳибжамолга беҳол бўлгани тасвирланади. Бир кунни бир гуруҳ қаландарлар Ҳамадонга келишади. Улар орасида чиройли йигит ҳам бор эди. Шайх қаландар йигитга ошиқ бўлади. Ўқиймиз: «бир кун жамоати қаландарлар Ҳамадонга етибтурлар ва алар била бир соҳибжамол йигит эрмиш ва анга ишқ машраби голиб. Ани кўргач, анга гирифтор бўлубтур. Ул мусофир қаландарлар то Ҳамадонда эрдилар, алар била эрди. Чун алар Ҳамадондин сафар қилдилар, неча кунки ўтди, фироқ суубатидин бетоқат бўлуб, аларни эриша бориб аларға етти ва ишқ иқтизоси билаки, маъшукка хамранглик тақозоси қилур, қаландарлик қисвати ихтиёр қилди»<sup>57</sup>. Демак, Шайх Ироқий йигитга ошиқ бўлган бўлса-да, Мултонга боргач, қаландарликни ихтиёр қилади, яъни солиқ Оллоҳ жамолига талпинаверса ўртадаги восита (шаҳзода ёки қаландар йигит) ўз-ўзидан кўтарилади.

Мултонда Шайх Баҳоуддин Зикриёга мурид тушади. Шайх Зикриё ўша вақтда Ҳиндистон ҳудудида ўта ривожланган Сухравардия тарикатининг қибор муршидларидан эди. Унинг мавқеи Синда, Панжоб ва Мултонда баланд бўлган.

<sup>56</sup> Алишер Навоӣ. ТАТ, 15-том.- Т.: 1968. 172-бет.

<sup>57</sup> Ўша асар, 173-бет.

Шайх Зикриё Иброҳимни муридликка олгач, уни чилла ўтиришга мажбур қилади. Чилладан ўн кун ўтгач, у баланд овозда шеър ўқиб, йиғлай бошлайди. Бу ҳол чилла ўтириш қондасига зид эди. Улар хилватда зикр ва мушоҳада қилишдан ўзга нарсани билмаслиги шарт эди. Воқеани дарров Шайх Зикриёга етказдилар. Ўқиймиз: «Инкор суратида Шайх арзиға еткурдилар, Шайх дедики, сизларга булардин манъдур. Анга манъ йўқтур.<sup>58</sup>

Орадан бир неча кун ўтгач, Шайх Зикриёнинг яқинларидан бири Ироқий эшиги олдидан ўтаётган эди. Эшитдики, бутун хароботийлар чанг ва чағона олиб, ғазал ўқишарди. Воқеа тафсилотини пири муршидга етказди. Навоий ёзади: «Шайх дедики, анинг иши тамом бўлди ва кўпти ва Ироқийнинг хилвати эшигига келиб дедики, Ироқий, хароботда муножот қиласен, ташқари чиқ. Ташқари чиқти ва бошини Шайхнинг аёғига қўйди. Шайх муборак илки била бошини туфроғдин кўтаради ва яна ани хилватқа кирғали қўймади ва хирқани ўз муборак танидин чиқариб, анга кийдурди ва ўз фарзандин анинг никоҳин ақдиға кийурди ва анга ул никоҳдин фарзанде бўлди ва анга Кабириддин лақаб қўйдилар.<sup>59</sup> Хуллас, Шайх Зикриё Иброҳим Ироқийни муридликка олаётганида бу солиқнинг Ҳақ васлида кўп риёзатлар чеккани ва ул париваш жилвасин бир қаландар йигит тимсолида кўргани ва ошиқи беқарор бўлиб, Мултонга келганини биларди. Бундан ташқари, Ироқий пири муршид даргоҳига келгунча кўпгина илмлардан бохабар эди. Шайх эса унга илми ғайбдан сабоқ бериб, йўл-йўриқ кўрсатди, холос. Шу боис у қирқ кунлик чилланинг атиги ўн кунда Ҳақ васлидан беҳол бўлади. Шайх эса ўз муриднинг етуқлиги исботи янглиғ ўз хирқасини унга кийдириб, уни куёвликка, тўғрироғи, фарзандликка қабул қилди. Шайх Иброҳим ўзининг пок ишқи туфайли йигирма беш йил

<sup>58</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том. -Т.:1968, 173-бет.

<sup>59</sup> Уша асар, 173-бет.

Баҳоуддин Зикриёнинг хизматини қилиб, кейинчалик унинг ўрнига муршидлик қилади. Аммо риёкор сўфийлар хасад қилиб «вақт подшо»сига арз қилдиларки, Шайх Ироқий аксар вақтини шеър айтиш ва гўзал йигитлар билан суҳбатда ўтказди, у Шайхлик даражасига лойиқ эмас. Бу гаплардан огоҳ бўлган Ироқий Румга боради ва Шайх Садриддин Куниязвий суҳбатиға етишади. Шу нуқтада Алишер Навоий устози Жомийнинг «Ашиъат ул-ламаот» асари ёзилишига аниқлик киритади. Гап шундаки, Ироқий Куниязвий хизматида муридлар билан «Фусус» асарини ўқиб, файз олишарди. Иброҳим шу истимо - тинглаш асосида «Ламаот»ни битеди ва пирига беради. Тазкирада ўқиймиз: «Фусус» ўқийдур эрдилар, истимоъ қилдилар ва анинг истимои асносида «Ламаот»ни битеди ва Шайх назариға келтурди»<sup>60</sup>. Ҳазрат Навоий устози Жомий кўлида тарбия олаётганда, «Ламаот»нинг мутолаасига киришиб анча кийналиб қолади. Шунда муршиди Навоийнинг илтимоси билан «Ламаот» шарҳида «Ашиъатул-ламаот»ни ёзади: «... ва бу авқотда ҳазрати Махдуми Нуран бу хоксор илтимоси била ул китоб шарҳида «Ашиъа»ни битидиларки, мутолаа қилиб, маонидин файз олғайлар ва анинг анфоситин бу илмда билгайлар».<sup>61</sup>

Энди Шайх Ироқийнинг йигитга ошиқ бўлишига тўхталсак. Қайд этганимиздек, ишқ Навоий ижодининг асосини ташкил қилади. Соликнинг Оллоҳга ва умуман борликқа муносабатида ишқ ётади. Ишқ ваҳдатга олиб борувчи йўл, восита. Ваҳдат эса тасаввуфда ошиқ (яъни солик) билан ёр (худо) ўзаро бир-бирига сингишиб, бирлашиб кетиши, васлига етишидир<sup>62</sup>.

Ҳусн-чирой, гўзаллик, хушрўйликни англатади. Ҳамма нарсада ҳам ҳусн бор. Бироқ илоҳий ҳусн ҳам мавжуд. У Оллоҳга тегишли. Ҳақ яратмишлар орасида инсонни улуғ, табаррук қилиб

<sup>60</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том.- Т.: 1968. 174-бет

<sup>61</sup> Уша асар, 174-бет

<sup>62</sup> С.Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук.-Т.: 1992. 59-бет.

яратиб, онг, тафаккур бериш асносида ўз хусни, чиройидан ҳам берган. Яна-да тўғрироғи, илоҳий хусн инсонда мужассам килинган. Бу хусн, А.Абдуқодиров қайд этганидек, комил хусн бўлиб, сеувчи билан севилувчи орасида ҳеч қандай жинсга майл қолдирмайди.<sup>63</sup>

Айнан шу илоҳий, комил хусн эркакни эркакка ошиқ ва маъшук қилиши мумкин. Бунга Навоийда анча мисоллар бор. Инчунин, «Лисон ут-тайр»да тавҳид ва унинг шарҳида шоир шоҳ Маҳмуд ва Аёз ҳақида ҳикоят келтиради. Аёз таърифида Навоий уни «маҳваш», «нозанин», «гулчеҳр» дейди. Бу эса бизнинг тасаввуримизда қиз боланинг сифатлари. Аммо бадиий адабиётда машҳур бўлиб кетганидан ҳамда Фаридиддин Аттору Алишер Навоий сингари улуғ шоирларнинг қаламга олганлигидан ҳам билса бўладики, бу ҳикоят воқеаларида ҳеч қандай ғайриахлоқий муносабат ҳақида сўз юритилмайди.

1449 йил Ҳиротда вафот этган Мавлоно Ориф (иккинчи Салмон Соважий деб тан олинган) «Гўй ва Чавгон» деган машҳур асарини ёзган. Унда дарвеш навқирон бир шаҳзодани севиб қолиб, шу йўлда жон беради. Ёки, Бадриддин Ҳилолий «Шоҳ ва дарвеш» достонини ёзган. Бу асарда ҳам ўша ғоя кўтарилади, яъни дарвеш шоҳга ошиқ бўлади. Бирок, Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Бадриддин Ҳилолий ва унинг «Шоҳ ва дарвеш»ини қаттиқ қоралайди, унда кўтарилган ғояга салбий муносабат билдиради.<sup>64</sup> Менимча, Бобур шоҳ эди. У бу масалани шоҳ нуқтаи назаридан баҳолаган ва тахт ворисининг дарвешга ишқини қабул қила олмаган. Кўриняптики, тасаввуфдаги бу ошиқ-маъшуклик Оллоҳ ишқини ифодаловчи бир рамз. Зеро, ҳақиқий ёр олдида шоҳу гадо баробардир. Навоий асарларида «эр

<sup>63</sup> А.Абдуқодиров. Навоий ва ваҳдат ул-вуҷуд таълимоти. - Хўжад.: 1995. 34-бет.

<sup>64</sup> Бобур. Бобурнома.- Т.: 1960. 244-бет.

кишининг эр киши»га ошиқлиги тасвирланган ўринларда фақат ва фақат маънавий ишқ кўзда тутилган.

Шайх Иброҳим Ирокий учун ҳикоятда тасвирланган шаҳзода, «Насойим ул-муҳаббат...»даги қаландар йигит илоҳий ҳусн акс этган Оллоҳнинг зуҳури. У шаҳзодада илоҳий ишқ тажаллисини кўриб, ёқаларини чок этиб, унинг аёғига юзини кўяди. Шунинг учун Навоий мақолатда ёзади:

*Хусни ҳақиқийни гар ўтруда кўр,  
Хоҳ ани кўзгудаву, гар сувда кўр.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 196.

Мазмуни шуки, комил ҳусн – Оллоҳ жамоли хоҳ рўпарангда, хоҳ ойна-ю, сувда бўлсин ўзгармас ва боқийдир. Фоний дунёдаги барча гўзалликлар шу ҳусндан нишона.

*Ишқ сени қилса, Навоий, ҳалок,  
Пок эса ул ишқ, ўлумдин не бок.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 200.

Яъни агар Ҳақнинг пок ишқи шоирни ҳалок этса ҳам бу ишқ йўлида ўлим кўрқинчли эмас. Зеро, шоир учун поклик ишқ байроғи.

«Ҳайрат ул-аброр»даги ўн иккинчи мақолатда аҳли сўз маҳзанининг хазинадори, сўзга оройиш, сўзлашувчига осойиш етказувчи котиблар таърифланади. Қалам билан ишловчи котиблар иккига ажралади: макбул ва мардуд. Мардуд (лаънатланган)лар ҳам бир неча тоифадир: дорулқазо (қозихона) котиби, муфтийи ҳийлагар, девонхона котиби. Дорулқазо котиби ростни ёлғонга чиқариб, ўз қалами билан тўғрилиқ юзини юмдалайдиган, фисқ-фасод қилиб, сарвдай тўғри одамни гуноҳкорга айлантириб, ҳатто, пул бермаса ёлғиз ўтган Исо пайғамбарга тўққизта хотинни никоҳлашдан ҳам қайтмайдиган зот.

Муфтийи ҳийлагар макр билан хунукни чиройли, хатони савоб қилиб, Яратганни ҳам ўз гуноҳига шерик қилса, девонхона

котиби эса аъмолидан фойдаланиб, қалами билан оламини қорайтиради, одамларни куйдиради. Шубҳасиз, Навоийнинг танқиди ўзи яшаган тузумга ҳам қаратилган. Бу хил бемаъни кишиларнинг ишларини тартибга солувчи киши-шоҳ. Шоҳ эса гафлатда.

*Гофил ул ишдин шаҳи давлат паноҳ,  
Давлати аркони бўлуб ришвахоҳ.*

Ҳ. А. МАТ. Т.7. –Б. 227.

Мақбул котиблар мардудларга тамоман тескари. Уларнинг аввали-муншийлар. У гоҳида хат, гоҳида фармон битади. Фармонидан асири бенаволар шод, номасидан ошиқи беқарорлар хурсанд, гўё андалиб-булбулни гул орасидан топгандай.

*Номасидин тил топибон сўз насиб,  
Ўйлаки гул сафҳасидин андалиб.*

Ҳ. А. МАТ. 7. –Б. 228.

Шу мақбуллар қаламида Қуръони карим кўчирилади, таъриху ҳикоят, шеър у мақолат, ғазалу номалар битилади. Ҳадису тафсир ҳам, тазкираю шарҳ ҳам котиб қаламининг мўъжизаси. Навоий сўзи давомида Қуръони карим, ҳадиси шарифдан тортиб бир неча асарларни тилга олади. Булар орасида тасаввуф илми ва фалсафасига доир Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», «Қисас ул-анбиё», Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс-мин-ҳазарот ул-қудс», «Жавоҳид ун-нубувват» асарлари бор.

Хуллас, мақбул котиблар Оллоҳ марҳаматидан хурсандлик топиб, ҳамиша тўғри хатлар билан Ҳақ йўлга бошловчи пок инсонлар. Шоир тажнис ва такрор санъатини кўллаб уқтирадики, Яратган улар сафҳасига ўз накшини «тироз»лаб, сафҳасидан, яъни ҳаёти, умридан «саҳф» – хатони кам айласин.

*Ҳомасини сафҳа тироз айласун,  
Сафҳасидин саҳфни оз айласун.*

Ҳ.А. МАТ Т. 7. –Б. 231.

Агар қаламни Оллоҳ берган умр деб фараз қилсак, уни қандай ўтказиш котибнинг қўлида. Хўш, саҳфа бошида турган киши қайси йўлни танлайди? Танланган йўл мақсад сари, яъни Ҳақ сари олиб борадими? Мақолатда келтирилган Ёқут ва Шайх Сухравард ҳақидаги ҳикоят мана шу мақсадни аниқлашга хизмат қилади. Тасвирланишича, Шайх Сухравард фано боғида шуҳрат тутиб, нафсу ҳаво девига йўл бермай ҳақиқат осмонида юлдуз бўлган зот.

*Нафсу ҳаво девига бермакка тоб,*

*Авжи ҳақиқат фалакида шихоб.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 231.

Кунларнинг бирида у халифа Мустаъсим саройига йўл олади. Халифа уни кўп эъзозларди. Шайхни ўз ёнига ўтказди. Шу ҳолатни тасвирлашда Навоийга таносиб ва ташбеҳ санъати қўл келади. «Дурж», «бурж», «ахтар» сўзларини ишлатиб, уларни бир қутг ичидаги икки гавҳарга, осмон буржидаги икки юлдузга ўхшатади.

*Дурж бир эрди даги гавҳар ики,*

*Бурж биру устида ахтар ики.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 231.

Саройда Шайх одоб ила гапирар, шоҳ ва шаҳзодалар бош эгиб тинглашарди. Шу пайт пирнинг нигоҳи орқада ўтирган Ёқутга тушади ва ўрнидан туриб унга ҳурмат бажо келтиради. Ҳайратда қолган шоҳ:

«Эй аёғинга шоҳлар қуллик қилиб, фахрланувчи зот. У ким ва қандай мартабага эгаки, сен унга бу хил эҳтиром қиласан?» –, дея савол беради.

*Шайх деди: қайси битик иззу жоҳ,*

*Мундин ўтарким, анга бермиш илоҳ.*

*Ким бари мусҳаф битимақдур иши,*

*Уйлаки андоқ бити олмас киши.*

*Чун қилур ул ҳақ сўзининг зийнати,*

*Вожиб эрур бизга анинг ҳурмати.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 232.

Яъни қай бир ҳурмат, мартаба Оллоҳ берганидан юқори бўлиши мумкин. Ёқутга бу юксак мартабани Тангри берган. Унинг иши Қуръонни кўчириш, Оллоҳ сўзларига зийнат бергани боис бу зот таҳсинга лойиқ.

Ёқут–тарихий шахс. У араблар орасида шуҳрат қозонган котиб. Бағдодда Аббосий халифа Мустаъсим даврида яшаган. Қуръонни кўчиришда замонининг яқтоси ҳисобланган. Навоий айтмоқчики, аввало, ҳар инсон Ҳақ йўлидан юриб, ҳалол меҳнат, пок ният ва Ҳақ ёди ила худди Ёқутдай Оллоҳнинг марҳаматига эришсин. У ато этган мартабадан юксакроқ, улуғроқ «иззу жоҳ» изламасин. Иккинчидан, пок ва ҳалол кишилар авлиёлар тугул замона халифаларининг ҳам хизматида бўлишади. Учинчидан, замона шоҳидан кўра Қуръонни кўчирган хаттот пешроқ.

Энг муҳими, Ёқут мусҳафга зеб беришдан олдин ўз кўнглида, қалбида Оллоҳ ишқини зийнатлаган. Шу боис у «сурати хат» лутфидин шоҳга «ҳамнишаст» бўлди.

*Сурати хат лутфидин ул пок даст,*

*Бўлди қаламрав шаҳига ҳамнишаст.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 232.

Алишер Навоий хикоятда уч тарихий шахс–Аббосий халифа Мустаъсим, машҳур котиб–Ёқут ва Сухравардия сулукининг асосчиси Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафз Сухравардни тасвирлайди.

Ҳикоятдаги Шайх Сухравард Абу Нажиб Сухравардми ё Абул Ҳафз Шаҳобиддинми ёхуд Абдул–Аббос Сухравардми? Аввало, воқеа Мустаъсим халифа замонида бўлган. Бу халифа 1200–1268 йиллар орасида яшаган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, Абу Нажиб ас–Сухравардий 490\1097–536\1168 йилларда яшаган ва сўзсиз воқеага даҳл қилмайди. Шайх Абул–Аббоснинг яшаш тарзи, феъл–атвори ҳақида анчагина маълумот «Насойим ул-

мухаббат...»да учрайди. Аммо тазкиранинг бирор жойида Шайх Абул-Аббоснинг халифа билан учрашиши ёки шунга яқин воқеа учрамайди. Ўз-ўзидан гап бу шайх ҳақида эмас.

Шаҳобиддин Абу Ҳафз Умар Сухравард 539\1145 йилда таваллуд топиб, 632\1234 йилда вафот этган. Халифалик даври ва воқеотнинг саналари мазкур Шайх яшаган даврга тўғри келади. Демак, ҳикоятдаги Шайх Сухравард Шаҳобиддин Абу Ҳафз.

Сухравардия тариқати бошқа сулуқлардан анча фарқ қилади. Бу силсиланинг тамал тошини қўйган шайх Абунажиб Абдулқодир ибн Абдуллоҳ (490\1097–536\1234)дир. У Низомийна мадрасасида дарс бериб, Аҳмад ал-Ғаззолий хизматига боради. Ғаззолий унга илоҳий нафас бериб, тариқатга олиб киради, Абунажиб одамларни тарк этиб, дарвешликка ўтади. У муриду солиқларга атаб «Адаб ул-муридин» асарини ёзган. Унинг машҳур шогирдлари қуйидагилар: Абу Муҳаммад Рузбеҳон Бақлий Шерозий (606\1209 в.эт), Исмоил Қасрий (1193 й.в.эт), Умар ал-Бадлаий (1200 в.эт) ва Нажмиддин Кубро. Охириги икки шайх Хоразмда Кубравия тариқатига асос солган. Демак, Кубравия ҳам Сухравардиядан келиб чиққан экан.

Сухравардияни тўлиқ шакллантириб, бир бутун таълимотга айлантирган шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафздир. У илк тасаввуфий хирқа ва илоҳий нафасни Халиф ан-Носирдан олган. Шаҳобиддин Абу Ҳафзнинг шогирди Муборак Ғазнавий Ҳиндистонда Сухравардия силсиласини давом эттирган бўлса, тариқатнинг Панжоб ва Синдадаги илк тарғиботчиси Шайх Баҳоуддин Зикриё бўлган. Шайх Баҳоуддин Фахриддин Ироқийнинг пири, муршиди. Демак, Ироқий ҳам Сухравардия сулуқининг аъзоси.

Шайх Шаҳобиддин фугувват (жавонмардлик)даги «шадд» (боғланиш, боғламок) ҳолатини тариқатига олиб кириб, «Авориф ул-маориф» асарини ёзган. Ҳазрат Навоий мақолатда тилга олган «Маориф» ҳам худди шу асарнинг ўзидир. У сўфийларнинг

ҳукумат, давлат ишларига аралашинини маъқуллар, халқ манфаати йўлида улар билан муомалада бўлишни фойдали деб ҳисобларди. Бу унинг таълимотидаги биринчи ижобий томон. Иккинчидан, у мажозий ишқни тасаввуфнинг бошланиши, ҳақиқий ишқни эса хотимаси деб биларди. Бу гоё халққа манзур эди. Бундан ташқари, Шаҳобиддин Сухравард сўфийларнинг уйланиб, фарзанд кўришини ёқларди. Шу боис бу таълимотда «агар оила пок тугилса, Оллоҳга бўлган мухаббат ва Ҳақ васлига етишда монелик қилмайди» дея таъкидланарди. Шу сабабдан ҳам Сухравардия тариқати кенг тарқалган.

Сухравардиянинг ижобий томонларини Навоий ҳам ҳикоятда қайд этган. Кўрдикки, Шайх Сухравард халифа саройига боради. У билан суҳбатлашиб, нон-тузини ейди, унга йўл-йўриқ кўрсатади, халифанинг ёнида ўтиради. Ваҳоланки, бошқа тариқатдаги сўфийлар ҳалол ризқ ва Ҳақ васли деб бойларга, замона подшоларига ялинмаганлар, уларнинг дастурхонидан тановул қилишни ҳаёлларига ҳам келтирмаганлар. Шу ўринда Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг фақирона ҳаёт кечириб, сарватмандларга бир умр муҳтожлик сезмаганини эслаш жоиз. Гарчанд, Жомий уйланиб, бола-чақа кўриб, оила боққан бўлса-да, бу ҳеч маҳал Оллоҳни севиш ва унга содиқ қолишда халакият бермаслигини билган.

Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»даги котиблар ҳақидаги фикрларини «Махбуб ул-қулуб»да жамлаб, умумлаштиради. Унда ёзилишича, мақбуллар доим дилга ором бахш этиб, қовушолмай юрган дилларни вобаста, пайванд этади, мардудлар эса ўз густохлиги касофатидан бир нуктани қўймай «ҳабиб»ни «ҳабис», «мухаббат»ни «меҳнат» қилади. Навоий бундайларнинг манзили

«каламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун», – дейди.<sup>65</sup>

Демак, ҳеч бир калом, ҳеч бир иш, ҳеч бир мансабу мартаба Яратганинг айтганисиз бўлмайди. Ҳар қандай ҳолат, вазият, гузумда бўлсин калам Ҳақ сўзидан ўзгани гапирмаслиги шарт.

*Билки, Навоий, не сўз этсанг рақам,  
Ҳақ сўзидин ўзгага ургил қалам.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 232.

«Ҳақ сўзидин ўзга рақам урмаслик», айтиш мумкинки, Навоий учун қолган ёзилажак дostonларига бир асос вазифасини бажарган. Буни дostonларнинг мутолааси ҳам кўрсатади.

Инсонни Яратганидан ажратиб, Шайтони лаъин чангалига занжирбанд қиладиган куч–нафс. Жунайд Бағдодий таъбири билан айтганда: «Аллоҳ билан банда ўртасидаги тўрт денгизидан бири нафс. Нафс–ёмонликни буюрувчи учгучидир. Эр улдурки, уни ўлдургай»<sup>66</sup>. Тарикатда агар солиқ нафсини ўлдирмаса, унинг кўнгли тирик деб ҳисобланмаган. Тирик бўлмаган кўнгил эса Ҳақни англамайди. Шу боис тарикатга кирган мурид аввало, ўз нафсини енгиши шарт бўлган. Шайх Иброҳим бин Довуд Раққо айтади: «Одамларнинг зўри улдурки, нафс устидан ғолиб келгай, нафсини ўлдирса, бас, ул киши фариштадан афзалдир»<sup>67</sup>.

Барча ёмон иллатлар – кибру ҳаво, худнамолик, манманлик, лаъқатсизлик нафснинг меваси. Дунё зеб–зийнатига ошуфта, на Оллоҳни, на дину эътиқодни биладиган, нафсига забун олифталарнинг кирдикори–ю, уларга батамом тескари диндан қувват олиб, Ҳақ муҳаббати ила яшаган зотларни Алишер Навоий «Хайрат ул–аброр»нинг ўн олтинчи мақолатида тилга олади.

<sup>65</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 13-том.-Т.:1967. 22-бет  
<sup>66</sup> Ф.Аттор. Таъкиратул-авлиё.-Т.:1997.93-бет.  
<sup>67</sup> Уша асар, 108-бет.

Нафсига забун бу хил кишиларни кибр зулм чўққисига қоплондек чиқартириб, халқдан узиб қўйган. Кибр уларнинг қулоғида зирак, манманлик, шайтонийлик бошида тож.

*Кибр этибон эл била феълин дуранг,  
Куллаи зулм ичра нечукким паланг.  
Кибр ила ҳар сори гириҳ қошига,  
Ўзга тафаръун солибон бошига.  
Ужб ила ҳар қоши учида гириҳ,  
Ўйлаки ҳар ён қулоғида зирин.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 267.

Бу зотлар жуда иззатталаб. Уларнинг киядиган тўни хитойи матодан бўлмаса, дастрўмоли атрофига зарбоф урилмаган бўлса, дили ўксийди. Бу ҳам етмагандай улар ичкиликсиз яшай олмайди. Икки пиёла май уларни мисли йўқ паҳлавонга айлантириб, гўё киличи ойнанинг темир қалпоғига тегадиган, гурзиси Баҳромнинг бошини янчадигандай. Ўша лаҳзаларда уларнинг кучи олдида филнинг пашшача жони йўқ, аждаҳо мисоли бир пайса ипак. Бу қадар манманликнинг, гердайишининг асоси–нафс.

*Мунча анонияту пиндор анга,  
Ким берибон нафси ситамкор анга.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 271.

Алишер Навоий бу иллатнинг асосини топган бўлса, уни йўқотиш йўлларини ҳам кўрсатади. Кўнгулдаги барча жузъийликларни фано ўтида қуйдириш, хирсу ҳавас хилъатини чок этиб, танни ризо чашмасида пок этиш, ўзни Ҳақ йўлида, унинг динида «руст» этиш ва Тангри таоло ризолигига сазовор бўлиш. Шоирга жонини жононидан аяган ошиқлар керак эмас.

*Кимгаки жонондин эрур жон азиз,  
Ҳайфки қилгай ани жонон азиз.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 275.

Шу тахлит Навоий худнамо олифталарни танкид қилиб, фикрларининг исботи тарзида ҳар юмушни фақат Оллоҳ учун қиладиган «уламанинг шаҳаншоҳи» Абдуллоҳ Муборак Марвазий ҳақида ҳикоят келтиради.

Воқеа Ҳасан Рабиъ тилидан ҳикоя қилинади. Ислом лашкарлари билан куффорлар орасида қаттиқ жанглар бораётганда, бирдан «ажал ханжари»дек бир қотили куффор жангга киради. Бундан ислом лашкарлари чўчишиб, орқага тисарила бошлашади.

*Кофири қотил чу забардаст эди,  
Ҳар киши бир зарбасидин паст эди.  
Неча мусулмонни чу қилди шаҳид,  
Бўлмиш эди дин чериги ноумид.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 277.

Шу пайтда кийикка ташланган шердек бир «далер» юзига ниқоб тортиб, уруш майдонига киради. Душманга етган замон бир ҳамлада уни ўлдиради. Қай ҳолатда жиҳодга кирган бўлса, яна шу зайлда майдонни тарк этади. Ҳасан Рабиъ шавқу изтироб ила унга етишиб дейди:

*Ўлгум ўшул чехра ҳавоси учун,  
Бурқанинг оч тенгри ризоси учун.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 278.

Ниқоб олингач маълум бўлдики, бу «иззу шараф» тожининг гавҳари Абдуллоҳ Муборак эди. Ҳасан ундан нега чериклардан юзини беркитиб, ўзини танитмай жангни тарк этгани ҳақида сўраганда, Шайх жавоб беради:

*Деди Ҳасан: айламагил ижтиҳод,  
Улки анинг ишқиди қилдим жиҳод.  
Жумлаи ҳолимдин эрур огаҳ ул,  
Қайси қадам урсам эрур ҳамраҳ ул.  
Тониса улким, манга мақсуд эрур,*

*Тонимаса олам эли суд эрур.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 278.

Яъни эй Ҳасан, кўп ўзингни уринтирма. Мен Ҳақ учун жанг қилдим. Чунки ҳар ишда мададкорим, ҳар жойда ҳамроҳим, шафқатли, меҳрибоним Оллоҳ. Мени фақат У таниса бас, зеро «ёри» иши доимо махфий тугилади.

*Ҳар киши коме тиласа ёрдин,  
Ёри иши махфий керак агёрдин.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 278.

Хўш, Абдуллоҳ Муборак Марвазий ким? Нега у тасаввуф оламида бунчалар машҳур? Бу шайхнинг қай жиҳатларини Навоий тилга олган?

Шайх Муборак ҳақида тўлиқ маълумот Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат...» тазкирасида учрайди. Маълумки, шоир бу тазкирани тузишда устози, муршиди Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс-мин хазаротул-қудс», Абдурахмон Сулламийнинг «Табакоти суфия», Абдуллоҳ Ансорийнинг «Табакоти суфия», Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарларига суянган. Бу ҳақда тазкиранинг киришида ёзади: «То тарих тўққуз юз бирдаки, ул китобнинг таълифидин йигирма йил ўтуб эрди (яъни, Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс...»идан кейин-Ғ.Н) тенгри таоло тавфиқи бирла бу улуғ ишга илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум ва Ҳазрати Шайх Фаридуддин Аттор қуддиса оллоҳа сирриҳа битиган «Тазкират ул-авлиё»дин баъзи қибори машойихким, «Нафаҳот ул-унс»ға дохил бўлмайдур эрди, ҳар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим»<sup>68</sup>. Демак, Навоий Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сида зикр этилган, аммо Жомий тазкирасига кирмай қолган шайхлар ҳақидаги маълумотларни саралаб ўз асарига киритган. Ана шундай муносиб

<sup>68</sup> Алишер Навоий. ТАТ,15-том.-Т.:1968.66-бет.

равишда «Насойим ул-муҳаббат...»га дохил қилинган шайхлардан бири Абдуллоҳ Муборакдир. Бу ҳақда тазкирада ўқиймиз: «Анинг манокби зикри тилагон киши ҳазрат Шайх Фаридулдин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сида тиласунки, вофий битибтур».<sup>69</sup> Абдуллоҳ Муборак Марвазий хижрий 118 (мил.736–737)йида Марвда туғилган. Қози Абулғани Абдуллоҳнинг фикрича, унинг отаси хоразмлик бўлган. Болалиги уммавийлар даврига тўғри келган. Араб тили, муқаддас Қуръон, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам ҳадислари бўйича илк таълимни Марвда олган.<sup>70</sup> Унинг дастлабки устози Марв қозиси Юнус бин Нофеъ ал-Хуросоний, кейингиси тобеъин Ал-Рабиъ бин Анас бин Зиёд ал-Бакрий бўлган. 23 ёшида Кўфада ҳанафий мазҳаби асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифа ал-Нуъмон ҳузурда фикҳ илмини эгаллаган. Ўз даврининг энг зўр кироатхони Абу Ашр бин ал-Алоал-Мозинийдан кироат сирларини ўрганиб, Мадинада моликий мазҳаби асосчиси Малик бин Анасдан фикҳ соҳасидаги билимларини такомиллаштирган. Демак, Абдуллоҳ Муборак икки мазҳабнинг пешволаридан таълим олиб, ўз ҳаётида икки мазҳабни жипслаштирган.

Абдуллоҳ Муборак илк муҳаддис сифатида ҳам мусулмон оламида машҳур. У ҳадисларни қоғозга ёзиб, китобларга жам қилиш тарафдори сифатида катта иш олиб борган. Ўзи такво ва покизалик бобидаги ҳадисларни йиғиб «Китоб ур-рақоик» яъни «Нозик иборалар китоб»ини ёзади. Бу билан у деярли бир аср мобайнида давом этиб келган «Ҳадисларни фақат ёдда сақлаш лозим», деган тушунчага барҳам берган. Абдуллоҳ Муборакдан кейин Исҳақ ибн Роҳвайҳал-Марвазий (Имом Бухорийнинг устози) 6 жилдик муснадни, сўнгра эса Имом Бухорий, Имом Тирмизий ўз «сахих»ларини таълиф қилганлар.<sup>71</sup>

<sup>69</sup> Алишер Навоий. ТАТ. 15-том. - Т.: 1968. 76-бет.

<sup>70</sup> Қози Абулғани Абдуллоҳ. Муҳаддислар сарвари. Ўз.АС. 1997. 9 февраль.

<sup>71</sup> Қози Абулғани Абдуллоҳ. Муҳаддислар сарвари. Ўз.АС. 1997. 9 февраль.

Абдуллоҳ Марвазий фикҳшунос, муҳаддис бўлиш билан бирга, машҳур саркарда ҳам бўлган. У саркардалик вақтларини Византия ва у билан чегарадош жойларда ўтказган. Кўпгина уламолар агар Абуллоҳ Марвазий саркарда бўлиб, умрини жанггоҳларда ўтказмаганда, албатта бир мазҳабнинг асосчиси бўларди, дея таъкидлашган. Умрининг охириги йилларини ҳам Марвазий Турсух харбий истехкомида ўтказган. У ердан қайтгач, сахрога яқин Хитт шаҳрида яшаб, 181 (826 мил) ҳижрий йилнинг рамазонида 63 ёшида вафот этган.

Демак, Навоий ҳикоятда тасвирлаган жанг воқеаси ҳам, Абдуллоҳ Муборакнинг саркардалиги ҳам манбаларда қайд этилган ҳақиқатдир. Навоий бундан боҳабар бўлган ва «Насойимул-муҳаббат»да бу жиҳатга алоҳида урғу берган. Тазкирада ўқиймиз: «Ани уламонинг шаҳаншоҳи дер эрмишлар. Вужуд шужаотида (жасурлик, довюраклик, мардликда – Ғ.Н) замонининг яғонаси эрмиш ва тариқат асҳобининг муҳташами. Ва бу қавм машойихи кўпининг суҳбатиға мушарраф бўлубтур ва машҳур тасонифи бор»<sup>72</sup>.

Барча тоатнинг аввали – тавба. Инсон қилган гуноҳи учун пушаймон бўлади ва уни қайта такрорламаслик учун тавба қилади. Тавба–қайтиш, яъни олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Унда солиқнинг нияти, мақсади аёнлашади. Шунинг учун тавбани «бобул–абвоб»–эшиқларнинг эшиги, дейдилар. Шариат манъ этган ишлардан юз ўгириш, ёмон ахлоқий сифатлардан ҳамида сифатларга қайтиш тавбага киради. Сўфийлар ҳар хил ҳолатларда тавба қилиб, Оллоҳдан бегоналикни ташлаб ошноликка, узокликдан яқинликка сари қадам қўйганлар. Шу боис Хожа Ориф ар-Ревгарий «тавба–дин туғи», деб бежиз таъкидламаган.<sup>73</sup>

<sup>72</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том. -Т.:1968.75-бет

<sup>73</sup> Хожа Ориф Ревгарий. Орифнома. - Т.:1994. 5-бет.

Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сига суяниб Навоий Абдуллоҳ Марвазийнинг канизакка ошиқ бўлиш воқеасини келтираркан, асосий фикрни нафс ва уни енгиш масаласига қаратади. Бир куни у ойрухсор канизакка ошиқи беқарор бўлиб, тонг отгунча маъшуқа девори олдида туради. Қиш эди. Ўша кеча саҳаргача қор ёғади, аммо ошиқ бундан беҳабар. Бомдод айтилгач, у ўзига келиб, аҳволидан воқиф бўлади. Тазкирада ўқиймиз: «Саҳар намозин айтурда ул хуфтан соғинди. Кундуз бўлгондин сўнграки ул ҳолға воқиф бўлди. Ўзига дедики: Эй Муборакнинг номуборак ўғли, уёт санга бу авқотдинки, агар имом намозда бир сурани узунроқ кироат қилса, ториқиб, телбаланарсен. Ва мунунгдек кеча нафсинг ҳавосиға тонг отқунча мундоғ азоб тортарсенки, суубатидин хабаринг йўқтур. Кўнгли бу дардин бузулди ва бори ишдин тавба қилди ва сулукка машғул бўлди. Иши ул ерга еттики, Маккадин Мадинаға дегинча маҳофасин ашроф эгинлариға кўтариб элтурлар эрди»<sup>74</sup>. Демак, Шайх Муборак ўз нафсининг балосидан уялиб, тавба қилади ва бу ўзгариш уни шу даражада машҳур қиладики, Маккадан Мадинагача бўлган масофада муриду-ихлосмандлари уни қўлларида кўтариб борганлар.

Абдуллоҳ Муборакнинг сўфийлик тариқатидаги шухрати ўзи тирик вақтидаёқ кўп юртларга ёйилган. Ал-Абшаҳийнинг «Ал-Мустатраф» асарида ёзилишича, Шайх бир гуруҳ муридлари билан ҳаж сафарига чиқади. Йўлда бир тул хотин ва унинг беш етим боласини кўради. Тўплаган ақчаларини ўша аёл ва унинг сағирларига беради. Эвазига Оллоҳ унинг ҳаж ниятини ижобат қилади.

Демак, Шайх Муборакнинг асл мақсади Ҳақ васли. Ўзини танитмай, юзига ниқоб тортиши ҳам «ёр» васли йўлида қўйилган

<sup>74</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том.-Т.:1968. 75-бет.

қадам. Шайхнинг (Навоийнинг) фикрича, сипоҳий, черикларга кўз-кўз қилиб, жиҳодга кириш ва уни енгач бошқалардан олқиш эшитиш ҳам нафс белгиси. Шу боис Навоий «ёр» ишини ҳаминша ағёр-душмандан махфий тутишни истайди.

*Тенгри Навоийга етургай жазо,*

*Кофири нафси била қилса газо.*

Х.А. МАТ. 7. –Б. 278.

Яъни агар Навоий ёр ишини ўзгалардан махфий тутиб, нафсини тиймаса, Тангри унга ўз жазосини берсин.

Достондаги ўн олтинчи мақолатнинг етакчи ғояси-нафсни енгиш, кўнгилни поклаб, Яратган олдида қилган гуноҳларига иқроор бўлиш. Шайх Абдуллоҳ Муборак ҳақидаги ҳикоят ҳам, «Насойимул-муҳаббат..»да Муборак Марвазий тўғрисидаги маълумотлар ҳам мақолатдаги асосий ғоя билан ҳамоҳанг, вобастадир. Гарчанд, «Насойим ул-муҳаббат» тазкираси «Ҳайрат ул-аброр»дан анча кейин яратилган бўлса-да, иккала асардаги воқеалар Шайх Муборак Марвазийнинг сўфийлик даражаси ва мавқеини намоён қилади.

Хуллас, Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да яратган сўфийлар тимсоли ўзи ва ўзгаларни бахтли қиладиган фозил, комил инсондир. Биз юқорида таҳлилга тортган мақолатлар ва улардаги бир-биридан теран, гўзал ҳикоятларда Навоий ўзининг бой, кенг ва чуқур ҳаётий кузатишларини (мушоҳадаларини) сингдиради ва мукамал инсоннинг ахлоқи, фазилат ва сифатлари қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб беради.<sup>75</sup>

<sup>75</sup> Ойбек. Навоий гулшани. - Т.: 1967. 32-бет.

## ХУЛОСАЛАР.

1. Тасаввуф Навоий ижодида катта аҳамият касб этади. «Хамса» дostonларида восита сифатида келган тимсоллар таснифотида сўфийларнинг дostonлар асосига боғликлиги ва уларнинг келиб чиқиши, тасаввуфдаги макъеи ҳисобга олинди. Бундан ташқари, Навоийнинг муршиди Абдурахмон Жомий ва Хожагон-Накшбандия тариқати пирлари алоҳида боб ҳолида таҳлилга тортилди.
2. Дostonларнинг анъанавий кириш бобларидаги сўфийлар талқинида Навоий Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавийга фақат сўз санъаткори сифатида баҳо беради ва манокиб, тазкираларда зикр этилган уларнинг сўфийлик жиҳатларига тўхталмайди. Бутун бешлик давомида эса Жомийнинг бир неча сўфийлик хислатларини босқичма-босқич тасвирлаб, «Садди Искандарий»да унинг комил авлиёлигига урғу беради.
3. «Сўфийлар-ҳикоятлар қаҳрамони» фаслчасида «Ҳайрат ул-аброр»даги олги мақолат ва уларга илова қилинган хикоятлардаги етти сўфий тимсоли тадқиқ этилди. Булар-Боязид Бастомий, Иброҳим Адҳам, Робия Адвия, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Фахриддин Ироқий, Шайх Абу Ҳафз Сухравард, Абдуллоҳ Муборак. Айтиш жоизки, шоир ҳар бир мақолатга алоҳида масала қўйиб, ҳал қилиш йўлларини тезис шаклида кўрсатиб, бир-биридан гўзал тарихий сўфийлар сиймосини яратади. Бу масаланинг юзаси, сирти. Чуқурроқ қаралса, «Хамса»даги, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр»даги бирор-бир боб иккинчисидан ажралмаган, бир-бири билан боғлиқ. Шу боис тадқиқотда ҳар бир мақолат ва ундаги хикоят вобасталикда таҳлилланди.
4. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да масалани қўяди ва йўл кўрсатади. Жумбоқнинг тўла ечими эса «Хамса»нинг қолган дostonларида. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»нинг учинчи

мақолати ва унга илова этилган хикоятда шоир ростлик, ҳалоллик ва унинг аҳамияти тўғрисида сўз юритади. Худди шу масалани Навоий «Садди Искандарий»да тўлдиради, кенгайтиради ва хулосалайди.

## ИККИНЧИ БОБ

### РАМЗИЙ СИЙМОЛАР

Алишер Навоий «Хамса»си чексиз бир уммон. Унинг сирру-синоати бисёр. У муайян бир фикр ёхуд воқеа тафсилотини китобхонга етказиш учун уни «парда»га ўрайди ёки маълум бир шахс номидан ўша воқеага ишора қилади. Бу шахс пайғамбар ёки ўзидан кечган Ҳақ ошиғи, ёхуд моҳиятида пирлик жиҳатлари акс этган кишилар ҳам бўлиши мумкин. Достонлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳикоятлардаги рамзий сиймолар уч гуруҳга бўлинади. Булар—муршидлик, раҳнамолик фазилатлари акс этган пайғамбарлар; пир сифатида талқин этилган тарихий шахслар; моҳиятан тасаввуфлашган сиймолар.

Ҳазрат Навоий Хизр алайҳиссалом ва Айюб алайҳиссаломнинг муршидлик жиҳатларини, тарихий шахс Сукротнинг йўлбошчилик хислатларини улуғлайди. Бундан ташқари, шоир «Ҳотами Тоий ва ўтинчи чол» ҳикоятидаги чол, «Қонё ва томеъ»даги қонё, «Искандар ва чол»даги чол, «Ғофил йигит ва воқиф пир»даги пир, «Гадо ва шоҳ» ҳикоятидаги гадо образларига ҳам тасаввуфий маъно юклаб, асосий ғояни янада чуқурроқ, теранроқ очиб беришга ҳаракат қилган.

#### 2.1. Пайғамбарларнинг сўфийлик

##### фазилатлари

Шарқ адабиётида пайғамбарларнинг ҳаёти, яшаш тарзи ва феъл-атвори барча инсонлар учун намуна бўлиб келган. Уларга бағишлаб алоҳида-алоҳида асарлар, манокібу рисоалар битилган.

Алишер Навоий пайғамбарлар тарихини мукамал билган. У «Хамса» достонларининг аввалида Оллоҳга ҳамду сано ўқиб, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам шаънига наът келтирса, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида пайғамбарларнинг ҳаётига оид маълумотларни баён этиб, қисқа тўртликлар ҳам илова қилган.

Одамларга яхшилик қилиш, уларга наф келтириш Навоийнинг табиатида бор эди. Ҳақ таоло барча инсонларни бирдай яратган бўлса—да, уларнинг ичидан саховатпеша, фойда келтирувчиларни гавҳардай азиз қилган. «Ҳайрат ул—аброр»нинг ўн учинчи мақолатида айни шу фазилат эгалари қаламга олинади.

Нафъ келтирувчи зотларнинг меҳри худди қуёш, ўзлари тонг каби сербаракат, кўнгуллари дуру садафлар кони, қалблари шам мисол ёритувчи, шиорлари инсонларга фойда келтириш. Улар қанчалик кўп яхшилик, эзгулик қилса, Оллоҳ уларнинг ўзига шунча кўп илтифот қилади.

*Нафъ етурмакка шиор айладинг,*

*Ўзунгга ул нафъни ёр айладинг.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. —Б. 234.

Ёмонлик—пасткашлик нишонаси, лов этиб ёниш оташга хос. Аммо пасткашликдан киши фойда кўрмайди, лов этиб ёниб, тезда ўчадиган оловдан эса бадан исимайди. Ёмон хислатли одамлар худди иссиғи йўқ оташга ўхшайди. Бу кимсалар оддий тошни лаъл, садаф синиқларини инжу, нинани найзанинг учи, оддий арқонни илон деб биладилар. Навоий бу турфа инсонларни ёруғликни кўрмайдиган кўршапалакка менгзитади. Наф, эҳсон кишилари гавҳари покдай ҳеч вақт қийматини йўқотмайди. Бу чаман яралишидан мақсад инсон эди. Инсонлар орасида кўп машаққат чеккан комил зот — Муҳаммад пайғамбардир. Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг ҳам асосий мезони наф эди. Шу боис инсон Навоий наздица, шу расул уммати бўлганига шукр қилиши керак. Хўш, шукр нима?

Одамларга фойда етказиш, саховат камарини узун қилиш шукрдир.

*Шукр недур — нафъ фузун айламак,*

*Базл камандини узун айламак.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. —Б. 239.

Демак, наф етказиш пайғамбар ва унинг умматларига хос экан, фойда келтиришнинг шартлари ҳам бордир? Бор. Эҳсон қилиш ва бундан орланмаслик. Агар одамнинг мол–мулки оз бўлса, унда тили, яъни сўзи билан эҳсон қилиши керак.

*Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлуб,*

*Сўз била ҳайвон деган инсон бўлуб.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 239.

Агар одам бошқаларга сўз билан наф етказа олмаса унда унинг кўнглида андешаси бўлсин. Андешасизлар шоир наздича, «гўркану ғосилу жаллод эрур». Зикр этилган сифатлардан «марғуброк» юксакроқ жиҳат ҳам бор. Бу - тамаъ қилмаслик. Мазкур хислат пайғамбарлар ва Ҳақ ошиқлари – сўфийларга хос. Чунки улар ҳар қандай олқишни Ҳақ йўлидан оздирувчи нафс белгиси деб ҳисоблаганлар. Мана шу фикр исботи учун Навоий булутни чумолига, гулни шамолга, мушк шишасини супургига қарши кўяди, яъни тазод санъатидан фойдаланиб ёзадики, булут ўз топганини халқ устидан сочади, шу боис у энг баланд жойдан ўрин олган. Чумоли бир умр одамлар сочган донни ташигани учун унинг иши гўрга кириб чиқиш бўлди. Гул доимо одамларга хушбўй ҳид тарқатиб, завқ бағишлайди. Шу жиҳатдан Оллоҳ унга янги–янги барг ва ғунча бераверади. Шамол гулнинг япроқларини ҳар ёнга сочгани боис у доим дарбадар, хору зордир. Мушки анбарни ўзида сақлагани учун шишани одамлар авайлаб токчада сақлашади, супургининг хизмати йиғиш, тўшлаш бўлгани учун унинг ўрни эшик орқасидир. Агар киши беминнат, чин кўнглидан ширин каломлик билан фойдали иш қилса, Навоийча, булар «башар хайлининг инсони», «одамилар одами»дир.

*Они башар хайлининг инсони бил,*

*Одамилар одамиси они бил.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 242.

Хуллас, мақолатдаги инсон одамларга беминнат фойда келтирадиган саховатпеша. У барча яхши ва ёмон ишларни Ҳакдан деб билиб, бориға шукр, йўғига сабр қилади. Зеро, нафи эҳсон, саховат, ширин муомала ҳам шукрнинг белгисидир. Мақолатда келтирилган Шайх Айюб ҳақидаги ҳикоятда Ҳак йўлидан тойган банданинг тавба қилиб, яхшилик сари кадам қўйиши тасвирланади.

Ёзилишича, Айюб Оллоҳ ишқидан маст, жисми шамъға ҳамдаст, яъни жисми шамдек ишқ ўтида куйган.

*Бир кеча Айюби халаф масти роз,  
Тўкар эди шамъдек ашки ниёз.  
Ашк дури баҳрига побаст эди,  
Куймак аро шамъға ҳамдаст эди.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 243.

Навоий унинг уйини тилла, жавоҳирлар солинадиган қутичага, ўзини эса қути ичидаги энг тоза дурга ўхшатади.

*Хилватида маскани бир бурж аро,  
Дурри самин ўйлаки бир дурж аро.*

Ҳ. А. МАТ. Т. –Б. 243.

Бу бир ўқиганда кўзга ташланадиган маъно. Иккинчи маъноси шуки, унинг уйи Оллоҳ даргоҳи, бутун борлиғи, хонумони ҳам Оллоҳ. Яратганининг карами кенг, унинг саройида дурдай тоза, покдомон зотлар бисёр. Ҳакнинг халафи – Шайх Айюб ҳам шундай зотлардан биридир. Халаф тоат–ибодат қилиб, тунни тонгга улайдиган кечаларнинг бирида «кисабури нақбзан» унинг уйини тешиб, ўғрилиққа киради. Айюби покдомон буни сезса ҳам эътибор бермай, саждасини давом эттираверади. Ўғри ҳам уйдан нимаики топди–йиғди, боғлади. Қайтиб тешиққа кирмоқчи эди–сиғмади. Шу ерда Навоий «сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар

думига» мақолини келтиради, яъни ирсолу—масал санъатини кўллайди.

*Тор уни сичқонга солиб эрди гам,  
Қуйруқига боғлади гарбол ҳам.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. —Б. 244.

Буни кўрган Шайх Айюб ўрнидан туради—ю, эшикни очади.

*Кўрди чу Айюбки ожиздур ул,  
Кўпти эшик очтию кўргузди ул.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. —Б. 244.

Ҳам муболаға, ҳам ташбехдан фойдаланган шоир ўғрининг бу ҳолдан мутаҳаййиру лол бўлиб, наъра тортиб йиғлаганини селга қиёслайди.

*Наъра чекиб сел киби тўкти ёш,  
Шайх аёғига фидо қилди бош.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. —Б. 244.

Хуллас, Шайх Айюб ўғрига тўғри йўл кўрсатиб, уни тарбиясига олади.

Хўш, Навоий нима демокчи? Нега у айнан пайғамбар Айюб образига мурожаат қилди?

Қуръони Каримда ёзилишича, Айюб пайғамбар асли Рум мамлакатидан бўлган. Серфарзанд, бой—бадавлат яшаган. Аммо бошига бирин—кетин оғир кунлар тушиб, мол—мулкидан ажралган—қаноат қилган, болалари бирин—кетин нобуд бўлган—сабр қилган, соғлиги ёмонлашиб, оғир хасталанган шикоят қилмаган. Лекин айрим нопок кимсалар «бу кўргуликларни Худо унга ёмонлиги, гуноҳқорлиги учун берди», деган маломатларни қилишгач, унинг сабр—қосаси тўлиб, Оллоҳга илтижо қилади. Марҳаматли Тангри Таоло унга бор—будини яна қайтариб беради. «Анбиё» сураси 83—оятда ўқиймиз: «Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: «(Парвардигорим), мени бало ушлади. Ўзинг раҳм—шафқат қилгувчиларнинг раҳмлироғидирсен», деб илтижо қилган пайгини

(эсланг). Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилиб, ундаги зиён-заҳматни кеткиздик ҳамда Ўз хузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб, барча ибодат қилгувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб (Айюбга) аҳли-оиласини ва улар билан қўшиб яна ўшаларнинг мислича бола-чақа ато этдик.<sup>76</sup> Мазкур оятдаги «барча ибодат қилгувчиларга эслатма-ибрат бўлсин» сўзларининг маъноси шуки, бошларига оғир кунлар тушган инсонлар Айюб алайҳиссалом сингари сабр-қаноат қилсалар, албатта, Оллоҳ уларнинг мушкулларини осон, балоларини даф, неъматларини аввалгидан ҳам зиёда қилади. Демак, Айюб пайғамбар сиймоси адабиётимизда сабр-тоқат, қаноат тимсоли бўлиб кирган. Фикримиз исботи Аҳмад Яссавийнинг «Фақрнома»сида. Унда фақирнинг саккиз мақоми-тавба, ибодат, муҳаббат, сабр, шукр, ризо, зухд, орифлик тилга олиниб, сабр мақоми ҳазрати Айюб алайҳиссаломдан қолгани таъкидланади.<sup>77</sup> Демак, Навоий ҳам муқаддас Қуръонга суяниб, пайғамбар Айюб тимсолининг набийлик жиҳатларидан бошқа яна пир-муршидлик сифатларига ҳам алоҳида урғу беради. Ҳикоятда Айюб фақатгина «халаф» эмас, пир, йўл кўрсатувчи комил инсон ёхуд, шоир айтганидек, «одамилар одами»дир. Ҳикоятнинг тасаввуфий талқини шундай: қалб кўзи кўр, одамларга нафи тегмайдиган, тили ҳам, кўнгли ҳам саховатдан бебахра ўғри (мурид) ўғриликка киради, яъни муршидга бўйсунди. Лекин у тариқат, маърифату ҳақиқатдан бохабар бўлиши учун тавба қилиши керак. Шайх Айюбнинг эшик очиб, йўл кўрсатиши ўғрининг тавбасидир.

*Ончаки бироҳлик ул кўргузуб,*

*Шайх бу янглиг анга йўл кўргузуб.*

Х. А. МАТ. Т. 7. –Б. 243.

<sup>76</sup> Қуръони карим.-Т.:1992. 292-бет.

<sup>77</sup> Аҳмад Яссавий. Фақрнома.-Т.:1992. 18-бет.

Йўл–рамз. У тариқатга бошлаш ва Оллоҳни таниш йўлидир. Мурид бу йўлда пирга эҳтиёж сезади. Тариқат йўлини босишдан олдин муриднинг жисмида бир ўт пайдо бўлади ва бу оташ ўзини ва ўзлигини куйдиради, нафсидан халос қилади.

*Жонига бир ўт солибон сўзу дард,  
Ким куюб андин фалаки ложувард.  
Эгнидаги юкни бу ўтга уруб,  
Ўзлугининг ҳам юкни куйдуруб.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 244.

Солик муршид раҳнамолигида сулукка киргач, пир унга фақирлик хирқасини кийдиради. Бунда энди соликнинг ўзлигидан ному нишон қолмай, маҳв бўлади.

*Куйди сулук ўтига жони анинг,  
Ўйлаки, маҳв ўлди нишони анинг.  
Ўзлуки чун куйди нечукким хасе,  
Топти ул ўт бирла ёруғлик басе.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 244.

Яъни унинг (ўғрининг) жони сулук ичра куйди, маҳв ўлди, демакки, ўзлиги (нафси) ҳам хас каби ёниб, шу ўт бутун борлиғига ёруғлик берди. Такрор ва таносиб санъатини ишлатган шоир айтмоқчики, гуноҳкор ғофил покдомон соликка айланди. Навоий Шайхни комил инсон деб тилга олади ва ўзига ҳам шундай бир пир учрашини, унинг этагига илик уришни истаб қолади.

*Комил анга берди чу бу парвариш,  
Айлади бир авф била мунча иш.  
Нетти Навоий кўюбон телбалик,  
Сен доғи урсанг бир этакка илик.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 244.

Бу мисраларда шоир бир пирга зорлигини айтганми? Йўқ. Бу пайтда у шайхул–ислом Абдурахмон Жомийнинг муриди бўлган ва

ундан тариқат сир-синоатларини ўрганган. Бу сатрларда менгича, шоирни «телбалик»дан осойишталикка етаклаган пири муридид Абдурахмон Жомийга Навоийнинг пинҳона бир таъзими, алқови бордай. Хикоят сўнггида шоир талмеҳ санъатидан фойдаланиб, кўнглидаги илинжини изҳор этади. У ёзади: умрим Нух пайғамбардай бўлмаса-да, сабрим Айюбчадай бор! Ҳақ таоло густоҳликларимни кечириб, васлига восил қилармикан?!

*Бот бўлу бир жом ила еткур футуҳ,*

*Сабр эса Айюбча йўқ умри Нух.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 245.

Шу ўринда ўринли савол туғилади. Айюб ҳақиқатан ҳам пайғамбарми ёки шайх? Хикоятдаги «силсила», «шайх» каби сўзлар шу сўровнинг туғилишига сабаб бўлади. Аммо манбалардаги қайдлар ва воқеанинг асл моҳияти Айюбнинг пайғамбарлигини тасдиқлайди. Аввало, Навоий уни халаф ўринбосар деб тилга олади. Бу ердаги халаф қайсидир Шайхга эмас, Ҳақ таолога нисбатан ўринбосарлик маъносида қўлланган. Ҳар қандай улуғ сўфий Оллоҳнинг суюкли бандаси бўлиши мумкин. Аммо Ҳақнинг ўринбосари бўлолмайди. Иккинчидан, Навоий Айюб ва Нух исмларидаги талмеҳ санъати орқали, умри Нухчалик бўлмаса ҳам сабри Айюбдек мустаҳкамлигини уқтиради. Худди шу фикрнинг ўзи «Факрнома»да ёзилган сабр мақоми Айюб алайҳиссаломдан қолган деган фикр билан ҳамоҳанг тушади. Қолаверса, асос манба - Куръонда ҳам Айюб пайғамбар сабр-тоқат, қаноат тимсоли бўлиб келади. Демак, Навоий элга, улусга нафъ тегадиган сахий, хушмуомала, кўнгли пок инсонларни мақтайди ва у яратган Пайғамбар Айюбнинг сўфиёна сиймоси ҳам сабр-қаноат тимсолидир.

Алишер Навоий тариқат пири сифатида талкин этган пайғамбарлардан яна бири – Хизр алайҳиссаломдир. Халқ оғзаки ижоди намуналари – ривоят ва афсоналарда, шунингдек, ёзма

адабиётда Хизр «оби ҳайвон»—тириклик сувини излаб топган ва уни ичиб, абадийликка эришган пайғамбар сифатида тасвирланади. Куръони Каримнинг «Кахф» сурасида Мусо ва Хизр пайғамбарлар орасидаги воқеа тафсилоти бор. Пайғамбарлар тарихидан маълумки, Мусо алайҳиссалом «Калимуллоҳ»—Оллоҳ таоло билан ҳеч қандай фаришгасиз бевосита гаплашувчи, деган номга сазовор бўлган зот. У бор ҳақиқатни фақат Оллоҳнинг Ўзидан билиб олган. Мусо алайҳиссалом Тангри таолога мурожаат қилиб: «Бандаларинг орасида мендан илмли киши борми?»—деб сўрайди. Тангри ўз пайғамбарини огоҳлантириб дейди: «Агар сенга бўлиб ўтган барча нарсалар тўғрисида билим берган бўлсам, бандаларим орасида шундай бир киши ҳам мавжудки, унга энди бўладиган нарсаларнинг билимини ҳам ато этгандирман, яъни сен ўз илм-маърифатинг билан бутун дунёга устоз бўлишинг мумкин, аммо у бандамга шогирд бўлишга ҳам ожизлик қилурсан»<sup>78</sup>. Оллоҳ айтган бу зот Хизр эди. Мусо ва Хизр орасидаги суҳбат ва саёҳат Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарида ҳам батафсил ёритилган<sup>79</sup>.

Алишер Навоий «Хамса»сига кирган дostonларнинг хаммасида Хизр сиймоси учрайди. У доимо йўл кўрсатувчи, ёруф кунларга ундовчи эл хамроҳи, солики ишқни манзилига етказувчи пири муршид сифатида гавдаланади. «Ҳайрат ул аброр»даги риёи хирқапўшлар мақолатида Навоий икки тоифа шайхларнинг сифатларини Хизрга ўхшатса, Дилоромидан ажралган Баҳромнинг қалбидаги зулмат тасвирида ҳам Хизр образи ва тириклик сувига мурожаат қилади. Искандар Ҳиндистонга бориб, бу мамлакатнинг гўзал табиати билан танишади. Шунда шоир табиат гўзаллигини Хизр хирқасига менгзитади. Аммо Хизрнинг тасаввуфдаги пирлик,

<sup>78</sup> Куръони Карим.-Т.:1992.267-268-бетлар.

<sup>79</sup>Рабғузий. Қиссаси Рабғузий.-Т.:1990. 2-китоб, 20-бет.

муршидлик мавқеини «Фарҳод ва Ширин» достони намоён қилади.

Севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, олижаноб инсоний фазилатлар, умумбашарий орзу интилишларни тараннум этган бу дoston кўплаб тадқиқотларнинг манбаи бўлган ва бўляпти ҳам<sup>80</sup>. Зикр этилган ишларда дostonнинг дунёвий томонлари, яъни Фарҳод ва Шириннинг пок севгиси, халклар ўртасидаги биродарлик, дўстлик ва бош қаҳрамоннинг меҳнатсеварлиги, вафодорлиги таҳлил этилган. Аммо дostonнинг тасаввуфий маънолари ҳақида оғиз очилмаган. Биз тадқиқотимизда бирор-бир муаллифга тош отиш ёки уни танқид қилиш фикридан узоқмиз. Аксинча, масаланинг бошқа томонлари ҳам борлигини айтмоқчимиз, холос.

Неча йиллик тоат-ибодатдан сўнг Чин ҳокони «шабистони»га Тангри таоло янги ой, йўқки, «меҳри олам орой» ато этади. Унга Фарҳод деб исм кўйилди. Уч ёшлигидан тили чиққан бу мурғак ишқ тўғрисида гапирар-гўё унинг маскани мақоми ишқ. Дунёдаги барча илмларни эгаллаган замонанинг улуғларидан таълим олганда ҳам у хастадил, ҳазин эди. Ўн еттига кирганда «жаҳонда ул етмаган ва касб этмаган» илм қолмади. Кўнгли, кўзи, тили, сўзи-ю ўзи пок бу йигит ўз танасида қандай кечинмалар содир бўлаётганини билмайди, тўғрироғи, англамайди. Тўрт қаср қуриш баҳонасида Фарҳод ўз даврининг машхур ҳунармандлари тош йўнувчи Қоран, наққош Монийдан касбу қор ўрганайди. Нимага қўл урмасин ўзи ўйлаганидан ҳам зиёда бўлиб чиқаверади. Қасрлар ичидаги базми жамшидлар, зару зевар, паривашу

<sup>80</sup> Қаранг. Fitrat/ Farhadu-Sirin dastani toqrisida. «Alanga» gurnali 1930. №1-2; Шарафуддинов О. Алишер Навоий.- Т.: 1948; Бергельс Е.Э. Навоий и Джамии.- М.:1965. Ҳамид Олимжон. Фарҳод ва Ширин.- Т.: 1939; Ойбек. Навоий гулшани.- Т.: 1967; Зоҳидов В. «Фарҳод ва Ширин»нинг гоявий мотивлари// Шарқ Юлдузи.1948, №5; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари.- Т.: 1969; Хайитметов А. Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари.- Т.:1959. Навоийнинг ижодий методи масалалари.- Т.:1963; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи.- Т.:1963; Жалолов Т. «Ҳамса» талкиллари.- Т.: 1960; Эркинов С.Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиссий таҳлили.-Т.:1971.

парирухсорлар Фарход юзидаги дарду алам накшини ўчира олмайди. Йигитдаги бу дард илохий ишқ эди. Ниҳоят, Фарход отасининг хазинасига тушиб, ойнаи Искандардаги ёзувни ўқийди. Унда тилсимотнинг калити Юнон юртидаги хирадманди ягона Сукротдалиги ва унга боришда бир неча манзили хатарнок борлиги таъкидланган эди. Булар аждаҳо, деви Аҳраман, шер ва темир ўпчин. Агар ойнаи Искандарни кўриш тариқатга кириш деб ҳисобланса, унда Фарход учун пир керак. Шунда Навоий унга Сукротгача икки пир таълимини беради. Буларнинг аввали Сухайло, кейингиси Хизр алайҳиссалом. Фарход Сухайло уқтирган хавфдан ўтгач, эрталаб отасидан дуо олиб, йўлга чиқади. Осмондай кенг яйловда кўкка бўй чўзган дарахт ва дарахт ёнида тиниқ булок, гўёки, сув тириклик чашмаси-ю, дарахт Хизр пайғамбар.

*Қирогинда дарахти кўкка ҳамбар,  
Бу ҳайвон суйи ул Хизри паямбар.*

Ф.Ш. МАТ. Т. 8. –Б. 163

Фарход дарахтга отини боғлаб, булок сувида покланиб, Оллоҳга сажда қилади.

*Кўтаргач бошни кўрди сабз пўше,  
Юзи нурони андоққим суруше.*

Ф.Ш. МАТ. Т. 8. –Б.163

Байтдаги «сабзпўше» – Хизр пайғамбарга ишора. Сабз – яшил маъносини билдиради. Аслида Хизрнинг кийган кийими яшил-сабз рангида бўлган. Хушхабар келтирувчи Жаброилдай бўлган пири нуроний унга лутфу шафкат кўрсатиб, ўзини танитади. Шу нуқтада Навоий халқ орасида машҳур бўлган Искандар ва Хизр ўртасидаги ривоятга ишора қилади.

*Сикандар бирла чун меҳнатга туштук,  
Тилаб ҳайвон суйин зулматга туштук.*

Биламизки, бу икки зот тириклик сувини излаб йўлга отланишади. Искандарга бутун дунё тахти, Хизрга «оби ҳайвон» – тириклик суви насиб этади. Шу боис у доим тирик. Хизр муридига манзил машаққатларидаги хавфларни енгиш йўлини кўрсатади. Унингча, Фарход ўтирган жойидан бир неча кадам юргач, деворлари осмонга туташ, сирли саройга дуч келади. Ундан уёғи ўн икки минг кадам бўлиб, ҳар кадам юз хил надоматларга тўла.

*Ҳамул ердин ўн икки минг кадамдур,  
Вале ҳар бир кадамда юз надамдур.*

Ф.Ш. МАТ. Т. 8. –Б.164

Йўл эса битта сўқмоқ, ҳар икки томони тош, сал ножўя ҳаракат қилса, пастга тушиб кетади. Агар чалғимамай тўғри юрса, тошдан қилинган тешикка дуч келади. Бу ерда бир нар шер боғлиқлик этади. Фарход Хизр айтгандай қилиб уни енгади, яна тўққиз юз кадам юриб, темир пайкарга дуч келади. Пайкарнинг кўксида Қуёшдай порлоқ ойнача. Фарход юз кадамдан туриб ўша ойнани аниқ отиши шарт. Ўқ тегса ўпчин ўз–ўзидан ёниб кетади. Агар тегмаса унинг ўзи нобуд бўлади. Фарход бу хавфларни енгишдан олдин «исми аъзам» – Оллоҳ номини такрор–такрор ўқийди.

*Ўқурда исми аъзам тутма ором,  
Ўқумай исм, қўйма йўлда бир гом.*

Ф.Ш.МАТ. Т. 8. –Б.166.

Демак, Хизр муриди Фарходни икки хавфдан қутултирди. Аввалоси, шери нар. Сўфийлар аъмолича, шер–ғазаб, ғазабкорлик тимсоли. Ҳақ йўлига кирган солиқ учун ғазаб эмас, сокинлик даркор. Шунинг учун Фарход «наъразан» шер оғзига Аҳриман девидан олган Сулаймон узуги билан уради. Сулаймон узуги ҳам ҳокимият рамзидир. Иккинчи хавф – темир ўпчин, пайкар. Бу – рўё, ёлғон, ёлғончилик рамзи. Тасаввуфда дунёнинг ўзи фоний, ундаги ҳамма нарса ёлғон ҳисобланади. Демак, Хизр Фарходни

иккинчи манзилдан олиб ўтиб, ғазаб, рўё ва ёлгонлардан қутултиради, илоҳдан чалғитадиган нарсалардан халос қилади. Хавфларни енган Фарҳод Жами Жамшидни қўлга олади. Энди солиқ учун ойинаи гетинамо бор. У фақат пири комил олдига бориб, ҳаққа етишиш илмини ўрганса бас. Агар Суҳайло ҳаким соликка тариқат йўлидаги биринчи манзилни босиб ўтишга кўмаклашган бўлса, Хизр пайғамбар иккинчи манзил, яъни фаний дунё неъматларидан юз ўгириш, иззу жоҳ, тожу тахтдан воз кечиш йўлини кўрсатган. А.Абдуқодировнинг фикрича, Хизр сиймоси Алишер Навоийнинг ғойибона пири Фаридиддин Атторга ўхшайди. Чунки Фарҳод каби Навоийнинг тили ва дилида Оллоҳнинг мустаҳкам жой олишига йўл очган муршид Аттор эди. Олим ёзади: «Фарҳод ўбчунлукни енгиб, хазинага киргач, Жамшид Жами ва дунёни кўрсатувчи ойнани топган эди. Навоий ҳам Жамшид Жомидек Аттор ижодидан ишқ майини сиқорди ва асарлари, хусусан, «Мантиқ-ут-тайр» ойнасида ҳақиқат мазмунидан воқиф бўлади. Натижада, Арслон – қудрат ва ҳокимият ҳам уни қизиқтирмай қўйди. Шу сабабли у ҳатто 1476 йилда нақшбандийликни қабул қилар экан, ҳокимиятдан ҳам истеъфо берган эди».<sup>81</sup>

Демак, «Хамса» достонларининг қарийб ҳаммасида учрайдиган Хизр сиймоси мушкул дамда инсонларга кўмак бериб, ҳаётга қайтарувчи зот сифатида тасвирланади. Айниқса, «Фарҳод ва Ширин»да соликка манзил машаққатларини уқтириб, ундан қутилиш чораларини баён этганда унинг муршидлик жиҳатлари яққол кўзга ташланади.

<sup>81</sup> Абдуқодиров А. Навоий ва ваҳдатул-вужуд таълимоти.-Хўжаид.: 1995.51-бет.

## 2.2. Тарихий-тасаввуфий шахсларнинг пир сифатидаги талқини

Пир сифатида талқин этилган тарихий шахс - Сукрот. Аслида бу сиймога икки мезондан туриб баҳо берсак мақсадга мувофиқ бўлади: тариқат муршиди ва қадим Юнон файласуфи. Тадқиқотимиз мавзуи нуқтаи назаридан биз Сукротнинг ҳақимлик, файласуфлик жиҳатларига тўхталмаймиз.

«Фарҳод ва Ширин»да ёзилишича, Хокон ўғли Фарҳод билан Юнон мулки сари азимат қилганда, беш юз йил умр кечирган, дунёнинг бор-будидан тарки инвизо қилиб, барча ҳикмат аҳлининг устозига айланган Суҳайло ҳақимга дуч келишади. Суҳайло-тариқатдаги биринчи пир. У Сукрот даражасида комил эмас. Аммо Сукротнинг олдига бориш йўлини кўрсата олади.

Фарҳод Сукротни қидириб бир водийга борса, у ерда чўққиси Зухал юлдузининг бошига тегадиган даражадаги бир тоғ. Тоғ ёнида еттинчи осмондаги сидра дарахтидан ҳам баланд дарахт. Бу жойдаги чашмалар худди «меҳри дарахшон», гиёҳлари минг дардга даво, ғорларининг на боши, на учи-ю, на қироғи бор. Бир сўз билан айтганда инсоннинг ақлу ҳиси ожиз. Мазкур жой тасвирида Навоий тазод санъатидан фойдаланган.

*Аён атрофида пайгора бисёр,  
Ки идрокида бўлмай ақлу ҳис ёр.  
Йўқ анда горнинг боши – аёғи,  
Не онинг учи пайдо, не қироғи.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.172.

Жоми Жамшид ёрдамида у зулмат орасидан Сукрот ғорини топади. Навоий шу топишни «ёр» олдига, яъни Оллоҳ даргоҳига топилган йўл деб баҳолайди.

*Топиб кўп фикр ила гор огзига йўл,  
Киши топқон киби ёр огзига йўл.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.174.

Хокон, шахзода ва вазир ғордаги бир айвон олдига келиб тўхташади ва уйдан чақирув нидоси келади. Улар кирсалар уй ичида бир нуроний сиймо ёки шоир таъбича «пора нур».

*Уй ичра кўрдилар бир пораи нур,  
Бўлуб эв партавидин байти маъмур.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.175.

Навоий наздича, Сукрот - қуёш. Унинг руҳи, жисми пок. Улуғ ақли ёрдамида дунё ишларидан илиқини тортган бу зотнинг пок кўнгли лаъл тошидай кўзга ташланиб турар, кийим боши эса лаъл тоши устига ёпилган қимматбаҳо ипак матони эслатарди, дея Навоий ташбиҳ ва муболага санъатидан фойдаланади.

*Сафоси лаъл янглиг ошкоро,  
Либоси лаъли равшан узра хоро.*

Ф.Ш. МАТ. Т. 8. –Б.175.

Пирнинг вужуди «олами кубро»—катта олам, кўнгли аввал то охирнинг гўзал нарсалари жамланган тиниқ денгиз, юзи Тангри нуридан порлаган кўзгу, ўзи эса илоҳий сирларни батамом англаган киши.

*Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир,  
Ки, анда зоҳир аввал то ба охир.  
Юзи миръоти анвори илоҳий,  
Илоҳий сиррини англаб камоҳи.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.175.

Унинг жисми сокин бўлса—да, кўнгли бутун оламни сайр этади. Оламнинг ҳилм—юмшоқлиги унинг борлиғида, билимлар шукуҳи эса унинг чехрасида намоён эди.

*Фалакдек таъби сойир, жисми сокин,  
Сафар айлаб, вале йўқ сайр мумкин.  
Сипехри ҳилм зотидин ҳувайдо,  
Шукуҳи илм рухсорида пайдо.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.176.

Хуллас, «ҳакими аҳд» шоҳ ва вазирни инъомлар бериб сийлайди. У Фарҳодни даргоҳига чорлагач, мажозий ва ҳақиқий ишқдан дарс беради. Албатта, Сукротнинг фикри айни дамда Алишер Навоийнинг ҳам фикридир.

Сукротча, жаҳон фоний, у ҳақиқат аҳлига зиндон.

*Муни билким жаҳон фонийдур асру,  
Ҳақиқат аҳли зиндонидур асру.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.179.

Тангри таоло инсонни барчадан аъло ва табаррук қилиб яратган экан, унинг иши Ҳақ амрига маъмур, ўзга ишлардан маъзур бўлишдир. Чунки ҳақиқий маҳбуб ҳам, иқболу умид ҳам У дир.

*Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур ул,  
Анинг васли сори қатъ айламак йўл.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.180.

Навоийча, маҳбуби ҳақиқийга етишиш йўли икки қадамдай, лекин бу икки қадамни босиб ўтиш учун минг йиллик машаққат сарфланади. Бу икки қадамнинг бири – ўзликдан воз кечиш, иккинчиси ўзликка қайтиш<sup>82</sup>.

*Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,  
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.180.

Яъни ўзликдан воз кечмай туриб, ўзлигингни тополмайсан. Навоий Сукрот тилидан келтирган:

*Муни билким жаҳон асрийдур асру, ✓  
Ҳақиқат аҳли зиндонидур асру,*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.179.

мисраларида ҳам сўфийликдаги–дунё ўткинчи, фоний, унга кўнгил боғлаш, унинг алдовчи найрангларига ўзни банди этиш хато ва

<sup>82</sup> Н.Комалов. Тасаввуф.-Т.:1996. 205-бет.

ўзингдан кечмай туриб ўзлигингни тўғрироғи, маҳбуби ҳақиқийни тополмайсан, деган икки ғояни Фарҳодга уқтиради.

Сукрот ўз муридига дарс берибгина қолмай, унинг шу пайтгача эришган нарсалари, ўрганган илмлари зое кетмаганлиги, ишқи мажозий ишқи ҳақиқийга ўтишда солиқ учун бир кўприк вазифасини бажаришини ҳам таъкидлайди.

*Мажозий ишқдин ўртанса жонинг,  
Бориб сайли фанога хонумонинг  
Ҳақиқий ишқдин эсгай насиме,  
Етиб онинг насимидин шамиме.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.181.

Демак, ишқи мажозий ишқи ҳақиқийга айлангач, солиқ бақо мулкида қаҳрамон, ҳақиқат тахтида соҳибқирон бўлиб, ўзидан яхши от қолдиради.

*Сенинг қолгай жаҳон ичра сифотинг,  
Тариқи ишқ ичинда яхши отинг.*

Ф. Ш. МАТ. Т. 8. –Б.182.

Фарҳоднинг яшин тезлигида ўрганган дунёвий илмлари ўз даврининг якто ҳунарпарварлари–Моний ва Қорандан олган сабоқлари мажозий ишқ сифатлари. Аммо бу сифатлар Фарҳоднинг ҳақиқий ёр–Оллоҳ васлига восил бўлишига хизмат қилади. Чунончи, у Ширин фироғида Арман юртига боргач, у ердаги халқнинг машаққатлари кўриб, уларга ёрдам қўлини чўзади. Шунда «ёр»–маъшуканинг ўзи Фарҳодни кўришга келади.

Демак, Сукрот солиқдаги ишқи мажозни ишқи ҳақиқийга айлантиради. Ундан олдинги пирлар Сухайло ва Хизр Фарҳодга йўл–йўриқ кўрсатиб, хавф–хатардан қутилиш йўлларини айтишган бўлса ҳам солиқ улар тарбиясида хали тўлақонли ошиқ бўлмаганди. Сукротнинг уқтиришича, Фарҳод ишқининг ибтидоси темир ўбчувликнинг йўқ қилиниши ва оинанинг очилишидир.

*Ани кўргач етиб ишқ ибтилоси,*

Зикр этилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, «Фарҳод ва Ширин» достонида тасвирланган Сукрот–комил пир. Ўзи минг йиллаб ғорда хилват-нишинлик қилса ҳам руҳи бутун дунёни кезиб чиқади. Жамшид жоми, Искандар кўзгуси ҳам унинг кўнгил кўзгуси олдида хира. Н.Комилов қайд этганидек, у барча нарсдан огоҳ, барча воқеадан хабардор. Кимнинг пешонасида нима битилган, умри қандай тугайди, муддао–мақсади нималигини Сукрот олдиндан билади. Шунинг учун у нафақат Ҳокон хазинасидаги сандикни очиш сирини, балки, Фарҳоднинг келажагини ҳам башорат қилади. Чунки Сукрот Фарҳод сиймосида ўз эътиқоди, ўз сулукининг давомини кўрган эди.<sup>83</sup> Навоийнинг Сукроти пирлик сифатлари билан пири–муршид Нуриддин Абдурахмон Жомийга жуда ўхшайди. Агар Сукрот Фарҳодга ҳақиқий «ёр»га етишиш таълимини берган бўлса, Навоийга ишқ таҳсилини бериб, Ҳожагон–Нақшбандия тариқатига олиб кирган зот Жомийдир.

Сукрот мелоддан аввалги 469 йилда Афина шаҳрида туғилган. Отаси Сафроникс ҳайкалтарош, онаси Фемарета доя бўлган. Ўша пайтдаги оракул–башоратчилар энди туғилган Сукротнинг пешонасида улуғ Зевснинг нури борлиги ва улуғ бир инсонга айланишини айтиб, ҳуда–беҳудага безовта қилмасликни уқтиришган. Башоратчилар фикрича, ҳар қандай ёмон ишлардан, хавф–хатарлардан уни худолар ато этган ички овоз–даймоний сақлар экан.<sup>84</sup> Бир куни у дўстлари билан умумюнон диний маркази - Дельфага боради. Шунда Аполлон ибодатхонасида юнон олими Хилоннинг «Ўзингни ўзинг англа, бил!» деб ёзилган сўзларини ўқийди. Бу ҳикмат унга қаттиқ таъсир қилади. У кўп

<sup>83</sup> Комилов Н. Тасаввуф.-Т.:1996. 207-208-бетлар.

<sup>84</sup> Шарафиддинов О. Ҳақиқат излаган донишманд// Ўзбекистон АС. 1997. 10 январ.

жумбоқларни очишга кўмаклашадиган калитни қўлга киритгандай хурсанд бўлади. Айтиш мумкинки, бу ҳикмат Сукрот ҳаётининг мазмунига айланиб, бутун умр у ўзидаги нуқсон, камчиликларни ўзидан излаб яшаган, яъни ўз нафсини тийиб, озга қаноат, йўққа тоқат қилган, ҳар қандай ҳашам, дабдабадан воз кечиб, еб-ичиш, кийиниш, юриш–туришда ҳалоллик тамоилига амал қилган, қишу ёз яланг оёқ кезиб, камбағаллар тановвул қиладиган овқатларни еган. Шу боис унинг хотинига айтган «Одамлар ейиш учун яшайди, мен яшаш учун ейман» ҳикмати халқ орасида ҳозиргача машхур. Агар диққат билан кузатсак, Навоий дostonларидаги тариқат пири, йўлбошловчи Сукрот сиймоси билан Фарҳоднинг ҳаёт тарзи орасида ўхшашликлар анчагина. Сукрот Фарҳодга Ҳаққа етишиш йўлини кўрсатиб, «ўзлигингни топиш учун ўзингдан кеч», дейди. Аслида бу ҳикмат Сукротнинг шахсий ҳаётидаги воқеадан олинган.

Хуллас, Сукрот Фарҳоднинг тариқатдаги раҳнамоси, солиқ ишқининг бош йўналиши билан боғлиқ бўлган барча жумбоқларни ечувчиси. У Фарҳоднинг туғилишидан самандар ишқ эгаси майдонга келганини олдиндан билар эди. Фарҳод шу йўлга кадам қўйгач эса ҳақиқат чароғини топишда унга пирлик қилади, ҳақиқий ишқ таълимини беради. Китобхон кўз ўнгида ҳаётни синчиклаб кузатиши, дунёвий билимларни эгаллаши, Арман тоғи этакларида ҳаёт суви, нажот сувига йўл очиши бобидаги қаҳрамонликлари билан Фарҳод нажоткор шахс сифатида ҳам гавдаланади. Аслида нажоткорлик ҳам ҳақиқий солиқнинг фазилатидир. Шундай қилиб, Навоий бу сиймони ўз асарига олиб кириш билан унинг башарий улуғворлигига таяниб, дoston қаҳрамонларининг маънавий камолот йўлларини ҳам кўрсатиб берган.<sup>85</sup>

<sup>85</sup> Эркингов С. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг киёсий таҳлили.-Т.:1971.27–28 бетлар.

## 2.1. Моҳиятан тасаввуфийлашган сиймолар

Тангри таолонинг инсонга ато этган илоҳий хислатлардан бири саховатдир. Бахиллик (бухл) унинг акси. Кўлида уч–тўрт танга йиғиб, ўйламай–нетмай исроф қилиш саҳийликми? Йўқ. Навоий бу хил зотларни «аҳли саҳо» эмас «аҳли исроф» дейди. Чунки улар тўқларга дастурхон очиб, тўн кийдиради, юз йилқиси борга йилқи беради, лаъл кони–Бадахшонга лаъл, зиранинг ватани Кирмонга зира жўнатади, Миср шакаррезига «ҳабби набот» бериб, Хизрға тириклик сувини туткизади. Бу турфа «саховатпеша»ларнинг асосий мақсади–тамаъ.

*Халқ жиҳотига талабгор этар,  
Ҳарнеки кўрди, тамаъ изҳор этар.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 147.

Навоийча, саҳий одам кимсадан молу жоҳ тамаъ қилмайди ва Ҳақ берганига қаноат қилиб, унга итоат этади.

*Ҳоли агар яхшидурур, гар табоҳ,  
Кимсадин этмас тамаи молу жоҳ.  
Ҳар неки ҳақ берса қаноат қилур,  
Ҳар неки амр этмиш итоат қилур.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 148.

Агар дунёдаги барча инсоний хислатларни экин деб фараз қилсак, улар орасида энг яхшиси саховатдир.

*Мунда экинларга тасрбут дурур,  
Яхшироги жуду саховат дурур.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 151.

Саховатпеша бўлиш учун тамаъ қилишни тарк этиш ва бермагу олмоқ ишидан йироқ бўлиш шарт. Саховатли бўла туриб, ўзгалардан дирам талаб қилиш эса гуноҳ.

*Анда карамдурки талаб билмагай,  
Кимда дирам бўлса тамаъ қилмагай.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 152.

Мақолатдаги фикрларнинг исботи сифатида Ҳотами Тоий ва ўтинчи чол ҳикояти келтирилади. Ҳикоятнинг мазмуни кўпчиликка маълум. Унда саховатпеша, сахийликда шуҳрати жаҳонни тутган Ҳотами Тоий ва дунёнинг ўткинчи лаззатларидан воз кечиб, пешона тери билан кун ўтказадиган қария сиймоси бор. Алишер Навоийгача бўлган ёзма ва оғзаки манбаларда Ҳотами Тоий сахий, меҳрибон, бева-бечора, камбағал, етим-есирларга мададкор инсон сифатида тасвирланган. Бундан ташқари, ҳикоятдаги образ ва воқеалар Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор» достонидаги «Ғишт қуювчи чол», «Пир ва мурид» ҳикоятларида, Саъдий Шерозий «Гулистон»ининг учинчи бобида ҳам учрайди.

Н.Ғанихўжаева «Хамса» достонларидаги ҳикоятларда учраган образлар галереясини таҳлил қила туриб, чол сиймоси «феодализм даврида, оғир меҳнат шароитида эзилган шахсларнинг умумлашмаси», Ҳотами Тоийни эса ўз бойлигини муҳтожларга аямай сарф қилувчи сахий шахс, деган хулосага келади.<sup>86</sup> Бу ҳикоятга бир назар ташлаганда кўзга кўринадиган хулосалар. Китобхон учун бу ҳам зарур, уни инкор қилмаймиз. Аммо масаланинг моҳияти бундан-да чуқурроқ.

Олдинги бобда қайд этганимиздек, Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да инсонларни аҳли қабул ва аҳли радга бўлган эди, яъни аҳли рад Оллоҳ тарафидан инкор этилган, иймонсиз, нафсига забун кишилар, аҳли қабул Тангри таоло яктолигини тан олган, имон-эътиқоди бут, Ҳақ ёрлақанган бандалар. Шундай экан, сахийлик аҳли қабулга, бахиллик, исрофгарчиликка йўл кўйиш аҳли радга хос. Ҳикоятга қайтсак, Ҳотами Тоий юз тева (туя), беҳад кўй-қўзи сўйиб, халққа зиёфат беради. Базм бўлиб турган пайтда Ҳотам дашт томонга чиқади. Сайрда унга бир кучоқ ўтин

<sup>86</sup> Ғанихўжаева Н. «Хамса» ҳикоятлари. -Т.:1986. 13-бет.

юклаб, қадди «дол»дай букчайган қария учрайди. Юк унинг қаддини нигун қилиб гўё вужуд уйига ҳасса тиркагандек.

*Жисми уйин айлабон ул юк нигун,  
Тиркабон ул уйга асодин сутун.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7.—Б. 152.

Сахий Ҳотам уникага бориб, меҳмон бўлишни айтганида, қария кулиб жавоб беради:

*Кей солибон ҳирс айгинга банд,  
Озу тамаъ бўйнуга боғлаб каманд.  
Водийи гайратга қадам урмагон,  
Кунгури ҳимматга алам урмагон.  
Сен дағи чеккил бу тикан меҳнатин,  
Тортмагил Ҳотами Тай миннатин.  
Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,  
Яхшироқ андинки биров берса ганж».*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. —Б. 153.

Юзаки қараганда, чол Ҳотамга ўзининг бормаслигини шунчаки тушунтиргандай бўлади. Аслида—чи? Аслида тескариси. Гап шундаки, чол тилидан айтган мисраларда Навоий истибтоъ санъатини қўллайди, яъни бу санъатга мувофиқ мадҳ этилаётган фикр ўзга бир мадҳни келтириб чиқаради<sup>87</sup>. Навоий Ҳотамни мақтай туриб, танқид қилади. Демак, чол Ҳотамни ҳирс бандиси, тамаъ бўйнига ип боғлаган, ҳиммати паст, нафс одами деб ҳисоблайди. Чунки у ҳақиқий меҳнат машаққатини билмайди. Ҳирсга, тамага банди, нафсига забун одам саховатпеша бўла олмайди. Хуллас, Навоий тасвирлаган Ҳотами Тойда мағрурлик, ўзни кўрсатиш туйғуси ҳукмрон. Шу сабаб қария назарида у нафс бандиси, тамагирдир. Чол эса тамоман унга қарама—карши. Гарчанд унинг қадди оғир юкдан букик—у, ўзи ҳар қадамда чарчаб

<sup>87</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-саъодийъ. - Т.: 1981. 129-бет.

қоладиган бўлса—да, у ўз нафсини енгган, тамадан йирок, Оллоҳ шарофатидан ноумид бўлмай, ҳалол ва хотиржам ҳаёт кечираётган пирдир. Ҳикоят охирида Навоий Яратгандан баланд ҳиммат, худди пир ҳаётидай осойишта, ҳалол, пок умр бериб, доимо саховатпешаликни ҳамроҳ этишни сўрайди.

*Ҳиммат агар бўлса Навоий санга,  
Банди дурур Ҳотами Тоий санга.*

Ҳ. абр. МАТ. Т. 7. —Б. 153.

Ҳикоятни келтиришдан мақсад қачонлардир жуда сахий, кўли очик бой ўтганлигини кўрсатиш эмас. Аввало, ҳалол меҳнат кишини маънавий юксакликка, тамагирлик, текинхўрлик, ўзни кўз—кўз қилиш эса тубанлик сари етаклашини уқтириш<sup>88</sup>. Иккинчидан, Навоий тасаввуф таълимотидаги ҳалоллик, ҳалол лукма ейиш, сахийлик, олиҳимматлилик ва уларга тескари бахиллик тушунчаларини донишманд чол ҳамда Ҳотами Тоий сиймосида жамлаган. Навоийнинг Ҳотами ўз жисмидаги мағрурлик ва манманликни ўзи фош қилади. Ўтинчи чол илк сўфийларга ўхшаб, тоат—ибодатни қанда қилмай, ўткинчи олам лаззатларидан воз кечиб, энг муҳими нафсини енгиб, лукма ҳиллилияти учун яшаган. Шу боис у миннат билан берилган бойликдан кўра, ҳалол ишлаб топилган дирамни афзал билади.

«Қаноатли жавонмард ва тамагир жаҳонгашта» ҳикоятида Алишер Навоий «азза ман қанаъ», яъни қаноат қилган азиз бўлади ҳадисига асосланади. Ёзилишича, Форс ўлкасидан икки дўст Чин мамлакати тараф йўл олишади. Улардан бири қаноатли, борига шукр, йўғига сабр қилиб яшаса, иккинчиси эса худодан ҳам тамаъ қилади. Улар йўлда ярми ерга, ярми ташқарида ётган тошни кўришади. Унда «кимки бу тошнинг орқа томонини ағдарса, бир хазинанинг эгаси бўлади» ёзуви бор эди. Тамагир битикни ўқигач,

<sup>88</sup> Абдуғафуров А. Буюк бешик сабоқлари. — Т.: 1995. 23—бет.

бетоқат бўлиб, тошни ковлашга тушади. Қаноатли одам эса бу «меҳнати жонкоҳ»дан сабру қаноат афзал, деб йўлида давом этади.

*Деди бу не меҳнати жонкоҳ эрур,*

*Ганжи қаноат манга ҳамроҳ эрур.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 174.

Иттифоқо, қониъ жавонмард саҳарда бир шаҳарга кириб борса, тўрт тарафдан халқ келиб уни ўраб олади ва тахтга ўтқзади. Маълум бўладики, бу кентнинг подшоси оламдан ўтгач, донишмандлар ўзаро кенгашиб, тожу–тахтга муносиб одамни топиша олмайди. Шарт кўйиладики, ким биринчи бўлиб эрта тонгда шаҳар дарвозасидан кирса, ўша шоҳ бўлади. Бу бахт қаноатли дўстга насиб қилади. Беҳисоб хазинага эга бўлмоқчи бўлган тамагир дўст тошнинг орқасини ўгирса, «ким бу дунёдан хомтамаъ бўлса, у доим азобдадир» деб ёзилган экан. Демак, шоир фикрича, тамагир қанча ҳаракат, мол-дунё, бойлик изламасин, Ҳақ унга ҳеч нарса бермайди.

*Они қаноат қилибон шаҳриёр,*

*Муни тамаъ ранжи қилиб хоксор.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 176.

Ҳикоятнинг асл талқини шундай, тариқатга кираётган солиқ олдида бир йўл туради. Йўл иккига бўлинган. Биридан юрса дунё лаззатларига кўмилиб, ўзини мол-дунёга фарқ қилади. Сабр–тоқат қилиб, иккинчи йўлдан юрса, Ҳақ таоло олдида мартабаси баланд бўлади. Аввалги йўл анча силлиқ, маишатли туюлса–да, у тўппа–тўғри жаҳаннам сари етаклайди. Иккинчиси оғирроқ, унда киши оч–наҳор қолиши, юпун кийиниши мумкин. Лекин у Тангри берган мамлакат ганжигга сазовор бўлади. Шу боис Навоий томиъ жаҳонгард машаққатини «меҳнати жонкоҳ», хазинасини тамаъ, деб билади.

Қониъ тимсолида Навоий Оллоҳни таниган ва У кўрсатган йўлдан ҳеч қайтмайдиган, ботину зоҳирида сўфийлик хислати акс

этган пирни тасвирлайди. Унга қаноат ҳамроҳ. Қаноат ҳар қандай ганж–ҳазинадан зиёд. Навоий ёзишча, кулбада ўтирган дарвеш тамагир подшодан устун. Чунки тамагирда сабр–қаноат йўк, у бир гадодай гап-да.

*Кулбада дарвешки, қониъ дурур,  
Фойиқ эрур шаҳгаки, томиъ дурур.  
Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,  
Билки гадодур тамаъ этган киши.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 165.

Сабрли одам Ҳақдан не келса қаноат қилади, нафсини енгиб, охираг шафоатига муяссар бўлади. Очга овқат, яланғочга тўн, бир сўм сўраганга юз сўм бериб, Тангри назарида ҳам, халқ кўз ўнгида ҳам саховатпеша бўлган бахил зотларни Ҳақ таоло бежиз «улусдин ғани» қилмайди.

*Топса қаноат сори ҳар кимса йўл,  
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 175.

Хуллас, Навоий тасвирлаган қаноатли жавонмард тамадан холи, ўз нафсини енгган, Ҳақ ишидан ўзгани билмайдиган, охириги дирами қолгунча улусга ғамхўрлик қиладиган пир. У ганж–ҳазина ёхуд салтанат шоҳи эмас, унинг энг катта бойлиги, ганжи–қаноатдир. Хотимада Навоий ўзига қаноат истаб, «солики роҳ», «қаноат уза шоҳ» этишни Оллоҳдан сўрайди.

*Журъасидин солики роҳ эт мени,  
Мулки қаноат уза шоҳ эт мени.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 176.

Навоий ҳимматли, саховатли кишиларни фақир деб билади. Фақирда ёмон сўз бўлмайди. Сайид Аҳмад Кубаро айтганидек: «Фақр–нури Худо турур, ҳар кимга ул нурнинг зиёси тегса, онинг

зиёсидан камоли ишқ топар»<sup>89</sup>. Ҳимматли киши жаҳондорликдан ор қилади. Чунки ўзидаги фақирлик уни ҳақиқий жаҳондор этади.

*Ўзни фақр бирла жаҳондор этар,  
Жаҳондорлиқдин вале ор этар.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б. 254.

Аслида кўчама–кўча юрган гадойдан уни ажратадиган жиҳат шу. Ҳақ таоло уни шоҳларнинг шоҳи қилган. Шу боис подшолар шундай бир мартабани, шоҳликни доимий ҳавас қилганлар.

*Қилур подшо ул гадолиқ ҳавас,  
Нечукким гадо подшолиқ ҳавас.*

С. С. МАТ. Т. 10. –Б. 175.

«Искандар ва гадо» хикоятидаги чол ҳам олиҳимматлилик, фақирлик билан шоҳлар шоҳи бўлган пир. Навоийнинг ёзишича, Искандар Мағриб юртини забт этгач, шу элга бегонадан эмас улус орасидан шоҳ тайинламоқчи бўлади. Искандар фикрича, юртнинг бўлажак султони ҳукмдорлик қонун–қоидаларини билиши, эл–юртта тинчлик, осойишталик бағишлаши ва адолатли бўлиши шарт. Халойиқ бу сифатларни ўзида жам этган қария фақат вайронада яшашини айтади. Бу кекса қария халқдан ўзини тортиб, «фирор» айлаган, тириклардан қочиб, қабристонларни маъқул кўрган, ўз ихтиёри билан шоҳликни ташлаган, халқ ғовуридан кулфати ошадиган пир эди.

*Боши тож таркин қилиб ихтиёр,  
Бўлуб тарк тожи била ихтиёр.*

С. И. МАТ. Т.11. –Б.101.

Не емаги, не ичмаги, не манзил-макони маълум бу зот баъзан баъзан аҳли ниёз билан суҳбатлашса–да, барибир, фоний дунёдан халқни ноумид этиб, фано сари тарғиб этарди.

*Сўз ичра бу тақриб тартиб этар,*

<sup>89</sup> Аҳмад Яссавий. Фақрнома.-Т.:1992. 8-18-бетлар.

*Ки элни фано сори тарғиб этар.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.102.

Бош яланг, оёқ яланг, дунё «шугли»га этак силкиган чолни кўлида иккита бош чаноғи билан кўтариб шоҳ ҳузурига келтиришади. Искандар бу ҳол изоҳин сўраганда, қария икки чанокнинг қай бири шоҳники–ю, қайси камбағалники эканини билолмай хуноб бўлганини айтади. Зеро, ўлганда ҳам иккаласи бир хил, тириклигида нега бунча жанжалу ихтилоф.

*Замиримга лекин ниҳон қолди бу,  
Ки шахнинг қаюдур, гадонинг қаю.  
Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,  
Тирикликда невчун қилурлар низоъ.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.102.

Донишманднинг жавобидан хайратда қолган Искандар унга шоҳлик тахтини таклиф қилганида у рад этади. Чунки пир ўзини дунё лаззатларига банди қилмоқчи эмас. Унинг учун фақирлик дунё шоҳлигидан устун.

*Ки тарк айлабон фақр сармоясин,  
Писанд этгамен шоҳлик поясин.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.102.

Пир Искандарга тўрт шарт кўяди: интиҳоси, чек–чегараси йўқ абадий ҳаёт; қарилликни билмайдиган йигитлик; камбағаллик юзини кўрмайдиган бойлик; мотами, ҳеч бир ғами йўқ шодлик. Бу «сармоя»ларни ҳеч бир дунё шоҳлиги, бойлигу салтанати беролмайди. Шунинг учун қутлуғ ниятли, муборак фикрли донишманд ўз ҳимматини шоҳликдан устун кўяди.

*Гадойики бўлгай бийик ҳиммати,  
Анга наст эрур шоҳлиг рифъати.*

С. И. МАТ. Т. 11. –Б.103.

Демак, фақирлик Ҳақ манзили томон олиб борувчи асосий восита. Халқдан ўзини жудо қилиб, йўклик водийсида гард айлаган солиқ

ўз ҳиммати билан улусга саховатлар қилади, Ҳақдан ўзгани тан олмай, боқийликка юз тутди. Пир таъкидлаган тўрт сармоя— давлатни унга Ҳақ таолонинг ўзи ҳақиқий ошиғига беради. «Ёр» васли шаробидан сархуш бўлган ошиқ чеки йўқ ҳаётга, қарилғи йўқ йигитлик, туганмас бойлиги, ғами, андуҳи йўқ шодликка эришади. Мазкур ғоя « Ғофил йигит ва вокиф пир» хикоятида давом эттирилади. Хикоятдаги пир ҳам тариқат комили, дили пок, ҳаётнинг аччиқ—чучугини тотган.

*Бор эрди жаворинда аҳли диле,  
Тариқатнинг одобиди комиле.*

С. И. МАТ. Т.11. –Б.287.

Агар олдинги хикоятда пир Искандарга дунё фонийлигию, фақирлик шартларини уқтирган бўлса, бунда у майхўр, ёшлигидан бетайин ўсган ғофил бандага насихатлар бериб, Ҳақ йўлини кўрсатади. Йигит ҳаётнинг мазмунини кайф—сафода, тўйиб-тўйиб шароб нўш этишда деб билса, пири якто эса Ҳақ амрларига риоя этиб, тоатни қанда этмай, ундан марҳамат, шафқат сўрашда, деб билади. Пирнинг ўғитига қулоқ тутмаган йигит йил ўтган сари касалланиб, тўшакка миҳланади. Энди унинг на тавба—тазарруга, на тоат—ибодатга ҳолати қолади. Хўш, инсон нега ёшликда бунчалар айш—ишратга ўч бўлади? Навоий бу сўровга Арасту тилидан жавоб беради. Чунки туфулиятда одамнинг тушуниш ва идрок этиш қобилияти паст, таъби ақл ва тафаккурдан узоқроқ бўлади.

*Туфулият айёми йўқтур шуур,  
Эрур таъь рою хираддин нуфур.*

С. И. МАТ. Т.11. –Б.289.

Ақл чархланмаган пайтда кишида икки майлга мойиллик бўлади: бири ақл, иккинчиси нафс қуввати. Ақл қуввати кучли одам Ҳақни таниб, ўзлигини топиш сари интилади. Агар нафс ғолиб келса, киши шайтоний кирдикорларга ғарқ бўлади ва уни

тарбиялаш шарт. Ёши ўтиб, соч–соқолига оқ тушгач, одам тўғри йўлни танлаб, Ҳақ сари талпинса, яхши, аммо нафсини тия олмаса, майхўрликка берилади, қарабсизки, танидан дармон, кўзидан нур, белидан қувват кетади. Шариат арконига риоя этиб, Тангри саодатига муяссар бўлган инсонларни улус халқ пайғамбар, валий, ҳаким–донишманд деб эъзозлайди. Шу маънода айтиш мумкинки, воқиф пир сиймоси туфулиятдаги хатоларни ўз вақтида тузатиш йўлларини кўрсатиш ҳамда Ҳақ таолони таниш учун ҳикоятга киритилган.

«Садди Искандарий» достонининг охиридаги қаттиқсўз, ҳақиқатпарвар «гадойи сармояи баланд» - пир сиймоси олдинги ҳикоятлардаги образлардан бир мунча фарқ қилади. Бунда шоир ўз даври шоҳ ва шаҳзодаларига ўғит, насиҳат беради.

*Солиб ўз қулогига шаҳзода ҳам,*

*Қабул айлағай шоҳи озода ҳам.*

С. И. МАТ. Т.11. –Б.557.

Ҳикоятда тасвирланишича, исонафасли бир пир ўз пандлари билан шоҳга кўп фойда етказар эди. Бир сафар давлат арконларидан бири кўрдики, пирнинг шоҳга сўзи дағалрок. Шунда у: «Эй гадо, сен ўзинг бир қашшок, бечораҳол бўлсанг, нега подшога дағаллик ила панд берасан!»—, деса, қария жавоб беради: «Гарчи мен ҳас ҳақир эсам—да, сен менинг суратимга эмас, сийратимга, сўзимга қараб баҳо бер. Мен қамиш нўгидай оташангезман. Аммо сўзим пок, таним пок. Шу боис Ҳақ мени кечиради.»

*Ҳамоноки сўз поку софийдурур,*

*Адабсизлигимга талофийдурур.*

С. И. МАТ. Т.11. –Б.556.

Рамзий маънода айтиш мумкинки, “зору пажмурда”, “гардундин озурда” пир-Навой, хирадларга амал қилиб, баҳра олаётган шоҳ-Хусайн Бойқаро. Зеро, Навой умрининг охиригача Темурийлар

хонадонига чин дўст, Хусайн Бойқарога ҳаммаслак, кўп масалаларда ҳамфикр, теурийзода шахзодаларга устоз, мураббий бўлиб қолди. Айниқса, ота ва ўғил ўртасидаги низоларни бартараф этиб, осойишталик, барқарорликни юртда сақлаб турди.

Айтиш жоизки, моҳиятан сўфийлашган сиймоларнинг кўпчилиги шаклан сайёр образдир. У Навоийгача ҳам бор эди. Чунончи, Низомийнинг «Махзан ул-асрор»ида у ғишт қуювчи, ҳалол меҳнати ва ҳиммати билан дунё лаззатларидан воз кечган инсон, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор»ида эса Маҳмуд Ғазнавийдай шоҳнинг хазинасини писанд этмай, фақру фано куйида фоний, бош-оёқ яланг, эғнида жулдур жанда кийган пир тарзида талқин этилади.

Хуллас, ҳикоятлардаги барча пирлар сиймоси ўзидан кечиб, ўзлигини топган зотлар. Аввали ҳикоятдаги қария саховатли шоҳ Искандарни мот қилиб, ўзининг фақирлик салтанатидаги шоҳлигини кўрсатган бўлса, иккинчи ҳикоятда у Ҳақ таоло сари борадиган йўлни кўрсатади, бошқа бирида эса шоҳ ва аркони салтанатни тўғри йўлга бошлайди.

### **Учинчи боб**

#### **Нақшбандия (Ҳожагон) шайхлари талқини**

##### **3.1. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳожа Аҳрор васфлари**

Алишер Навоий нақшбандий эди. Унинг тариқатдаги пири шайхул-ислом Абдурахмон Жомий. У Ҳожагон-Нақшбандия сулукига киргунча, барча тариқатларнинг ички моҳиятини, улар таълимотидаги асосий йўналишларни ўрганиб чиққан эди. Бу ҳол айниқса, «Насойим ул-муҳаббат...» тазкирасидаги шайх, сўфийлар тасвирида яққол кўзга ташланади.

Навоий тарикатлар орасидан накшбандийликни танлашида ҳам айри бир сабаб бор. Аввало, бу тарикатдаги бунёдкорлик фаолияти шоир табъига жуда мос тушган. Меҳнат қилиш–ҳалол яшашнинг гарови. Тарикатидагилар наздича, хоҳ сўфий, хоҳ дарвеш, хоҳ валий бўлсин, ҳалол меҳнат қилиб, бир ҳунарнинг этагини тутмаса, у чин маънода Ҳақ ошиғи бўлмайди. Бу ибратли аъмол Навоийнинг раъбатига сазовор бўлган эди.

Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Накшбанд ҳақидаги илк асари «Бадоеъул–бидоя» девонига кирган «Десанг, хилватим анжуман бўлмасун» мисраси билан бошланадиган қитъаси<sup>90</sup> бўлсада, Ҳазрат ҳақидаги энг мукаммал асари «Ҳайрат ул–аброр» достонида унга бағишланган қасида шаклидаги бобдир. Унда шоир Хожа Баҳоуддин ва ул зотнинг ўринбосари Хожа Убайдуллоҳ Ахрорни васф этади. Бу ҳақда фаслнинг киришида Навоий ёзади: «Сунъ наққоши, яъни Ҳақ таоло, – Накшбанднинг вужудини ҳикмат қалами билан исломий лойиха асосида шундай яраттики, натижада унинг кўрсатмалари туфайли ислом динида бўлмаган хитойлар ҳам, фаранг (оврупали)лар ҳам унга тан берди. Бу ўринда Хожа Убайдуллоҳ (Ахрор)ни ҳам эслаб ўтиш ўринли. Чунки бугунги кунда Накшбанд ўриндаги ҳақиқий ўринбосар у кишидур»<sup>91</sup>.

М.Муҳиддинов докторлик тадқиқотида бу бобни фақат Баҳоуддин Накшбандга тегишли деб ҳисоблайди.<sup>92</sup> Бу нуқтада олимнинг хатога йўл қўйиши сабаби Навоийнинг бадий санъатлардан, айниқса, талмеҳнинг очиқ ва ёпиқ шаклидан фойдаланганидир.

Алишер Навоий Ҳазрат Баҳоуддиннинг пирлик, муршидлик сифатларини теран кўрсатиш мақсадида такрор санъатидан фойдаланади. У «нақш» сўзини 26 марта, «наққош», «нақшбин»,

<sup>90</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. -Т.:1996. 28–бет.

<sup>91</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. -Т.:1996. 29–бет.

<sup>92</sup> Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси.Д.Д. -Т.:1995.78–бет.

«нақшбанд», «фано», «жаҳон», «шоҳ», «офок» ва «гадо» калималарини бир неча марта иштатади. Шoir ҳар сафар шу сўзларни такрорлаганда уларга алоҳида-алоҳида маъно юктайди. Бириникининг шунчаки қайтарниги эмас.

*Ҳожаки, нақшонини сипехри баланд,  
Бўлгани ҳар сифҳасига нақшбанд,  
Айлади авроқ мунаққаш баса,  
Нақш рақам айлади дилкаш баса,  
Лек аниге нақши киби дилнаво,  
Чекмади то ҳомасидур нақш со.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 96.

Унинг кўнглида «нақши жул»–саховат, сахниёлик нақши мустаҳкам, тани эса ўзи солган варақ нақшида «маҳв» бўлган, йўқолган.

*Собит аниге кўнгли аро нақши жул,  
Маҳв ўлуб ул саҳфада нақши вуҷуд.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 96.

Ҳақ йўлидаги соликнинг асосий вазифаси Оллоҳдан бошқа нақшини (номини) қалбидан ўчирмоқдир. Бу иш уни олий даража – комилликка етказди. Навоний «нақш» деганда дунёни, «нақшош» деганда эса ҳолики оламни назарда тутган. Ҳазрат немишани «нақшбанд» матога нақш (тул) солишни анилатади. Калиманин рамзий маъносини мурид қалбида Оллоҳ муҳаббатини нақшлатадир. Шайх ўзида мавжуд камолот белгиларини мурид қалбида нақштайдир.

Ҳожа чизган (тўкиган) нақша бутун жаҳонда чизилари билан машҳуру маълум бўлган Чинликлар ҳам тенг келолмайдир. Олам унинг кўлида гўёки қимматбаҳо узукнинг кўзи.

*Нақшига тенг тутмай ўзин нақши Чин,  
Олам ўлуб илгида нақши нигин.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 96.

Дунё шунчалик ажиб нақшга аржуманд бўлдики, бунча нақш солишни нақш бандлар шохидан ўзга киши эплай олмас.

*Мунча ажаб нақш била аржуманд,  
Кимса эмас нақш гайри шаҳи нақш банд.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. -Б. 97.

Баҳоуддин Нақшбанднинг кўпгина сўфий, авлиёлардан фарқи, у рухни, кўнгилни камол топтириш баробарида меҳнат қилишни ҳам зарур, деб ҳисобларди. Навоий фикрича, Нақшбанд жонига машаққат, захмат нақшини солиб, фано (йўқлик) нақшини сизмоқликка ҳаракат қилди, яъни Оллоҳ васлига етишишнинг янги йўналишини тариқатидагиларга очиб берди. Нақшбандгача кўпгина сулук пирларининг умри сафар, саёҳат, пир суҳбати, туну–кун ибодат қилиш билан ўтар эди. Баҳоуддин бу хил ҳаётни ислоҳ қилди. Ул зотдан сизнинг тариқатингизда зикри жаҳр (овоз чиқариб зикр айтиш), хилват (ўзини олиб қочиш, чилла ўтириш) ва само бўлурми? дея сўраганларида, йўқ дея жавоб берган. Анжуманда хилват, зоҳир юзидан халқ билан ва ботин тарафидан Ҳақ билан бўлиш Нақшбандия тариқатининг асоси эди.<sup>93</sup>

*Жонга чекиб ранжу ано нақшини,  
Сизмоқ учун анда фано нақшини.  
Жони чу ул нақш макони бўлуб,  
Нақшдин ўзга бари фоний бўлуб.*

Ҳ.А. МАТ. Т.7. -Б. 97.

Нақшбандия сулукининг асосий қоидаларидан бири кўнгил билан оламни билиш. Солик ўз кўнгил билан ўтирган жойидан дунёни сайр қилади. Шаҳарма-шаҳар юриш шарт эмас. У ҳалол меҳнати ила оиласини боқиб туриб ҳам Оллоҳ ишқини кўнгилда нақшлаши мумкин. Наққошлик энг оғир санъатлардан. Ҳазрат

<sup>93</sup> Алишер Навоий. ТАТ. 15-том.-Т.:1968. 132-бет

Баҳоуддин бу санъатнинг барча машаққатлари («ранжу ано») ни ўз ҳаётида, вужудида синаб кўрган. Унинг жони шу нақшнинг макони бўлса, кўзлаган мақсади «фано нақши»дир. Бора–бора унинг танида Оллоҳ «нақши» – ишқидан ўзга ҳеч нарса қолмаган. Навоий ёзади, унинг кўнгли шу масканда сайр қилса-да, жонида Нақшош (худо) нақшидан ўзга нарса топилмас.

*Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,  
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши гайр.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 97.

Алишер Навоий бу фаслга Хожа Баҳоуддиннинг Оллоҳни унутмаслик, иймон ва эътиқодни пок тутиш, доимо умид ва ишонч билан Яратганга интилиш тамойилини асос қилиб олади. Шу боис М.Муҳиддинов бу бобни «манқаб», яъни соф тавсифдир, дейди.<sup>94</sup>

Нақшбанд изига пешона–манглайини суртиб, унинг нақшидан нур олувчи, у (Нақшбанд–Н.Ғ) «равзаи жаннатқа» хиром айлаганда – вафот этганда унинг ўрнини босиб турган валий, улуғ зот «қойим - мақом» – ўринбосар – Хожа Убайдуллоҳ Ахрор эди.

*Чун изининг нақшига суртуб жабин,  
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин  
Равзаи жаннатқа чу айлаб хиром,  
Ҳоли онинг ўрнида қойим–мақом.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 97.

Яширин талмеҳ санъатидан фойдаланиб, Навоий ёзади, «ул», яъни Хожа Убайдуллоҳ кўхна заминда тенгсизгина эмас, пири оламдир. Тескари фалак унинг даргоҳида тупроқ сипирувчи, фақат шугина эмас, жабини билан хошок, ўт–ўланларни тозаловчи.

*Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,  
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.  
Чархи нигун даргоҳида хок рўб,*

<sup>94</sup> Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Д.Д. -Т.:1995. 102-бет.

*Балки жабини била хошок рўб.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 97.

Унинг ҳузурига, суҳбатига не–не шоҳу султонлар юз қўйиб, бош эгади. Эғнида маърифат хазинасидан юз либос кийган пирнинг базмида оқиллар ихтиёрсиз, беҳуш.

*Юз қўюбон қуллугига шоҳлар,  
Базмида беҳуд ўлуб огоҳлар.  
Неча тушуб эғнига қилсанг қиёс,  
Хозини ирфон кафидин юз либос.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 98.

Либоси ипак матоли эмас ва унда макр–алдов, ўзгарувчанлик йўқ. Унинг суҳбатида энг гўзал маҳбуба – Оллоҳ сирларини ошкор этади, яъни ўзи оддий кийинади, факрона яшайди, суҳбати эса оҳанграбодек.

*Зарқ ила тағйири либос этмайин,  
Тафриқан хаззу палос этмайин.*

*Суҳбатида ҳар неча бешакку райб,  
Жилва қилиб шоҳиди раъноийи гайб.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 98.

Нақшбанднинг фикрича, меҳнатсиз топилган нарсага эга бўлгандан кўра қашшоқ яшаган маъкул. Шу баробарида Нақшбандиядаги солиқнинг уззу тун тоат–ибодат қилиб, чилла ўтириши, хилватга чекиниши, элдан ажралиши тариқатга хилоф эди. Шу қоидага амал қилган Хожа Убайдуллоҳ гўшаларда хилват қилмай, улус орасида юрган, ўзини яширмаган. Дунё бойликларини писанд этмаган, ҳаттоки, безакли, ораста газлама у кийган канождан тикилган тўни остида кўк остар.

*Гўшани хилват аро тутмай қарор,  
Ўзини қилмай яшурун ошкор.*

*Атласи гардун била минг зебу фар,  
Тўрқа тўни остида кўк остар.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 98.

Навойча, у жаҳон мулкида экилмаган экинзор (кўнгил)нинг деҳқони, мулкижаҳоннинг нигоҳбони. Бирор бир давлат, ўлка йўқки, у нигоҳбонлик қилмаган ёхуд бирор салтанат топилмаски, у султон бўлмаган бўлса.

*Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,  
Балки жаҳон мулки нигоҳбони ул.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 98.

Ўша вақтларда кўпгина подшолар, фузалою уламолар Хожа Аҳрорни ўзларига пир санаб, кўп масалаларда маслаҳатлар олишган.

Хожа Аҳрор худди Хожа Баҳоуддиндай одамларни фаол мулоқотга, ўз Ватанини севиш, ҳар қадамни ўйлаб босиш ва ноҳўя ҳаракатлардан узоқ туришга даъват этар, ҳар сонияни ҳушёрлик, билимдонлик билан ўтказишга ташвиқ этар эди. Ўз даври кишилари тафаккурида катта жонланиш уйғотган унинг фикрлари жамиятга ҳаётбахш янги бир шабада янглиғ эсди. Агар бирор бир шоҳга Хожа мактуб ёзса, шоҳ дарҳол уни кўзига суртиб, маъносини бошига тож, сўзларини тождаги қимматбаҳо тош деб билган.

*Руқьалари етса не шаҳ қошига,  
Иш ани қўймоглиғ ўпуб қошига.  
Англаб ани бош уза тожи яқин,  
Ҳар сўзи ул тож уза дурри самин.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 98.

Хожа жуда бадавлат бўлса ҳам фақирона ҳаётни афзал билган. Шу боис ҳам ҳақ сўзни айтишда шоҳу гадо баробар эди.

*Ҳақ сўзини элга қилурда адо,  
Тенг кўринуб олида шоҳу гадо.*

Хожа Аҳрорнинг ҳаёти, фаолияти ва таълимотини ёритишда тарихийлик мавқеида туриб, конкрет мулоҳаза юритган, афсонаю ривоятлар таъсирига берилмаган<sup>95</sup> Навоий бу икки авлиёнинг таърифини келтирибгина қолмай, улардаги муршидлик, раҳнамолик сифатларини бир–бирига қиёслайди. Иккаласи ҳам олам аҳлига раҳнамо, йўл бошловчи пири якто. Қоронғу, хира тунда юлдуз каби шуъла сочиб, ғуссали кўнгилларга порлоқлик, ёруғлик бахш этувчилар ҳам шу зотлардир.

*Тийра назарларга бериб нуру тоб,*

*Ҳар бириси ўйлаки нажму шиҳоб.*

Нақшбандия тариқатидагилар ҳалол меҳнат тарғибини қилишган. Хожа Баҳоуддингача сулук муршидларидан Хожа Али Ромитаний тўқувчилик қилган бўлса, Хожа Муҳаммад Анжир Фағнавий пахса (девор) урган, Саййид Амир Кулол (Амир Темурнинг пири) кулолчиликни касб этган. Демак, Нақшбандгача тариқат пирлари бирор касб соҳиби бўлишган. Фақат Хожа ҳазратлари бу талабни тариқатнинг асосий қондасига айлантирган. Навоий ёзганидек, гарчи уларнинг «ойин»лари тижорат бўлса–да, Баҳоуддин Балогардон ўзларининг озгина ерларида бугдой ва мош экиб, деҳқончилик қилган. Б. Валихўжаевнинг таъкидича, Хожа Аҳрор мавлоно Яъқуб Чархийнинг дуоларини олгач, Шошга келади ва ерда ишлайди.<sup>96</sup>

Ҳам деҳқончилик, ҳам тижорат билан шуғуллансалар–да, улар бойликка, молу–давлатга хирс қўймай, фақирлик нақдинасидан ўзларига ярашасини олганлар. Аслида бойликлари фано конидан, дурлари йўқлик дарёси эди.

<sup>95</sup> Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти.- Т.: 1996. 32–бет.

<sup>96</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. -Т.:1994. 68-бет.

*Гарчи тижорат бўлуб ойинлари,  
Бўлмади бир мулкда таскинлари.  
Симлари барча фано конидин,  
Дурлари йўқлук суви Уммонидин.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 99.

Фасл охирида шоир икки улуғ пирнинг шухрати, доврўғи, овозаси сўнмаслигини ва фақирликдаги бадавлатмандлиги–ю, иймондаги солимлигини Навоийга насиб этишни Оллохдан тилаб қолади.

*Ҳимматидин бизни ҳам этсун худой,  
Фақр йўлида гани, имонга бой.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б.100.

Хўш, Хожа Убайдуллоҳ ким? Навоий нега бу зотга меҳр кўйди?

«Насойим ул–муҳаббат...»да ёзилишича, Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафахот ул–унс мин ҳазарот ул–қудс» тазкирасини битаётганда Хожа Убайдуллоҳ ҳаёт бўлган. У кишидан бошқа ҳеч бир зот тириклигидаёқ бу китобга зикр этилмаган. Ўқиймиз: «Ҳазрати Махдумий Нуран «Нафахотул–унс...»да битир замони машойих ва акобирдинки ҳаёт қайдида эрдилар. Ҳазрати Хожа Носириддин Убайдуллоҳдин ўзга кишини ул табаррук китобида зикр қилмадилар...»<sup>97</sup> Аммо Навоий Хожа Аҳрор тўғрисидаги ҳамма маълумотларни ўз тазкирасига киритмаган. Чунки ўзининг фаҳми, идрокини қусурли деб ҳисоблаган. Ўқиймиз: «Ҳазрати Махмудий Нуранким, алар васфида бу навъ нукта сурубтурлар, аларнинг маорифидин баъзи сўз келтурубтурлар, чун сўз бағоят дақиқ бийик эрди ва бу бибизоатнинг фаҳми ва идроки андин қосир...»<sup>98</sup>. Демак, Навоий Хожа Аҳрорнинг ўзига маълум ва яқин сифатларининг баъзиларини келтирган, холос.

Навоийнинг Хожага ихлоси, муҳаббати Жомий орқали яна-да кучайган. Мавлоно Саъиддин Қошғарий вафот этиб, муршидлик

<sup>97</sup> Алишер Навоий.ТАТ, 15-том.-Т.:1968. 138-бет.

<sup>98</sup> Уша асар, 139-бет.

ўрнини Жомий эгаллагач, 1460 йилда икки муршиди комил Хиротда учрашади ва Жомий пирни уйига олиб келади. Шундан кейин улар доимо мулоқотда бўлиб келишган, ҳатто, Жомий икки марта Хожа Аҳрор билан суҳбатлашиш мақсадида маҳсуе Самарқандга борган. Бунинг биринчиси 1465 йилда, иккинчиси 1479 йилда юз берган. Дикқатга лойиқи шуки, икки муршиди комил Мовароуннаҳр ва Хуросонда туриб нақшбандийлик силсиласига раҳнамолик қилган, мамлакат ва халқ осойишталиги, илм-фан ривожини йўлида беқиёс ишларни амалга оширишган.

Хожа Аҳрор Хуросон машойихларидан Мир Саййид Қосим Анвор, Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофий, Мавлоно Муҳаммад Асад, Мавлоно Саъиддин Қошғарий; Мовароуннаҳр шайхларидан Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Абу Наср, Мавлоно Низомиддин Хомуш, Мавлоно Яъқуб Чархийлар хизматига етиб, суҳбатига мушарраф бўлган. Фақат Чағониён вилоятининг Хултуғу мавзеида яшовчи Яъқуб Чархий (ваф.1447й) да ўзи интилган маънавий пирни кўради. Навоий ёзади:»Мавлоно Яъқуб Чархийдин иршодлар ва тарбиятлар топибтурлар».<sup>99</sup>

Хожа Убайдуллоҳнинг энг катта хизмати Нақшбандия тариқатининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини белгилаб берган.

Демак, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Оллоҳ ишқини кўнгилларга чизувчи ҳалол меҳнат кишиси, тариқат асосчиси, фано даштида ўзини йўқ қилган, Тангри зухурининг ердаги наққоши сифатида тасвирланса, Хожа Убайдуллоҳ Нақшбанднинг ўринбосари, пири олам, эгнига маърифат хазинасидан либос кийиб, шоҳу гадога раҳнамолик қилувчи, энг гўзал маҳбуба-Ҳақ сирларини ошқора этувчи пир, факру-фанода ягона, кўнгилларни овловчи муршид тарзида талқин этилади.

<sup>99</sup> Алишер Навоий. ТАҒ, 15-том.- Т.: 1968. 140-бет.

Нақшбандия тариқатининг асослари ҳамма давр учун ибрат бўлган. Чунончи, Амир Темур ўз замондоши Нақшбандга катта бир ихлос билан қараган. Уларнинг иккиси ҳам Саййид Амир Кулолнинг муриди эди. Демак, «хампира» бўлишган. Шу сулукнинг «даст ба кору, дил ба ёр» шиори асосида Темурийлар салтанатида косибчилик, ҳунармандчилик, халқ амалий санъати янада тараққий қилган. Фаровонлик ва яратувчанликка катта эътибор берган Амир Темур нақшбандиянинг бунёдкорлик моҳиятини чуқур англаган.<sup>100</sup>

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг аҳамияти фақат унинг тарихдаги ўрни билангина чекланмайди. Бу силсиланинг ҳалол ва пок яшаш, меҳнат қилиш, касбу кор ўрганиб, фойдали ишларга машғул бўлиш, жамиятдаги одамлар билан иттифоқликда умр кечириш ва Ҳақ йўлидан тоймаслик ғоялари бугун учун, ҳозирги кишилар маънавий камолоти учун, демакки, келажак учун ҳам жуда керак. Ж.С.Тримингэм ёзганидек, тасаввуф, жумладан, нақшбандия фалсафаси «бундан буён ҳам инсониятнинг маънавий баркамоллиги учун муҳим ҳаётий таълимот бўлиб қолаверади».<sup>101</sup>

### 3.2. Хожа Муҳаммад Порсо ва Хожа Абу Наср тимсоллари

Алишер Навоийнинг бугун умри Темурийлар салтанатида, «Вақфия» асарида ёзганидек, йигитлик гулшанининг баҳори Хусайн Бойқаро хизматида ўтди. Темурийлар сулоласининг нисбатан уюшган давлатини тузган Хусайн Мирзога Навоийчалик азиз, мўътабар, жонкуяр инсон бўлмаган. «Вақфия»да ўқиймиз: “.....менинг бу ҳаётим гулбунининг гуллари ул ҳазрат (Х.Бойқаро–Н.Ғ)нинг хизмати баҳорида очилди ва йигитлигим ашжорининг шукуфа (дарахтининг гуллари–Н.Ғ)лари дағи ул ҳазрат мулозамати ҳавосида сочилди ва ул гуллардин кўп

<sup>100</sup> Косимов Ф. Салтанат таянчи. Сирли олам. 1996. №2, 12-бет.

<sup>101</sup> Дж.С.Тримингэм. Суфийские ордены в исламе.- М.: 1989. -С. 208

максудлар навбоваси (меvаси–Н.Ғ) ҳаётим комин баҳраманд этти». <sup>102</sup>

Навоий дўсти, ҳаммаслак, ҳамфикри Хусайнга қандай самимий муносабат билдириб, маслаҳату танбеҳлар берса, унинг фарзандларига ҳам шундай муносабатни сақлар эди. Айниқса, унинг Балх ҳокими Султон Бадиуззамонга меҳри ўзгача эди. Ўз навбатида шаҳзода ҳам пири донишнинг ҳурматини жойига қўйиб, ундан кўпгина масалаларда маслаҳатлар оларди. Биламизки, Хусайн Бойқаро билан ўғли Султон Бадиуззамон ўртасида тахт ворислиги масаласида анча келишмовчиликлар бор эди. Ота ва ўғил муносабатларини ҳар доим Навоий юмшатар, орага кириб Султон Бадиуззамонни тинчлантирарди. «Маҳбуб ул–қулуб»да ёзади: «Ва гоҳ салотин мухолафатларида ароға кирдим ва мунозаатларин мувафақатга қарор бердим» <sup>103</sup>.

«Муншаот»даги руқъаларнинг бирида Навоий падарнинг улуғлигини шаҳзодага пайғамбарлар, авлиё ва шуаролар тилидан уқтиради. Унда ёзилишича, Оллоҳнинг ризоси отанинг ризосига, Тангри таоло ғазаби ота ғазабига вобастадир. Ота фарзанд учун парвардигор, чунки Оллоҳ йўкликдан борликқа фарзандни келтираркан, сабабчиси қилиб отани танлайди. Навоий ёзади:»Бас киши ота ризосин ҳосил қилса, тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазабиға учраса тенгри таоло ғазабиға учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлгондин сўнгра киши нечук ота ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай». <sup>104</sup>

Айнан ота ва ўғил масаласини шоир «Ҳайрат ул–аброр»даги йиғирманчи мақолатга асос қилиб олади. Мақолат Султон Бадиуззамонга насихат тарзида битилган. Аммо насихатни бир шаҳзодага эмас, барча Темурий салотинларга тегишли, деб қараш лозим. Унда тасвирланишича, Бадиуззамон гавҳари якто, шохга

<sup>102</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 13-том.-Т.:1966. 173-бет.

<sup>103</sup> Ўша асар, 8-бет.

<sup>104</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том. Т.:1966. 127-бет.

шоҳу, хонга хон, кон ичра дури шоҳвор, хисрави жамкадр, зоти башар, сифоти малакдир.

*Зоти назоҳатда малоик сифот,  
Пок сифоти била йўқ ҳеч зот.  
Зоти башар, лек сифоти малак,  
Балки сифоти била зоти малак.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 318.

Таъби баландлик–манманлик, гердайиш элга ҳам, Ҳаққа ҳам манзур эмас. Шаҳзодада эса мана шу кеккайиш бўлмаслиги шарт.

*Ойни ёруг, чархни демак баланд,  
Таъби баланд элга эмас дилписанд.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. -Б. 319.

Навоийча, умр – вафосиз, давлат, мол–мулк, тожу тахт бақосиз. Ҳаёт кўз очиб юмгунча ўтади. Бу дунёдаги барча нарсалар сароб. Жумлаи жаҳон фоний. Фақат барча нарсани берувчи ва олувчи Ҳақ таоло боқий. Шу боис Уни ҳамма вақт ёдда тутиш, қалбан бирга бўлиш шаҳзодалар иши. Агар шоҳ Ҳақ ёдидан огоҳ бўлмаса, у гадодан ҳам баттар. Навоий шоҳ ва гадони бир–бирига чоғиштиришда тазод санъатидан фойдаланади.

*Бўлмаса ҳақ ёдидин огоҳлик,  
Билки гадоликча эмас шоҳлик.  
Бўлса гадо тенгридин огаҳлиги,  
Бордур анга икки жаҳон шахлиги.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 320.

Шоҳга ғалаба ёр бўлса, бу унинг билагини кучидан эмас ёки бир мушкулот тушиб, омади келмаса, бу унинг толеъи эмас, Худонинг марҳаматидир.

*Шаҳлигинга айламагил зътибор,  
Ҳақ газабун лутфиға қил зътибор.*

Ҳ.А. МАТ. Т.7. –Б. 320.

Яъни Ҳакни унутиш, мол–мулк, салтанатга маҳв бўлиш, фиск–фасодларга учиб, отага қарши чиқиш, демакки, Ҳақ ғазабидан кўркмаслик нафснинг белгиси. Агар Оллоҳ хоҳласа, шаҳзодани тахтгир, бутун эл–улусни унинг амрига мунтазир этади.

*Сангаки ҳақ лутф этибон тожу тахт,  
Қилди каромат ўқуш иқболу бахт.*

Ҳ. А. МАТ.Т.7. –Б. 321.

Навойи Султон Бадиуззамонга шарт қўяди: агар ўз мақсадинг сари интилсанг, ишингда шариат тариқини шиор айла, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам йўлидан оғишмай бор, адолатли, тўғри сўз, инсофли бўл.

*Истар эсанг мақсади аслига юз,  
Жоддаи шаръи Муҳаммадни туз.*

*Шаръ тариқини шиор айлагил,  
Адл ила мулкунгга мадор айлагил.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. -Б. 322.

Шариатга амал қилган шох адолат сояси билан гуноҳга йўл қўймаслиги, ҳар қандай нафсий ишлардан хазар қилиши, яхшига яхши, ёмонга ёмон муносабат билдириб, инсонни инсондан, нияти бузук, нопок одамни софдилдан ажрата олиши шарт.

*Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,  
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 325.

Энди Навойи асосий ниятга ўтади. Фарзанд дунёда ҳеч вақт ранжу алам кўрмайди, қачонки ўзини мурид, отасини пир деб билса ва ҳар ишда унинг ҳукумига итоат қилса.

*Зода муриду отани пир бил,  
Ҳар ишида ҳукмига таъсир бил.  
Бўлма бу пир олида тақсирлик,*

*Истар эсанг давлат ила пирлиқ.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 328.

Аслида давлату мулк ҳам, иззат–икром ҳам ота дуосидан. Мақолат ҳикоятида устозу шогирд, пиру мурид, ота ва ўғил Хожа Муҳаммад Порсо ва Хожа Абу Наср ҳақида ибратомуз воқеа келтирилади. Бу ҳикоят тожу–тахт бевафолиги–ю, умр ўткинчилиги, давлатни бошқаришдаги адлу инсоф ва фарзандлик бурчи каби фикрларнинг исботи янглиғ кўзга ташланади.

«Рисолаи кудсия», «Фаслул–хитоб» асарларининг муаллифи Хожа Муҳаммад Порсо Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи (халифа) ўринбосари эди. Бир куни у Хожа ҳузурига келиб, эшик тагида анча туради. Тасодифан кўчага чиққан каниздан Хожа «кўчадаги ким?» деб сўраганида у «бир порсо йигит» деб жавоб беради. Ҳазрати Нақшбанд ўша кундан бошлаб уни «порсо» деб атайдилар. «Порсо» – такводор, художўй маъноларини англатади.<sup>105</sup>

Ҳикоятда тасвирланишича, у нодираи аср, покдомонлик ва такводорликда замонининг яғонаси.

*Наъли изи гунбади давворсо,  
Улки лақаб келди унга Порсо.  
Гарчи ўзи нодираи аср эди,  
Ўгли анинг Хожа Абу Наср эди.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 328.

Фақирликда «шаҳи озода»-Хожа Порсо ўғли Абу Наср билан Макка сари йўл олади. Неча кун ота ва ўғил бир–бирларига ҳамроҳлик қилиб, Ҳаж арконини адо этишади.

*Халқ ҳаж арконини айлаб тамом,  
Топибон ул тавф ила олий мақом.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 328.

<sup>105</sup> Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон.-Т.: 1993. 6-бет.

Тавофга келганлар Хожа Порсодан Ҳақ даргоҳида дуо қилишини илтимос қиладилар. Шайх эса бу ишни ўғли Абу Насрга лойиқ кўради. Ҳамма ҳайрон. Шайх айтади, киши Ҳақ таоло даргоҳига пирсиз келса, у ҳар қадамда йўлдан озмоғи мумкин. Менинг пириим йўқ. Тангри мени ўғлимга пири раҳнамой қилди.

*Кимсаки йўқ раҳбари бу йўл аро,  
Мумкин эрур озмағи ҳар қўл аро.  
Йўқ эди бу йўлда манга раҳнамой,  
Тенгри мени қилди анга раҳнамой.*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 329.

Хожанинг раҳнамойлигини қандай тушунамиз? Аввало, солиқ Ҳақ даргоҳига пири билан бораётганда ҳеч қандай хавф–хатарни ўйламай, кўркувларни писанд этмай, «сулук ичра шухуду ҳузур» қилади. Фақат ва фақат Ҳақ ёди билан бўлади. Пир-чи? Муршид ўзи ва муридига келадиган хавфлардан доим ҳаросон (кўркув) да. Шу боис у Ҳақ ёдидан оз-моз чекинади. Абу Наср падари раҳнамолигида ҳар доим Яратган фикри билан бўлган бўлса, Хожа Порсо бутун йўл давомида муридидан хавотирда эди. Шунинг учун у ўзини дуо айтишдан четга олган.

*Ўзум учун, онинг учун менда гам,  
Ул гум этиб ҳақда ўзин, мени ҳам.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 329.

Хуллас, ўғил ноилож кўзига ёш ила дуога қўл очади: «Эй, Оллоҳим, уётдан сенга паноҳ айлаб айтаяпман. Агар менинг тилакларим ижобат бўлмаса, пиримининг дуосини қабул айла».

*Билмас эсам мен тилак ойинини,  
Айлама зойи анинг оминини.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 330.

Навоий яна мақолатдаги ота ва ўғил масаласига қайтади.

*Ё раб, ул омину дуо ҳурмати,  
Ё ул ўгул бирла ато ҳурмати.*

*Ким бу ато бирла ўгулни мудом,  
Давлату дин тахтида тут мустадом.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 330.

Яъни эй Оллоҳим, шу омину дуо хурмати ёки «ул ўғул» – «Хожа Абу Наср» ва «ато» – Хожа Порсо хурмати бу «ато бирла ўғул», яъни Ҳусайн Бойқаро ва Султон Бадиуззамонни давлату дин тахтида ҳамиша абадий қил. Ҳикоят охирида Навоий соқийга мурожаат қилиб:

*То бўлайин масту сабоҳу масо,  
Неча риё бирла бўлай Порсо,*

Ҳ. А. МАТ. Т. 7. –Б. 330.

лейди. Байтдаги «Порсо» сўзининг биринчи маъноси Хожа Муҳаммадга ишора, иккинчиси эса ёмон, риё ишлардан ўзини сақлашдир.

Демак, Хожа Порсо ва унинг ўғли Абу Наср ҳақидаги ҳикоят панд–насихат доирасидан чиқиб, сиёсий тус олган. Биргина шу воқеа баҳонасида Навоий Темурийлар салтанатини инқирозга олиб борган тожу тахт талашуви, отани ўғилга, акани укага қилич ўқаттирган фожеани кўтариб чиқади.

Хўш, тазкира, маноқибларда Хожа Порсо ва Хожа Абу Наср ҳақида нималар қайд этилган? Хожанинг ҳажга бориш воқеаси нега «Лисон ут–тайр»да келтирилади?

«Рашаҳот»да ҳам, «Насойим ул–муҳаббат...»да ҳам қайд ёзилишича, Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Накшбанднинг хизматларида бўлган соҳибкаромат шайх. Шоҳи накшбанд бутун Хожагон тариқатини унга топширган. Хожа Накшбанд Ҳижоз йўлида касал бўлганида унга шундай деган: «Тариқат хожаларидан бизга ҳар қандай ҳақ ва омонат етган бўлса ва бу йўлда нимаики топган бўлсак, ўшал омонатни сенга топширдик, чунончи Мавлоно Ориф (Дегтароний қ.с. Нахшабда бўлган–Н.Ф)

топширганда қабул қилганингдек, биздан қабул қил ва Аллоҳ халкига етказ!»<sup>106</sup>

Порсонинг ўғли билан ҳажга бориш воқеаси тарихий факт. «Насойим ул-муҳаббат...»да ёзилишича, Хожа Порсо ҳижрий 822 йил муҳаррам ойида Бухородан чиқиб, Насаф орқали Чағониён, Тирмиз, Балх, Хирот ва ундан Жомга келади. Ўшанда ҳали беш ёшга тўлмаган Жомийни Порсо кўлига олиб, бир бош кирмоний набот берган. Ўқиймиз:»Ва секкиз юз йигирма иккида муҳаррам ойида Байтул-ҳарам ва набий зиёрати нияти била Бухородин чикдилар ва Насаф йўли била Чағониён ва Тирмиз ва Балх ва Хиротқа мазорати мутабаррака зиёрати қасди била азимат қилдилар. Барча ерда содот ва машойих ва уламо аларнинг шариф макдамларин муғтанам билдилар ва тамом эъзоз ва икром била талаққий қилдилар».<sup>107</sup>

Хожа Абу Наср ибн Муҳаммад Ҳофизини Бухорий шариат илми ва тариқат одобини отасидан ҳам баландроқ пояга олиб чиққан, ҳаттоки, баъзи бир масалаларни ҳал этишда отасидан ҳам устун бўлган. Навоий ёзади: «Ва алардин сўнгра (Хожа Порсодан кейин-Н.Ф) аларнинг ўрнида самарайи шажарайи таййибалари Хожа Ҳофизиддин Абу Наср ибни Муҳаммад Ҳофизини Бухорий эрдик, улуми шариат ва русуми тариқат поясин бузургвор отасига еткуруб эрди ва вужуд нафйи ва мавжуд базмида алардин ҳам ўтқариб эрди».<sup>108</sup>

Навоий «Ҳайрат ул аброр»даги воқеа баҳонасида ота-ўғил ўртасидаги тож-тахт талашини фожеасини таҳлил этса, «Лисон-ут-тайр»даги айни шу воқеа баҳонасида тамом ўзга мақсадни ифодалайди.

Маълумки, «Лисон ут-тайр»да жаҳон қушлари мартаба ва фазилатларига кўра жой талашиб, ўзларига подшо излаб (подшо

<sup>106</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 15-том.-Т.:1968. 134-бет.

<sup>107</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 13-том.-Т.:1966. 134-бет.

<sup>108</sup> Ўша асар, 136-бет.

Симурғ), Худхуд бошчилигида йўлга тушадилар. Улар етти (Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Факру фано) водийдан ўтиб, подшони тополмайдилар. Охири Симурғ ўзлари эканини англайдилар. Қушлар (дарвешлар) Ҳакни излаб, галма-гал водийлардан ўтаётганда бир қуш Худхудга инсофнинг эҳсони нимада ва инсофли одам Ҳақ хузурига етиша оладими? дея савол беради. Худхуд унга Оллоҳ берган сифатлардан аълоси, шарафлиси инсоф ва бу сифат фақат Ҳақ мардларига берилажагини айтиб, ота ва ўғилнинг Ҳаж бориши ҳақидаги ҳикоятни келтиради.

«Ҳайрат ул-аброр»да Хожа Порсо Маккага келгунча ўзини пирсиз, адашган деб ҳисоблаб, дуо қилишни муриди-ўғлига топширган бўлса, «Лисон ут-тайр»да Хожа Муҳаммад фазлу камолдаги комил авлиёда инсоф бўлиши шарт ва комиллик инсоф оламидаги ягоналикдир, дея дуо айлашни Абу Насрга топширади.

*Гар мунга боисдурур фазлу камол,*

*Олами инсоф аро беқилу қол.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 333.

Агар «Лисон ут-тайр»да биргина инсоф мисолида Хожа Порсо ва Хожа Абу Насрнинг Ҳажга бориш воқеаси тасвирланса, «Ҳайрат ул-аброр»даги ҳикоятда Навоий ота ва ўғил орасидаги мурасасизлик, пиру муршидсиз тариқат йўлини тутмаслик, дунё бойлигига кўнғил бермай, Ҳақ йўлини, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам тариқини маҳкам тутиш каби ғояларни бир-бирига боғлайди.

Яна бир муҳим масалага ойдинлик киритиш керак. «Ҳайрат ул-аброр»даги мақолатда Навоий Темурийлар салтанатини, хусусан, Ҳусайн Бойқарони ҳаддан зиёд танқид қилмоқчи эмас. Айрим ишлатларни кўрсатган, холос. Ҳусайн Бойқаро Навоий учун раҳнамо, дўсти жонкуяр, ҳомий, ҳар ишда қўлловчи, шоир яратган ҳар бир асарни жамлаш, кўчиртириш,

асраш—авайлашга жонбозлик қилувчи шоҳ. И.Султонов ёзганидек:»Хусайн Бойқаро учун Навоий ва унинг буюк асари Жомий асарлари билан бир қаторда даврнинг беаги ва улар давр подшоҳининг фахри эди.<sup>109</sup>

«Хамса»нинг ҳар бир достонида Навоий дўсти Бойқарога алоҳида боб бағишлайди. «Хайратул—аброр»да у адолатпарвар, халқсевар шоҳ, кўнгли билимлар гавҳарининг қони, кўли саховат «ганжрез»и, шоҳу гадога баробар зот сифатида тасвирланса, «Фарҳод ва Ширин»да шоир ҳарфий санъатлардан фойдаланиб, Бойқаронинг исмини назм ипига тизади. «Лайли ва Мажнун»да салтанат авжининг чароғи, адлу эҳсон қуёши, чавгон ўйинининг моҳири, «Сабъаи сайёр»да эса юзи шоҳу, ичи дарвеш, пашшага ҳам озор бермайдиган, зарур вақтда нафсини жиловлайдиган ҳукмдор бўлиб гавдаланади. «Садди Искандарий»да Хусайн Бойқаро шарият қоидаларини бажарувчи, жаҳон дуржининг ноёб гавҳари, халққа ширин сўзи билан тириклик сувини ичирувчи замонасининг Искандаридир. Агар Искандарга ҳақимлар кўмак берса, унга «ҳакими азал»—Ҳақ таоло ёрдам беради. Бирок, Навоий ўз дўстининг ёлғон яшиқларга ишониб, ногўғри ҳукмга келишидан ранжиган. Худди шундай ҳам бўлди. Унинг катта ўғли Султон Бадиуззамон Астробод ҳокими эди. Ҳисорда бўлган урушда у отасига кўмакка келади ва тахтни ўғли Мўмин Мирзога топширади. Урушда ғалаба қозонгач, Бойқаро катта ўғлига Балхни, Астрободни суюкли Музаффар Мирзога тортиқ қилади. Бундан ғазабланган Бадиуззамон ўғли Мўмин Мирзога чопар юбориб, тахтни бермасликни буюради. Навоий бу воқеалар қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини фаҳмлаб, 1497 йили сулҳ тузиш учун Балхга боради. Шоир бу вазифани ҳадди аълосида бажаради. Лекин Хусайннинг бебурдлиги масалани яна

<sup>109</sup> Султонов И. Жаҳон адабиётининг подер обидаси.- Т.: 1986. 29-41 бетлар.

чигаллаштиради. Гап шундаки, Навоий Балхга жўнагач, Ҳусайн Мирзо одамларига Султон Бадиуззамонни хуфиёна ҳибсга олиш ҳақида яширин буйруқ беради. Бу фармон Шахзоданинг кўлига тушади ва у ҳар қандай сулҳдан воз кечади. Бу вақтда Музаффар Мирзо Астрободни эгаллаб, жияни Мўмин Мирзони Ихтиёридин қалъасига жўнатади. Вазиятдан фойдаланган Хадичабегим Низомулмулк ёрдамида кичик шаҳзодани ўлдириш тўғрисидаги фармонга кўл қўйдиради ва тезда ижро эттиради. Мўмин Мирзонинг ўлими Темурийлар салтанатининг ҳақиқий таназзулидан нишона эди.

Садриддин Айний Ҳусайн Бойқаронинг мардлиги, жасурлиги баробарида ичкиликка ружу қўйганини “Сабъан сайёр”даги Баҳромга ўхшатади. Бойқаро Навоий далолати билан бўлса ҳам мамлакатни аввалига адолату интизом билан бошқаради. Аммо айшу ишрату ичкиликка берилиб, яхши сифатларини йўқота бошлагач, мамлакатда, салтанатда парокандалик юз беради.<sup>110</sup> Камчиликлардан қатъи назар, барибир Ҳусайн Навоий учун энг азиз инсон бўлиб қолди. Ҳаттоки, Темурийлар салтанатини кунпоя–кун қилган Шайбонийхон «пайғамбар вақтидан бери ҳали ер юзи Ҳусайнчалик ақлли, маърифатли подшоҳни кўрган эмас» деб унга юксак баҳо берган эди.<sup>111</sup>

Демак, Навоий «Ҳайрат ул-аброр»даги охириги ҳикоятда ҳар қандай тожу тахт, бойлик, сарватмандликни Тангри таоло беришини таъкидлаб, отани Ҳақ ўрнида кўр, унга қарши борсанг, Ҳақ таолодан ранж кўрасан, дея насиҳат қилади.

*Кўрмагасен йўл аро ранжу надам,  
Ҳар қадаме ўрнига қўйсанг қадам.*

Ҳ.А. МАТ. Т. 7. –Б. 327.

<sup>110</sup> Айюбӣ С. Танланган илмий асарлар. -Т.: 1978. 206–бет.

<sup>111</sup> Бергелъс Е.Э. Навои.-М.-Л.:1948.75-бет.

Унингча, ота изидан қолмай, унга меҳрибонлик кўрсатиб, дилини хушнуд этган фарзанд Тангри йўлидан ҳам тўғри юрган бўлади. Навоий учун муҳими шу. Унинг ўзи ҳам ҳар бир босган қадами, қилган иши ва сўзлаган гапида Ҳақ кўрсатган йўлдан қайтган эмас.

## Х У Л О С А Л А Р

Мусулмон Шарқида сўфий, шайх ёхуд авлиёларнинг ҳаёт тарзи, феъл-атвори кўпчиликка ибрат, намуна бўлган. Улар фоний дунё лаззатларидан кечиб, ўз нафсини енгиб, Ҳақ сари талпинган. Алишер Навоий ҳам ўз даврининг фарзанди сифатида бу тоифа инсонларга чексиз ҳурмат кўрсатган. Жуда қисқа бир муддатда 52 минг мисрадан ортиқ бадий обида—«Хамса»ни яратган Навоий XV аср Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалаларини тўлароқ, равшанроқ кўрсатишда сўфийлар тимсолидан восита сифатида фойдаланган.

—«Хамса»даги сўфийлар тимсоли иккига ажралади: тарихий ҳамда рамзий сиймолар. Тарихий сиймоларнинг ўн иккитаси «Ҳайрат ул-аброр»да зикр этилса, рамзий тимсоллар эса «Хамса»нинг қолган дostonларида учрайди. Улар сирасига пирлик сифатлари акс этган пайғамбарлар, муршид сифатида талқин этилган тарихий шахслар ва моҳиятан сўфийлашган сиймолар киради.

—Дostonларнинг анъанавий кириш бобларида Алишер Навоий Абдурахмон Жомийнинг бир неча пирлик сифатларини очиб беради. Дostonдан дostonга Жомийнинг муршидлик хислатлари сайқалланиб, такомиллашади. «Ҳайрат ул-аброр»да у тариқат яғонаси, ҳақиқатларни кашф этувчи, абадийлик ғорига муяссар бўлган зот, «Садди Искандарий»да эса хилватнишинликда Рухул-амин, Исо нафасли дуогўй, Оллоҳдан дарак берувчи комил инсон бўлиб гавдаланади.

—Алишер Навоий ҳаёти давомида тасаввуф қоидаларига изчил риоя қилиб, «Вақфия»да ёзганидек, ғараз ўғрисини фано дорига осиб, ҳирсининг бўйнини қаноат қиличи билан кесиб, муддао касрини риёзат ёмғири билан йикитиб, нафс ниҳолини инкитоб қўли билан синдириб, таваккуъ хирманини фақирлик ўтида

куйдириб яшаган.<sup>112</sup> Шундай экан, у «Хамса»да покдомон, гўзал хулқли, яхши сифатли, Ҳақ таолодан ўзгани тан олмайдиган, лукмайи ҳалол билан кун кечирадиган комил сўфийлар сиймосини чизишга ҳаракат қилган. Сўфийларга хос ҳиммат, сабр–қаноат, адаб ва гўзал муомала, вафодорлик каби хусусиятлар «Ҳайрат ул–аброр»даги ҳикоятларда изчил суратда сингдирилган. Достондаги тарихий сўфийлар орасида илк тасаввуф намояндалари (Иброҳим Адҳам, Робия Адвия, Абдуллоҳ Муборак, Шайх Ироқий) ҳам, ўз сулукига эга бўлган етук авлиёлар (Хожа Нақшбанд, Шайх Сухравард) ҳам, тириклигидаёқ Навоий меҳрини қозониб, комил инсон даражасига етган зотлар (Абдурахмон Жомий) ҳам бор.

–Боязид Бастомий ҳақидаги ҳикоятда Алишер Навоий «Хамса» ни битишда ўзига Оллоҳдан куч–қувват ва иймони бутлик сўраса, Иброҳим Адҳам ва Робия Адвия ҳикоятида Тангри таоло наздида жаннат илинжида юрган намозхон афзалми ё кўнглида Ҳақ ишқи жўш уриб, Яратганнинг васлини истаган ниёзманд дурустми, деган масалани кўяди. Гарчанд, Иброҳим Адҳам шоҳликдан воз кечиб, ўн тўрт йил машаққат билан Каъба тавофига борган бўлса–да, шоир унинг риёзатларини «намози риё» деб билади. Чунки у шунча йил давомида Оллоҳнинг васлига эмас, унинг жаннатига талпинди. Робия эса Ҳақ ёдида куюнавериб қаддини ҳам, рангини заъфарон қилган. Шу боис Маккатуллоҳ унинг тавофига ўзи боради. Демак, Навоий Оллоҳ куйида на ўзини, на оламни, на ибодатни тан олган Робия Адвияни такводор Иброҳим Адҳамдан устун кўяди.

–Ким дўзах азоби кўркувидан Оллоҳга сиғинса, у нафс бандаси, ким ўзига уммид ва ҳорғинлик тиласа, унинг нияти жаннатда осойишталик, Ҳақ йўлидаги тоат–ибодат эвазига жаннат

<sup>112</sup> Алишер Навоий. ТАТ, 13-том.-Т.:1966. 166-167-бетлар.

ё дўзах мукофот эмас, деган ғояни Ҳазрат Навоий «пири Хирий» – Абдуллоҳ Ансорий тимсоли орқали айта олган.

–Ишқи илоҳ солиқни комил зотга айлантиради. У суйган гўзал нозанин – Оллоҳнинг тажаллиси. Фано куйида боқий, замоннинг фахри, сўзи гавҳар ёғдирувчи булут, кўнгли ишк сирларининг хазинаси бўлган Шайх Фахриддин Ироқий подшонинг лутфу малоҳатда тенгсиз бўлган ўғлига ошиқ бўлади, тўғрироғи, шахзода сиймосида Ҳақ зуҳурини кўради. “Насойим ул-муҳаббат...”даги маълумотларда ҳам айна шу моҳият таъкидланади. Аммо хикоят замирида ҳеч қандай ғайриахлоқий муносабат йўқ. Биргина Шайх Ироқий ишқи мисолида Навоий фақат Ҳақ таолога хос илоҳий хусннинг инсонда мужассамлашганини кўрсатган, холос.

–Алишер Навоий мақбул ва мардуд котибларни бир-бирига қийслаб, ҳар бир инсон мақбул йўлдан юриб, ҳалол меҳнат, пок ният ва Ҳақ ёди ила Оллоҳнинг марҳаматига эришсин, Тангри берган мартабадан баландроқ иззу–жоҳ изламасин, деган хулосага келади. Бу хулосанинг исботи Шайх Сухравард тимсоли бўлди. Иккинчи жиҳати шуки, Ёқут ва Сухравард сиймолари орқали шоир Сухравардия сулукининг энг ижобий тарафи, яъни сулук муршиди давлат ишига аралашishi, подшолар дастурхонидан таом ейиши мумкин, деган ғояни исботлайди.

–Нафс бандани Оллоҳдан ажаратади. Ундан қутулишнинг йўлини Навоий илк сўфий, муҳаддис, саркарда Абдуллоҳ Муборак Марвазий сиймоси орқали кўрсатади. Шайх жангтоҳда душман саркардасини енгиб, юзидаги ниқобини очмай майдонни тарк этади. Навоий хулоса қилади, сипоҳий, черикларга кўз–кўз қилиб, жиҳодга кириш, душманни мағлуб этгач, улардан олқиш эшитиш нафс аломати. Иккинчидан, сулукка кириб, Оллоҳга чин дилдан тавба қилиш, нафсини енгиб, ҳамида ахлоқ сифатларига эришиш ҳақиқий солиқнинг ишидир.

–Инсоннинг комиллик хислатларини кўрсатишда пирлик сифатлари жамланган пайғамбарлар сиймоси ҳам Навоийга кўл келди. Одамларга наф етказиш, мол–мулк ва ширин сўз билан эҳсон қилиш ва эвазига тамаъ қилмаслик пайғамбар Айюбнинг шиори. Навоий наздида, Айюбнинг уйи жавохирлар солинадиган кути, ўзи кути ичидаги энг тоза дур. У қалб кўзи кўр, одамлар ҳисобидан кун кўрадиган, тили, дили саховатдан бебахра ўғрини тарикатга бошлаб, ўзлигини танитади. Шайх Айюбнинг сифатларини тасвирлашда Навоий бадий санъатнинг ирсолу-масал, муболаға, ташбеҳ, такрор, таносиб каби турларидан фойдаланган.

–Шарқ адабиётида Хизр алайҳиссалом тириклик сувини топган, доимо йўл кўрсатувчи зот сифатида талқин этилади. «Фарҳод ва Ширин»да эса у солиқни манзилига етказувчи тарикат пири. Тасаввуфда дунёнинг ўзи фоний, ундаги ҳамма нарса ёлғон ҳисобланади. Хизр Фарҳодни тарикатдаги иккинчи манзилдан олиб ўтиб, шер (ғазаб), темир пайкар (рўё, ёлғон)дан қутултиради, Илоҳдан чалғитувчи унсурлардан халос этади. Хавфларни енгган Фарҳод Жоми Жамшидни кўлга киритади. Демак, Хизр фоний дунё неъматларидан юз ўгириш, иззу жоҳ, тожу тахтдан воз кечиш йўлини кўрсатган муршиддир.

–Алишер Навоий чизган Сукрот – комил пир. Ўзи минг йиллаб ғорда хилватнишинлик қилса ҳам руҳи бугун оламни кезиб чиққан. Фарҳод Жоми Жамшид ёрдамида Сукрот ғорини топади. Навоий шу топишни «ёр» олдига, яъни Ҳақ даргоҳига топилган йўл деб баҳолайди. Сукротнинг вужуди катта олам, кўнгли барча нарсалар жамланган тиниқ денгиз, юзи Тангри нуридан порлаган кўзгу. Олам ҳилмлиги унинг зотида, билимлар шукуҳи унинг чехрасида намоён. Сукрот маҳбуби ҳақиқийга етишишнинг икки қадами, яъни ўзликдан кечиб, ўзини топиш сирларини ўргатиб, Фарҳоддаги ишқи мажозни ишқи ҳақиқийга айлантиради.

Сукротнинг муршидлик жиҳатлари Навоийнинг устози, пири Жомийга ўхшаб кетади. Агар Сукрот Фарҳодга ҳақиқий ишқдан дарс берган бўлса, Навоийга ишқ таҳсилани бериб, Нақшбандия тариқатига олиб кирган зот Абдурахмон Жомий эди.

–“Ҳотами Тоий ва чол» ҳикоятидаги ўтинчи чол сиймосининг моҳият-мазмунида сўфийлик хислатлари мужассам. Қариянинг ҳаётини тасвирлашда истибтоъ ва ташбеҳдан фойдаланган Навоий Хотамни ҳирс бандиси, тамаъ бўйнига ип боғлаган, ҳиммати паст, нафс одами, дея танқид қилади. Қария наздида, ҳақиқий меҳнат машаққатини билмаган инсон ҳеч вақт саховатпеша бўлолмайди. Гарчанд, чолнинг қадди оғир юкдан букик-у, ўзи ҳар қадамда чарчаб қолса-да, ҳеч қачон бировга у ўзини кўз-кўз қилмайди. Айтиш жоизки, Навоий тасаввуфдаги ҳалоллик, ҳалол лукма ейиш, сахийлик, олийҳимматлилиқ ва уларга тесқари бахиллик тушунчаларини икки сиймо орқали кўрсатиб берган.

–Пир сифатида талқин этилган қаноатли жавонмард ҳақидаги ҳикоятда Навоий «азза ман қанаъ», яъни қаноат қилган азиз бўлади ҳадисига асосланади. Шоирнинг ҳулосаси шуки, тариқатга қираётган солиқ олдида бир йўл туради. Йўл иккига бўлинган. Биридан юрса, дунё лаззатларига кўмилиб, оёғини ҳазинага қишанлаб кўяди. Сабр-тоқат қилиб, иккинчисидан юрса, Ҳақ таоло унинг мартабасини улуғ қилади. Аввалги йўл анча силлиқ, маишатли, иккинчиси оғирроқ. Унда киши оч-наҳор қолиши ёхуд юпун қийиниши мумкин. Лекин охир-оқибат Тангри таоло берган мамлакат ганжига сазовор бўлади.

–Халқни фоний дунёдан ноумид қилиб, фано сари ундаган, фақирлик, олиҳимматлилиқ борасида шоҳлар шоҳи бўлган пир образи воситасида Алишер Навоий Искандарга фақирлик йўлининг шартларини тушунтиради. Халқдан ўзини олиб қочадиган пири қомилга Искандар шоҳлик тахтини таклиф қилганида у шоҳга тўрт шарт кўяди: чек-чегараси йўқ абадий

хаёт, қариликни билмайдиган йиғитлик, камбағаллик юзини кўрмайдиган бойлик, ҳеч бир ғами йўқ шодлик. Пир таъкидлаган тўрт «сармоя»ни фақат Ҳақ таоло ҳақиқий ошиғига беради. «Ёр»нинг васлидан сархуш бўлган ошиқ чеки йўқ хаётга, қарилиги йўқ йиғитликка, тугамайдиган бойликка, ғаму андухи йўқ шодликка эришади. Бу ғоя «Ғофил йиғит ва пир»даги тариқат комили, хаётнинг аччиқ-чучугини тотган муршид тимсолида яна-да чуқурлаштирилади. У хаётнинг мазмунини кайф-сафо, айш-ишратда деб билган ғофил йиғитни Ҳақ йўлига бошлайди. Бу сиймо орқали Навоий айтмоқچики, туфузиятда ўз ақлини йиғи олмаган ва қариликда ҳам ўша қилиқларини ташламаган банд ҳеч вақт Ҳақ таоло раҳматига сазовор бўла олмайди.

–Алишер Навоий Накшбандия тариқатига мансуб. У «Хайрат ул-аброр»да Хожа Баҳоуддин Накшбанд ва Хожа Аҳрор Валийга алоҳида боб бағишлайди. Фасл асосида Ҳазрат Накшбанднинг Оллоҳни унутмаслик, иймон ва эътиқодни пок тутиш, доимо умид ва ишонч билан Яратганга интилиш каби ақидалари ётади. Навоий талқинида бу икки авлиё олам аҳлига раҳнамо, йўл бошловчи, қоронғу, хира тунда юлдуз каби шуъла сочиб, ғам-ғуссали кўнглиларга порлоклик, ёруғлик бахш этувчилардир. Такрор, талмех, ташбеҳ санъатидан мохирона фойдаланган Навоий фақирлик нақдинасидан ўзига яраша бойлигини олган бу икки пир муршиднинг ҳалол меҳнат ва пок иймон билан умр гузаронлик қилганига алоҳида урғу беради.

–Алишер Навоийнинг бутун умри Темурийлар хонадонида ўтди. Бор куч-қувватини Ҳусайн Бойқаро давлатининг мустаҳкамлигига сарфлади. У дўсти Бойқарога қандай муомала қилса, унинг ўғиллари – Султон Бадруззамон ва Султон Музаффар Мирзога ҳам шу муносабатни саклаган. «Хайрат ул-аброр»нинг йиғирманчи мақолати Султон Бадруззамон Мирзога бағишланган. Ўз мақсади сари талпинганда шахзода нималарга эътибор

беришини Навоий Хожа Муҳаммад Порсо ва унинг ўғли Хожа Абу Наср сиймолари орқали кўрсатиб, ота ва ўғил орасидаги келишмовчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Навоий хулоса қилади, шаҳзода ўзини мурид, отасини пир билса ва ҳар ишда унинг ҳукмига итоат қилса, дунёда ҳеч вақт ранжу алам кўрмайди.

Хуллас, Навоий ўзи мансуб бўлган Нақшбандия тариқатининг ҳалол ва пок яшаш, касбу-кор ўрганиб фойдали ишларга машғул бўлиш, жамиятдаги одамлар билан иттифоқликда умр кечириш ва Ҳақ йўлидан тоймаслик ғоялари ҳозирги замон кишилари маънавий камолоти учун, демакки, келажак авлод учун муҳим ҳаётий таълимот бўлиб қолаверади.

## Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиё кафолатлари, -Т.: Ўзбекистон, 1997. -316 б.
2. Каримов И. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998 -30 б.
3. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т. Ўзбекистон, 1998. -682 б.
4. Абдуқодиров А. Алишер Навоий ва ваҳдат ул-вужу таълимоти. -Хўжанд.: 1995. -97 б.
5. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. -Т.: Фан, 1972 -260 б.
6. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. -Т.: Фан 1995.-180 б.
7. Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. -М.: Наука, 1973. -473 с.
8. Айний. Танланган асарлар. -Т.: Фан, 1978. -335 б.
9. Алишер Навоий. Асарлар: 15 жилдлик. / Таҳрир хайъати Ойбек, Ғ.Ғулом ва бошқалар. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1966-1968.
- Т.13. Махбуб ул қулуб. Муншаот, Вақфия. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1966. -242 б.
- Т.15. Насойим ул-муҳаббат. Назмул-жавохир, Тарихи мулуки Ажам. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. - 240 б.
10. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами: 20 жилдлик. / Таҳрир хайъати К.Яшин, Э.Юсупов ва бошқалар. -Т.: Фан, 1987.
- 1) Т.УП. Ҳайрат ул-аброр. 1991. -390 б.
- 2) Т.УШ. Фарҳод ва Ширин. 1991. -544 б.
- 3) Т.ІХ. Лайли ва Мажнун. 1992. -355 б.

- 4) Т.Х. Сабъаи сайёр. 1991. –447 б.
- 5) Т. XI. Сади Искандарий. 1991. –560 б.
11. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. –Т.:Фан, 1991. –104б.
12. Атоуллоҳ Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. Форс тилидан Алибек Рустамов таржимаси. –Т.: Фан, 1981. –327 б.
13. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. –Т.: Фан, 1970. –139 б.
14. Аҳмедов Т. «Хамса» қаҳрамонларининг характер жозибаси. –Т.: Фан, 1986. –67 б.
15. Бартольд В.В. Сочинения: в 9-ти т \Редколлегия: Б.Г.Гафуров и др. – М.: Изд. Вост. Лит., 1963–1973.
- Т.5. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. –1968. 757с.
16. Бартольд В.В. Сочинения: в 9-ти Т. Т. 6. Работы по истории ислама и арабского халифата. –М.: Изд. Вост. Лит., 1966 789с.
17. Бертельс Е.Э. Избранные труды: Низами и Физули. \отв. Ред. Г.Араслы. –М.: Изд. Вост.лит., 1962. 554 с.
18. Бертельс Е.Э. Избранные труды: в 4 т. \отв. Ред. И.С.Брагинский. История персидско-таджикской литературы. Т. 1. – М.: Изд. Вост. Лит., 1960, 556с.
19. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. 524с.
20. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. –М.: Наука, 1965. 498с.
21. Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988. 557 с.
22. Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989. –367 б.
23. Валихонов А. Ғазал нафосати: Очерклар. Эссе. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. –232 б.

24. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи: –Т.: Ёзувчи, 1994. –96 б.
25. Восифий. Бадойиъ ул-вақоеъ: Форс тилидан тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –219 б.
26. Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. – Т.: Фан, 1989. –72 б.
27. Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси.-Т. : Фан, 1992. –114 б.
28. Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод мактаби. –Бухоро.: Бухоро, 1994. –188 б.
29. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт.-Бухоро.: Бухоро, 1994. –208 б.
30. Гордлевский В.А. Баха-уд-дин Накшбанд Бухарский. // сборник. С. Ф. Ольденбургу. –Л.: 1934. – С. 255.
31. Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. - Т.: Ўзадабийнашр, 1960. - 143 б.
32. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Т.: Ўзбекистон, 1970. – 495 б.
33. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. –Т.: Ўзадабийнашр, 1961. –266 б.
34. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1969. – 412 б.
35. Иззат Султон. Баҳовиддин Накшбанд абадияти. -Т.: Фан, 1994. - 88 б.
36. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. -Т.:Шарк, 1996. -80 б.
37. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. –Т.: Фан, 1965. –140 б.
38. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. –168 б.
39. Комилов Н. Бу қадим санъат. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. –192 б.

40. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. –Т.: Халқ мероси, 1995. –32 б.
41. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т.: Ёзувчи, 1996. –272 б.
42. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи: Олий ўқув юрти талаблари учун қўлланма. 1 китоб. – Т. : Ўқитувчи, 1963. –739 б.
43. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. –Т.: Фан, 1968. –53 б.
44. Мирзааҳмедова М. Хожа (хаёт ва ижоди). –Т.: Фан, 1975. –135 б.
45. Муҳаммадхўжаев Ҳ. Қардошлик туйғулари. –Т.: Фан, 1976. –96 б.
46. Муҳиддинов М. Барҳаёт анъаналар.-Т.:Фан, 1987.- 60 б.
47. Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 168 б.
48. Навоий ва ижод сабоклари: Илмий тўплам / ЎзР ФА Адабиёт институти. –Т.: Фан, 1981. –153 б.
49. Навоий замондошлари хотирасида. Тўплам. / Тузувчи Б.Аҳмедов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. –221 б.
50. Нарзуллаева С. Алишер Навоий (ижодий биографиясидан) –Т.: Фан, 1996. -156 б.
51. Олимов К. Чаҳонбинии Абдуллоҳи Ансорӣ.-Душанбе: Ирфон, 1988.- 150 с.
52. Олимов С. Навоийнинг шеършунос шогирди. Т.: Фан, 1990. –68 б.
53. Олимов С. Ишк, ошиқ ва маъшук. –Т.: Фан, 1992. –78 б.
54. Олимов С. Лукмаи ҳалол. –Т.: Маънавият, 1997. –142 б.
55. Рабғузӣ. Қиссаси Рабғузӣ: 2 жилдлик. 1–жилд. –Т.: Ёзувчи, 1990. –235 б.
56. Рабғузӣ. Қиссаси Рабғузӣ: 2 жилдлик. 2–жилд. –Т.: Ёзувчи, 1990. –272 б.

57. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат.-Т.:Фан, 1995.- 153 бет.
58. Раҳмонов В. Ақтор ва Навоий \Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1990. –9 фев.
59. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. –159 б.
60. Рустамов А. Навоий қоинот ва инсон хусусида. // Шарқ Юлдузи. –1979. № 2. – Б. 221–224.
61. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1978. –152 б.
62. Тримингэм Дж. Суфийский ордены в исламе –М.: Наука, 1989. –327с.
63. Турсунов Ю. Навоийнинг Астрободдаги фаолиятига доир // Адабий мерос. – 1984. № 1. –Б. 34 –39
64. Шарафуддинов О. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиёти. –Т.: Ўздавнашр, 1948. –193 б.
65. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс–тожик адаблари. –Т.: Ўқитувчи, 1989. –112 б.
66. Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин» ва унинг қиёсий таҳлили. –Т.: Фан, 1971. –276 б.
67. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. –Т.: Фан, 1985. –64 б.
68. Ўзбек адабиёти тарихи. Қадимги даврлардан Улуғ Октябрь революциясигача: 5 томлик. / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқалар. –Т. 11. –Т.: Фан, 1977. –327 б.
69. Қаюмов А. Алишер Навоий. –Т.: Камалак, 1991. –266 б.
70. Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. –256 б.
71. Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. –Т. : Фан, 1992. –486.
72. Қаюмов А. Нодир саҳифалар. –Т. : Фан, 1991. –144 б.

73. Қаюмов А. Садди Искандарий. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. –195 б.

74. Қаюмов А. «Фарҳод ва Ширин» сирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –168 б.

75. Қаюмов А. «Ҳайрат ул-аброр» талқини. Ижтимоий фалсафий мотивлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. –155 б.

76. Қаюмов А. Қадимият обидалари. (Ёзма адабий ёдгорликлар ҳақида), –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. –183 б.

77. Ғаниева С. Алишер Навоий. –Т. Фан, 1968. –143 б.

78. Ғаниева С. Алишер Навоий. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1962. –84 б.

79. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. –Т.: Ўзбекистон. 1989. –37 б.

80. Ғаниева С. Наср ва бадият \ Навоий ва ижод сабоқлари» тўплами. –Т.: 1981. –64–72 б.

81. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –335 б.

82. Ҳасанов С. Алишер Навоийнинг “Етти тухфаси”. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. - 192 б.

83. Ҳазратқулов М. Тасаввуф.-Душанбе.: Ирфон, 1988.-89 с.

84. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий карашлари. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1959. –196 б.

85. Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. –208 б.

86. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1963. –173 б.

87. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан (X–XVI асрлар). –Т.: Фан. 1970. –330 б.

88. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. –165 б.

89. Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –151 б.
90. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т.: Ўзфанакадашр, 1961. –295 б.
91. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993. –216 б.
92. Ҳайитметов А. Навоийни тушуниш сари\ \ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1990. –2 фев.
93. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодининг манбалари\ \ Ўзбек тили ва адабиёти. –1990. № 2. –Б. 5–12.
94. Ҳайитметов А. Алишер Навоий дунёси \ \ Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –1990. № 2. –Б. 24–28.
95. Ҳайитметов А. Деганимни улусқа марғуб эт. \ \ Совет Ўзбекистони. –1990. –9 фев.
96. Ҳайитметов А. Сўнги кун, сўнги шеър. \ \ Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти. –1991. № 6. –Б. 21–22.
97. Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётида халқчилик ва халқчил услуб масаласи. \ \ Ўзбек тили ва адабиёти. –1993. № 1. –Б. 12–17.
98. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. - Т.: Юлдузча, 1989. - 223 б.
99. Ҳаққулов И. Абадият фарзандлари. - Т.: Ёш гвардия, 1990. –190 б.
100. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 210 б.